

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ИШЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 23 март куни қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва ислохотларни чуқурлаштириш бўйича ишлар натижадорлигига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Видеоселектор тарзида ўтказилган йиғилишда Бош вазир, унинг ўринбосарлари, тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари, Қорақалпоғистон Республикаси раҳбарияти, вилоятлар ҳокимлари иштирок этди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Экинлардан мўл ва сифатли ҳосил олиш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий техника ва агрегатлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Йиғилишда юқори ҳосилдорликка эришишда агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш муҳимлиги қайд этилди. Ўз вақтида минерал ўғит берган ва суғорган фермерларнинг далаларида ғалланинг ҳолати қониқарли бўлиб, баравж ривожланмоқда.

Шунга қарамай, мамлакатимиз бўйича бир неча минг гектар майдонда ғалла етишиши кечикмоқда. Жумладан, Тошкент, Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро ва Наманган вилоятларидаги айрим ғалла майдонларида шундай ҳолатлар мавжуд.

Бунинг асосий сабаби – вилоят ва туманлардаги раҳбарлар ва ирригация тизими хо-

димлари сувдан самарали фойдаланиш ишларини тўғри ташкил этмаган. Оқибатда ғаллага ажратилган сувнинг катта қисми бошқа экинларни суғоришга сарфланмоқда. Жойлардаги ҳокимлар ва ирригация тизими раҳбарларига сувдан самарали фойдаланиш, экин майдонларини ўз вақтида суғориш бўйича ишларини тўғри ташкил этиш топширилди.

Мажлисида ғаллани баргидан озиклантириш, яъни суспензия сепиш, ғалла майдонларига маҳаллий ўғит солишда белгиланган меъёрларга амал қилиш ҳосилдорликнинг ошишида муҳим роль ўйнаши қайд этилди. Бу муҳим агротехник тадбир минерал ўғитлар самарадорлигини 6–8 баробар оширади ва ўсимликнинг сувга бўлган талабини 20–25 фоизгача камайтириш имконини беради.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ғалла майдонларига ҳимоя воситалари, жумладан, фунгицид ва гербицид аралашмаси сепишни 30 мартгача тўлиқ якунлаш, ғалла майдонларига март ойида яна бир марта ва апрель ойида камида икки марта суспензия сепишни қатъий назоратга олиш вазифаси юкланди.

Йиғилишда ғалла ўрим-йиғимига тайёргарлик масаласи ҳам муҳокама қилинди. Мавсумга тайёргарлик юзасидан техника воситалари созлигини таъминлаш, мавжуд комбайнларни техник кўриқдан ўтказиш кўзда тутилган. Бу борадаги мавжуд камчиликларни қисқа фурсатларда бартараф этиш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

Йиғилишда чигит экишни сифатли ўтказиш ва тўлиқ кўчат олиш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, жорий йилда 1 миллион 71 минг гектардан ортиқ майдонга чигит экиш белгиланган. Бу 2017 йилга нисбатан 135 минг, 2016 йилга нисбатан эса 184 минг гектар камдир. Кам ҳосил берадиган пахта майдонларини қисқартириш ҳисобига харидоргир сабзавот ва полиз экинлари экиш белгиланди.

Чигит экиш мавсумини қисқа муддатда ўтказиш, тўлиқ ва соғлом кўчат ундириб олиш учун ҳудудларда жами 3 минг 432 та ер тайёрлаш ва чигит экиш отряди ташкил қилинган. Жорий йилда ёғингарчилик нисбатан кам бўлаётгани сабабли чигитни тупроқнинг табиий намига ундириб олиш керак. Бунинг эвазига 1 миллиард метр куб сув тежалади.

Бугун Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида тупроқда етарли ҳарорат бўлиб, чигит экиш учун жуда қулай ва оптимал шароит юзага келган.

Лекин бугунгача Сурхондарёда бор-йўғи 8 минг гектар ёки 11 фоиз, Қашқадарёда эса 5 минг гектар ёки 3,5 фоиз майдонга чигит экилган. Кунлик экиш суръати ҳам 1 фоиз атрофида бўлмоқда. Ваҳоланки, ушбу ҳудудларда чигит экишнинг кечикиб кетиши – ғўзанинг ҳосил тўплаш даври айнан иссиқ кунларга тўғри келиб, ҳосилнинг катта қисмини гармселга ёки ҳашаротга олдириб қўйишга сабаб бўлиши барчага маълум.

– Энг асосийси, қишлоқ хўжалигида барча муаммоларни бирма-бир ечиб, бир тонна пахтанинг ўртача нархини 3 миллион 250 минг сўм қилиб белгилаб қўйдик. Энди ҳар йилги “чигит экишга маблағ етмаяпти, ёқилғи йўқ” деган баҳонага ўрин қолмади, ажратилаётган маблағлар барча тадбирлар учун етади, – деди давлатимиз раҳбари.

Пахта ва ғалла етиштиришни молиялаштириш масаласи ҳам диққат марказида бўлди. Мавсум давомида фермерларга ўзгармас ва чекланган нархда минерал ўғит ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари етказиб бериш зарурлиги таъкидланди. Яқинда қабул қилинган қарорга мувофиқ пахта-ғалланинг харид нархини ҳаражатларни қоплайдиган ва фойдани таъминлайдиган қилиб белгилаб берилди. Шунингдек, жорий йил пахта ҳосили учун ажратиладиган имтиёзли кредит 6 триллион сўмни ташкил этиб, бу ўтган йилга нисбатан 3 баробарга кўпдир. Энг асосийси, фермерларга бериладиган имтиёзли кредит-

ларда минерал ўғит ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари учун ҳаражатларни 100 фоиз қоплайдиган миқдорда маблағлар кўзда тутилган.

– Илгари имтиёзли кредит аниқ йўналиш бўйича ажратилиб, фермер ўз пулини мустақил сарфлай олмасди. Энди эса кредитларни тақсимлаш фермерларнинг буюртмалари асосида туман даражасида ҳал қилинади, – деди Президент. – Фермерга фақат зарар олиб келадиган, ҳосилдорлиги 15 центнердан паст бўлган ерларга пахта экишдан мутлақо воз кечдик. Эндиликда бундай майдонларга юқори даромадли экспортбоп экинлар экилади.

Йиғилишда томорқалардан самарали фойдаланишни ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Фермерлар кенгаши фаолияти талабга жавоб бермагани учун тугатилиб, унинг ўрнига Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ташкил этилди. Кенгашнинг аҳоли ва деҳқон хўжаликларига тегишли унумдор томорқа ерларидан фойдаланишни ташкил этиш бўйича ишлари мутлақо талабга жавоб бермаслиги таъкидланди. Маҳаллий ҳокимликлар ҳам бу соҳага етарли эътибор қаратмаётгани кўрсатиб ўтилди.

Яқинда Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятларида томорқа ер майдонларидан фойдаланиш ҳолати ўрганилгани қайд этилди. Ушбу вилоятларнинг баъзи туманларида томорқа ерларидан самарали фойдаланилмаётгани аниқланган. Аксарият аҳолининг 8–10 сотих томорқа ери бўлсада, ҳеч нарса экмаган.

Давлатимиз раҳбари кичик томорқадан мўл ҳосил олиб,

оиласини боқаётган, катта даромад топаётган меҳнатсевар одамларни ўрناق қилиб кўрсатди.

– Чўп суқсанг, кўкарадиган еримиз бор, меҳнатсевар халқимиз бор. Лекин томорқа ерларидан – шундай катта резервдан фойдаланмаяпмиз. Шунинг учун бугундан бошлаб “Томорқага экин экиш” ойлигини эълон қилиб, ҳар бир томорқага экин экишни ташкил этиш керак. Агар ҳозир экмасак, кейин кеч бўлади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Бу борада аҳолига кўмаклашиш мақсадида барча туманларда “Томорқа хизмати” корхоналарини ташкил этиш, улар орқали томорқалар учун кўчат, минерал ўғит, кимёвий препаратлар етказиб бериш, механизация ва бошқа сервис хизматлари кўрсатиш бўйича тизим яратиш юзасидан топшириқ берилди. Шу хизматлар етиштирилган ҳосилни харид қилиш, қайта ишлаш, сақлаш ва экспорт қилиш билан ҳам шуғулланади.

Йиғилишда мева-сабзавот, картошка, узум ва полиз маҳсулотлари етиштириш билан боғлиқ ишлар ҳам муҳокама қилинди. Жорий йилда 2017 йилга нисбатан 24 фоиз кўп маҳсулот етиштириш режалаштирилгани қайд этилди.

Ушбу режадаги мева-сабзавотларни сифатли етиштириш, халқ истеъмоли учун ғамлаш, белгиланган қисмини экспорт қилишни таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда юқорида қайд этилган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш, барча турдаги эканлардан мўлкўл ҳосил олиш юзасидан мутасаддиларга тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди.

ЎЗА.

ЃЎЗА НИҲОЛЛАРИНИ ПАРВАРИШЛАШДА ЭНГ МУҲИМ ТАДБИРЛАР

Чигит бир текис униб чиққан майдонларда агротехника тадбирларини ўтказишда қуйидагиларга амал қилишни тавсия этамиз.

Маълумки, чигит экилгандан сўнг тупроқ анча зичлашади. Бунинг оқибатида ғўзанинг ўсиб-ривожланиши секинлашиб, тупроқдаги намлик камаяди, ўсимликнинг озиқланиш, культивация, суғориш сифати бузилиб, бегона ўтларнинг кўпайишига имкон яратилади. Бу эса ўз навбатида ғўзанинг ўсиб-ривожланиши ва ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли ғўза қатор ораларига ишлов бериш, бегона ўтларга қарши кураш, тупроқнинг устки қатламини юмшоқ ҳолда сақлаш катта аҳамиятга эга.

Қатор ораларини культивация қилишда ишчи органларининг қамров кенглиги, бегона ўтларнинг тўла кесилишига, ғўза илдизларининг камшикастланишига, тупроқнинг майда донатор ҳолда юмшатилишига эришиш лозим. Тупроқнинг 0,10–10 мм келадиган доначалари 40 фоиздан кам бўлмасдан, 50 мм ва ундан йириклари бўлмаганда ишлов сифатли ўтказилган деб ҳисоблаш мумкин.

Ѓўза илдизлари биринчи культивация ўтказиш даврида унча ривожланмаганлиги сабабли қатор ораларига ишлов беришда тупроқ билан бирга ўрнидан кўзғалиб, нобуд бўлиши мумкин. Шунинг учун биринчи культивация ўтказишда ишчи органларини тупроққа чуқур ботмайдиган қилиб ўрнатиш лозим.

Сизот сувлари яқин жойлашган майдонларда чуқур жойлашганга нисбатан қатор ораларига ишлов бериш тез-тез ўтказилиши шарт. Сизот сувлари чуқур жойлашган майдонларда биринчи сув беришга қадар ғўза қатор ораларига бир марта, сизот сувлари яқин жойлашган майдонларда эса икки марта ишлов бериледи. Об-ҳаво шароити ҳам ҳисобга олинган ҳолда ишловлар сони ўзгариши мумкин.

Кўп йиллик тажрибалардан маълумки, механик таркиби ўрта ва оғир тупроқларда кучли ёққан ёмғирдан кейин 4–5 см. дан, 6–10 см. гача, ҳатто ундан ҳам қалин қат-

қалоқ ҳосил бўлиб, чигит унмаган ёки ҳали илдизи яхши ривожланмаган ниҳолларни ўсишдан тўхтади, касалланади (гоммоз, илдиз чириш) ва нобуд бўлишига олиб келади. Ана шу хавфнинг олдини олиш, ёш ниҳолларни соғлом сақлаб қолиш учун тупроқнинг юза қисмини 1–2 кун ичида юмшатиш ва қатқалоқни бартараф этиш керак. Ниҳоллар униб чиқмаган майдонларда қатқалоққа қарши ротацион мотига POP билан эрталаб ва кечки томон ишлов бериш лозим.



Ниҳоллар униб чиққан майдонларда ишлов бериш учун культиваторлар шай қилиб қўйилиши ва албатта ротацион юлдузчалар билан таъминланиши, тезликда сифатли культивация ўтказилиши керак.

Бундай культивация биринчидан намни яхши сақлайди, иккинчидан майин тупроқ ҳосил қилиб, иссиқ ҳаво айланиши ҳисобига касаллик тарқатувчи патогенларга қирон келтиради, учинчидан бегона ўтлар камаяди ҳамда зарарли тузларнинг юқорига кўтарилишининг олди олинади. Бунинг учун культиваторда ҳамма ишчи органлари тўлиқ ўрнатилган ва яроқли ҳолатда бўлиши лозим.

Ѓўза қатор орасига биринчи ишлов бериш ниҳоллар 75–80 фоиз униб чиқиб, қатори кўрингандан бошланади. Биринчи культивацияда тупроққа сифатли ишлов берилса, униб чиқмаган 20–25 фоиз ниҳоллар ҳам тезда униб чиқади. Тупроқ майин, донатор бўлиб, ўсимлик илдизи яхши ривожланади. Би-

ринчи ишлов беришда, культиваторга юлдузчалар 3–5, ўртадаги органлари 12–14, чеккадагилари эса 6–8 см чуқурликка мослаб ўрнатилади. Механик таркиби енгил, қумоқ, қумли тупроқлар ва механик таркиби ўртача бўлган ўтлоқи-соз тупроқлар шароитида биринчи культиваторнинг четки ишчи органлари 6–8, иккинчи жуфт органлар 8–10, учинчи жуфт органлар 10–12, ўртадагилари эса 60 см қатор ораларида 13–14, 90 см қатор ораларида 15–16 см чуқурликка мослаб ўрнатилган ҳолда ўтказилса тупроқдаги намнинг буғланиши 10–15 фоизга тежаледи.

Механик таркиби оғир, сув ўтказиш хусусияти паст, сув яхши шимилмайдиган тупроқларда қатор оралари 60 см бўлганда ўртадаги ишчи органлар 15–16 см, 90 см қатор ораларида 16–18 см чуқурликка мос келиши керак. Бунда 60 см қатор ораларида ўсимликдан ҳар икки томондан 5–7 см ҳимоя зонаси қолдирилиб, 45–50 см кенликда, 90 см қатор ораларида 75–80 см кенликда ишлов бериледи.

Тупроқда намлик кам бўлган шароитларда ғўза қатор ораларига ишлов беришда энг аввало культиватордаги ишчи органлар сонига эътибор бериш керак. Чунки тупроқнинг юза қисмидаги кесакларни майин ҳолатга келтирилиши натижасида сувнинг буғланиши камаяди.

Шамол ва сув эрозиясига учрайдиган тупроқларда ғўза қатор ораларига ишлов беришга алоҳида аҳамият бериш керак. Бунда намни сақлаш учун юза культивация ўтказиш вақтида боранкалардан фойдаланиш яхши натижа беради.

Ёғингарчилик туфайли тупроғи ўта зичланиб кетган ва ер тайёрлашда техника кўп киритилган, пастки қатламда “девор” ҳосил бўлган пайкалларда ғўза қатор ораларига сифатли ишлов беришни таъминлашда 1 ва 2-культивация-

ларда қатор орасига ўрнатиладиган ғозпанжанинг чуқурлиги 18–20 см бўлиши лозим. Кейинги ишлов беришларда ғозпанжалар ғўза қаторларидан камида 14–15 см узоқликда қўйилиши ва ишлов бериш чуқурлиги 10–12 см бўлиши керак.

Сизот сувлари яқин тупроқ намлиги юқори бўладиган ҳудудларда ҳамда механик таркиби оғир тупроқли тоғ олди минтақаларида униб чиққан ниҳолларни яхши ривожланиши учун культивацияни барвақт бошлаш, зах, ортиқча намни тезроқ қочириш талаб этилади.

Культивация билан бирга эгат очиб қўйилса, намлик тезроқ кўтарилади, илдиз чиришининг олди олинади.

Плёнка остига чигит экилган майдонларда биринчи ишлов беришда культиваторнинг ўртадаги органлари 8–10, чеккадагилари эса 5–6 см кейинги культивацияларда эса мос равишда 10–12, 12–14, четки ишчи органлари 5–6 см чуқурликка мўлжалланиб соланади.

Чигит плёнка остига бир қатор қилиб экилган майдонларда қатор оралиғи 60 ва 90 см бўлганда ишлов бериш қамров кенлиги плёнка ёпилган майдондан 3–4 см чеккасидан ташкил этилиши керак. Культивация пайтида қолиб кетган ёки плёнканинг ғўза ўсиб чиққан тешикларидан ташқарига чиқиб қолган бегона ўтлар қўлда олиб ташланади. Ғўза ўсиб чиққан плёнкадаги тешиклар доим тупроқ билан беркилган ҳолатда туриши лозим. Акс ҳолда плёнка остида бегона ўтлар тез ривожланиб, уни кўтариб юборади ва йиртилиб, ҳарорат ҳамда намлик пасаяди, ғўза ривожига сусаяди.

Чигит қўшқатор экилган майдонларда биринчи культивацияда қўшқатор ораси (60x30 см тор қаторлар) бегона ўтлар билан зарарланишини камайтириш ва ҳосил бўлган қатқалоқни юмшатиш учун битта ККО ёки кичкина ғозпанжа билан 6–8 см ва икки дона РОР юлдузчаси 3–5 см чуқурликда ниҳолларга зарар етказмасдан ишлов берилди. Кейинги культивацияларда тор қаторлар орасига ишлов берилмайди. Қўшқаторлар оралиғи 25–30 (40) см қилиб экилган бўлса, ғўзани биринчи ишлов беришдан сўнг қўшқаторлар оралиғига чуқур ишлов берилиши тупроқни юмшатади, натижада ўсув даври охиригача тупроқ зичлашмайди, ғўзанинг ўсиб-ривожланишини яхшилайд.

Яганалашга ниҳоллар тўлиқ ун-

дириб олиниб, культивация ўтказилгандан сўнг киришилади. Яганалашнинг энг мақбул муддати ниҳоллар 1–2 чинбарг чиқарган палладир. Ушбу муҳим тадбирга эътиборсизлик қилиб 3–5 кун кечиктириб ўтказилса, ҳосилдорлик 2–3 ц, 4–5 чинбарг чиқарганда 4–5 ц, шоналашгача кечиктирилса, 7–8 ц/га га камайд.

Энг асосийси, яганалаш кечиктирилганда ниҳолларни илдизлари бир-бири билан бирикиб кетиши туфайли илдиз тизими шикастланади, ниҳоллар ривожига 8–10 кун орқада қолади. Яганалашда қўчат кўп қолдирилса, бир-бирини сиқиб қўяди ва ғўзанинг сув, озикадан фойдаланиши камайиб, ҳосилдорлик 15–20 фоиз пасаяди.

Яганалаш мақбул муддатларда ўтказилганда ғўзанинг ўсиб-ривожланиши жадаллашади, озика элементлари билан таъминланиши ошади, эртаги, мўл ва сифатли пахта ҳосили олинади. Ҳар бир фермер хўжалиги экин майдонидан келиб чиқиб, яганалашни қисқа муддатда – 8–10 кундан кечиктирмай якунлаш лозим. Яганалаш даврида ниҳоллар орасидан нимжон, ҳашарот ва касалликлар билан зарарланган, ривожланиши суст бўлган ниҳоллар олиб ташланиб, фақат соғлом қўчатлар қолдирилади.

Яганалаш ўтказилгандан 7–8 кундан кейин ҳар бир даладаги қўчат қалинлиги яна бир бор текширилиб, қўчати қалин қолган ёки кейин униб чиққан жойлардаги ниҳоллар олиб ташланиб, тўлиқ гектар ва бир текис қўчат қалинлиги ҳосил қилинади.

Пахта майдонларида ғўзани яганалашда ўлчов таёқчаларидан (шаблон) фойдаланиш яхши самара беради. Яганалаш тадбирини худудларнинг тупроқ иқлим шароити, ғўза навларининг биологик хусусиятлари ва бошқа омиллардан келиб чиқиб қуйидагича бўлиши тавсия этилади.

Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг унумдор тупроқларида С-6524, “Ан-Боявут-2”, “Хоразм-127”, “Наманган-77”, “Пахтакор-1”, “Султон”, “Келажак”, “Купайсин”, “Порлоқ-1”, “Порлоқ-4” ғўза навлари 90 см қатор оралиғида 90–100 минг туп/га қўчат ҳосил қилиш учун 1 погонметрда 8–9, қатор ораси 60 см. да эса 5–6 дона ниҳол қолдирилиши керак.

Ўртача унумдор тупроқларда 90 см қатор оралиғига экилганда 100–110 минг туп/га қўчат ҳосил қилиш учун, 1 погонметрда 9–10, қатор

ораси 60 см. да эса 6–7 дона ниҳол қолдирилади.

Унумдорлиги паст, қумли, тошшағалли тупроқларда 90 см қатор оралиғида 120–140 минг туп/га қўчат ҳосил қилиш учун, 1 погонметрда 10–12, қатор ораси 60 см. да эса 7–8 дона қўчат қолдирилади. Шунингдек, “Бухоро-102” ғўза навида 90–100, унумдорлиги юқори тупроқларда эса 85–90 минг туп қўчат қолдириш мақсадга мувофиқ. Унумдорлиги паст, шамол ва гармсел кучли бўладиган чўл худудларида эса 100–110 минг туп/га қўчат қолдириш тавсия этилади.

Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятлари шароитида унумдор тупроқларда “Ан-Боявут-2”, “Омад”, “Наманган-77”, С-8284, “Султон” навлари экилган майдонларда 100–110, “Бухоро-102”, “Бухоро-6”, “Бухоро-8”, “Порлоқ-1”, “Порлоқ-2” навларида 90–100 (1 м. да тегишлича 90 см қатор оралиғида 9–10 ва 8–9 та, 60 см. да 6–7 ва 5–6 та), унумдорлиги ўртача тупроқларда “Ан-Боявут-2”, “Омад”, “Наманган-77”, С-8284, “Султон” навларида 100–110, “Бухоро-102”, “Бухоро-8”, “Порлоқ-1”, “Порлоқ-2” навларида 90–100 минг (1 м. да тегишлича 90 см қатор оралиғида 9–10 та ва 8–9 та, 60 см. да 6–7 ва 5–6 та), унумдорлиги паст майдонларда “Ан-Боявут-2”, “Омад”, “Наманган-77”, С-8284, “Султон”, “Порлоқ-1”, “Порлоқ-2” навларида 110–120, “Бухоро-102” ва “Бухоро-8” навларида 100–110 минг (1 м. да тегишлича 90 см қатор оралиғида 10–11 ва 9–10 та, 60 см. да 7–8 ва 6–7 та) туп/га қолдириш тавсия этилади.

Бухоро вилоятида “Бухоро-6”, “Бухоро-8”, “Бухоро-102” ва “Жондор Кудрати” ғўза навларини яганалашни унумдорлиги юқори, механик таркиби оғир тупроқларда 100–110, унумдорлиги ва механик таркиби ўртача тупроқларда 110–120, унумдорлиги паст, механик таркиби энгил тупроқларда 120–130 минг туп/га қўчат қолдириш мақсадга мувофиқдир.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида ғўза навларини яганалашда учта омилга жиддий эътибор қаратиш талаб этилади. Яъни навнинг хусусияти, тупроқ унумдорлиги ва иқлим шароити. Унумдорлиги юқори бўлган тупроқларда С-6524, “Наманган-77”, “Наманган-34”, “Андижон-35”, “Андижон-36”, “Андижон-37”, ЎзПИТИ-201, С-8286, С-8290 ва

“Порлоқ-1”, “Порлоқ-2” навлярида 90–100, “Султон” нави учун 90 (қатор ораси 90 см. да 1 м. да 8–9, 60 см. да 6–7 та), ўртача унумдор тупроқларда гектарига 100–110 (қатор ораси 90 см. да 1 м. да 9–10, 60 см. да 6–7 та), “Султон” нави учун 90–100 (қатор ораси 90 см. да 1 м. да 8–9, 60 см. да 5–6 та), унумдорлиги паст тупроқларда эса 110–120 минг (қатор ораси 90 см. да 10–11, 60 см. да 7–8 та) туп/га кўчат қолдирилади. Шунингдек, ер ости сув сатҳи юза бўлган майдонларда 110–120 минг (қатор ораси 90 см. да 1 м. да 10–11, қатор ораси 60 см. да 7–8 та) туп/га кўчат қолдирилади. Чигит плёнка остига экилган майдонларда якка қатор ҳолатда гектарига 100–110, қўшқаторда 140–160 минг туп қолдириш тавсия этилади.

Қашқадарё вилоятида “Бухоро-6”, “Бухоро-8” ва “Бухоро-102” навляри шохланишига қараб, тупроқ унумдорлиги паст майдонларда (чўл ҳудудида) 110–120, унумдорлиги ўртача бўлган чўл, ярим чўл ва дашт ҳудудларида 100–110 минг туп/га кўчат қолдирилади.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида экилган “Наманган-77”, “Бешқаҳрамон”, “Султон”, “Жарқўрғон” навлярида қатор ораси 90 см. да 1 погонметрда 8–9, “Бухоро-102” навида 7–8 та, қатор ораси 60 см. да “Наманган-77” навида 6–7, “Бухоро-102” навида 5–6 та кўчат қолдириш зарур. Тошлоқ ва қумлоқ ерларда 90 см қатор оралигида 1–2 та, 60 см. да эса 1 тадан ортиқ кўчат қолдириш мақсадга мувофиқ. Унумдорлиги паст ерларда кўчат қалинлиги 15–20 фоизгача кўп қолдирилиши ҳамда қўшқатор экилганда кўчат қалинлиги 30–35% оширилиши мумкин.

Сурхондарё вилоятининг жанубий туманлари – Шеробод, Музработ, Қизириқ, Ангор, Термиз, Жарқўрғон туманларида ғўзанинг “Бухоро-102”, “Наманган-77”, “Бешқаҳрамон”, “Султон”, “Жарқўрғон”, “Порлоқ-1”, “Порлоқ-4” навляри экилиб, қатор ораси 90 см бўлганда кўчат қалинлиги 1 м. да “Бухоро-102” навида 7–8 (95–100 минг/га), “Наманган-77” навида 9–10 та (100–110 минг/га), қатор ораси 60 см. да “Бухоро-102” навида 6–7, “Наманган-77” навида 7–8 та кўчат қолдирилиши керак. Агар чигит қўшқатор қилиб экилган бўлса, тавсия этилган кўчат қалинликлари 30–35% оширилади.

Ингичка толали “Сурхон-14” ғўза навида унумдор тупроқларда

ўртача 120–130, ўртача унумдор тупроқларда 130–140, кам унумли тупроқларда 150–160, қўшқатор усулида 160–170 минг туп/га кўчатга мўлжаллаб яганалаш тавсия қилинади. Қатор ораси 60 см кенликда экилганда ҳар погонметрда мос равишда 7, 8, 9, кенгқаторлаб (90 см) экилганда 11, 12, 13–14 та, қўшқаторда 60х30–2 (6, 7, 8 та) ҳолатда кўчат қолдирилади.

“Термиз-202” ғўза навида кўчат қалинлиги тупроқ тури ва унумдорлик даражасига кўра 120–140, енгил қумоқ тупроқларда эса 150–160 минг туп/га кўчат қолдириш мақсадга мувофиқ.

Кўчатларни қатор ораси 60 см кенликда 60х15–1; 60х12–1 ва 90 см кенликда 90х10–1; 90х8–1 ҳолатда жойлаштирилиши лозим.

Агар чигит қўшқатор қилиб экилган бўлса, тавсия этилган кўчат қалинликлари 30–35% оширилади. Унумдорлиги паст, қумоқ ерларда ҳам кўчат қалинлиги 15–20 фоизгача кўп қолдирилиши керак.

“Термиз-49” навини қатор ораси 60 см кенликда 60х13 60х10 ва 90 см кенг қаторлаб экишда 90х10, 90х8 ва 90х6 ва қўшқаторда 60х30х6, 60х30х7 тизимида ўсимлик жойлаштириш тавсия қилинади.

“Термиз-31” ғўза навида кўчат қалинлигини 120–140 минг туп/га (енгил, шағалли, тошлоқ, шўрланган тупроқларда кўчат қалинлиги 20% оширилади) бўлишини таъминлаш керак.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм “Хоразм-150”, “Меҳнат”, “Чимбой-5018”, “Султон”, С-9085, С-8294 ғўза навляри яганалашда унумдорлиги юқори ерларда 90–100, ўртача унумдор тупроқларда 100–110, унумдорлиги паст ерларда 110–120 минг туп/га кўчат қолдирилади. “Бухоро-102” нави экилган майдонларда кўчат қалинлиги унумдор ерларда 85–90, ўртача унумдор ерларда 95–100, унумдорлиги паст тупроқларда 100–110, “Омад” навида эса 100–120 минг туп/га кўчат қолдириш тавсия этилади. Қўшқатор экилган майдонларда кўчат қалинлиги 140–160 минг туп/га атрофида бўлишини таъминлаш лозим. Яганалашда “Бухоро-102” навида “Меҳнат”, “Хоразм-127”, “Хоразм-150” навлярига нисбатан 5–10% камроқ кўчат қолдирилишига эътибор бериш керак. Шўрланган ерларда 10–15% кўпроқ кўчат қолдириш лозим. Чунки ғўзанинг ўсув даври давомида, тузларнинг юзага кўтарилиши туфайли ниҳоллар-

нинг нобуд бўлиш ҳоллари кузатилади.

Ниҳолларни озиқа моддалар билан яхшироқ таъминлаш ва ривожланишини тезлаштириш мақсадида культивация билан биргаликда гектарига соф ҳолда 50 кг азотли ўғит (аммиакли селитра 150 кг/га ёки карбамид (мочевина) 110 кг/га, аммоний сульфат 240 кг/га) ғўзанинг 15–8 см ёнига, 12–14 см чуқурликка солинади. Тупроқда фосфор кам (15–30 мг/кг. гача) бўлган майдонларда азотли ўғитлардан биринчи навбатда мочевина ва аммоний сульфат, фосфор билан юқори даражада (46 мг/кг ва ундан ҳам юқори) таъминланган майдонларда эса аммиакли селитра ишлатилса, ўғитларнинг самарадорлиги янада ортади. Агар ўғитлар белгиланган чуқурликдан чуқур солинса, ниҳолларнинг илдишлари ҳали унчалик ривожланмаганлиги сабабли тўлиқ ўзлаштира олмайди ва сув билан ювилиб, тупроқнинг қуйи қатламларига тушиб кетишидан ташқари биологик жараёнлар таъсирида ҳам исроф бўлади.

Ўғит саёз берилса, берилган ўғитнинг асосий қисми ҳавога учиб исроф бўлади ҳамда юза қатламида тўпланган ўғитдан ўсимлик фойдаланолмайди. Агар чигит экиш олдидан ёки экиш пайтида фосфорли ўғитлар берилмаган бўлса, азот ўғитлари билан биргаликда 30–40 кг фосфор, яъни физик ҳолатда 210–280 кг оддий суперфосфат ёки 70–90 кг аммофос ёки супрефос 130–170 кг берилиши керак. Шунингдек, фосфорли ва калийли ўғитларнинг тақчиллигини инобатга олган ҳолда ноанъанавий агро-рудалар – бентонит, глауконит лойқаларини гектарига 250–300 кг меъёрда солиш мақсадга мувофиқ.

Юқорида кўрсатилган ғўза қатор ораларига биринчи ишлов бериш, ниҳолларни яганалаш ва минерал ўғитлар билан озиқлантириш агро-техник тадбирларини илмий тавсияларга мувофиқ тарзда бажарилишига ҳар бир фермер хўжалиги раҳбарлари ва пахтакор мутахассислар тўлиқ риоя этишлари мақсадга мувофиқдир.

Мазкур тавсия Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан тайёрланган.

ҒАЛЛА РИВОЖИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ УЧУН НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раслигида 23 март куни қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва ислохотларни чуқурлаштириш бўйича ишлар натижадорлигига бағишланган йиғилишда таъкидланганидек, ўз вақтида минерал ўғит берган ва сугорган фермерларнинг далаларида ғалланинг ҳолати қониқарли бўлиб, баравж ривожланмоқда. Шунга қарамай, мамлакатимиз бўйича бир неча минг гектар майдонда ғалла етишиши кечикмоқда. Йиғилишда мавжуд ҳолат атрофлича таҳлил қилиниб, бу борадаги долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Кузги бошоқли дон экилган майдонларда шу кунларда экин ҳолатини инobatга олган ҳолда баргидан озиклантириш, яъни суспензия сепиш, суғориш, озиклантириш ғалла майдонларига маҳаллий ўғит солишда белгиланган апрель ойида амалга ошириладиган агротехник тадбирларни мақбул муддатда, сифатли амалга ошириш ғалладан юқори ва сифатли дон ҳосил олинишининг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Кузги ғалла экинларининг баҳорги парвариллашда уларнинг ҳолати, яъни 1 м² майдондаги кўчатлар сони муҳим аҳамиятга эга. Кузги бугдойнинг найчалаш фазасининг давомийлиги 25–30 кунни ташкил этади. Шу қисқа даврда бугдой ўсимлиги бутун ўсuv даврида тўплайдиган куруқ модданинг 50–60 фоизини тўплайди. Найчалаш фазасида намлик ва озика моддалар етишмаслиги ҳосилдорликка салбий таъсир қилади. Шунинг учун апрель ойида ғалла майдонларида намликни чекланган дала нам сизгими (ЧДНС) нисбатан 70–75% бўлишини таъминлаш мақсада мувофиқ.

Бошоқли дон экинларининг найчалаш фазасида ўсимликнинг эрта баҳорги ҳолатига нисбатан фарқи шундаки, бу фазада ўсимликни вегетатив органлари кўпайган ва энг асосийси поялар

сони ортган бўлади. Шу сабабли бугдой найчалаш фазасида азотли ўғитлар йиллик меъерининг 40–50 фоизи (физик ҳолатда 300–320 кг) берилади. Бугдой найчалаш фазасида ўсимликларни намлик ва озика моддалари билан таъминланиши муҳим аҳамиятга эга.



Кўп йиллик кузатувлар шуни кўрсатадики, эрта экилган ғалла навларида апрель ойининг 2-декадасидан бошлаб озиклантириш фазасига қиради. Ғалла бошоқлаш фазасига киргандан 10 кун ўтказиб экинни 3-озиклантириш тавсия этилади. Бунда гектарига физик ҳолда 120–150 кг меъёрда азотли ўғитлар билан озиклантиришни амалга ошириш яхши самара беради.

Озиклантириш ўтказилгандан сўнг ҳар бир минтақа тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб 600–700 м³/га ҳисобида 2 марта суғориш ишлари амалга оширилади. Суғоришни шарбат усулида гектарига 5 тоннадан маҳаллий ўғит билан амалга ошириш

тавсия этилади (маҳаллий ўғит таркибидан азот, фосфор ва калий микроэлементларидан ташқари бугдой ўсиб-ривожланишида зарур бўлган микроэлементлар: молибден, мис ва бошқалар ҳам бор).

Бошоқли дон экинлари ривожини яхшилаш мақсадида апрель ойида гектарига 12 кг меъёрда карбамид минерал ўғитини 300 л сувда эритиб, махсус пуркагич механизмларда сепиш яхши натижа беради. Чунки, бундай вақтда ғалла экинларининг кўшимча озукага эҳтиёжи юқори бўлади. Шунингдек, зараркунанда ҳашаротлар ва касалликларнинг ғаллазорларга айна шу даврда кўп тарқалишини ҳисобга олган ҳолда суспензияга инсектицид,

фунгицидларни кўшиб ишлатиш муҳим аҳамиятга эга.

Суспензия сепилганда ўсимликнинг барг сатҳи қалинлашади, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги ортади. Бу муҳим агротехник тадбир минерал ўғитлар самардорлигини 6–8 баробар оширади ва ўсимликнинг сувга

бўлган талабини 20–25 фоизгача камайитириш имконини беради. Пировард натижада 1000 дон дон вази ортади, ҳосилдорлик 4–5 центнерга ошиши баробарида доннинг технологик сифат кўрсаткичлари яхшиланади.

Ғаллага ишлов беришда кимёвий препаратларни эрта тонгда ёки кечки салқинда ишлатаётганда ҳаво очиқ, ҳарорат 18–25°C атрофида, намлик 65 фоиздан кам бўлмаслиги лозим. Бунда шамолнинг тезлиги секундига 3 м/с дан ошмаслигига эътибор қаратиш керак.

Бу йилги қиш фасли ҳар йилгидан илиқ, ёғин миқдори кам бўлганлиги ҳамда эрта баҳорда ёғингарчиликнинг кўп бўлиши

кузги ғалла ривожига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бу эса ғаллазорларда занг ва бошқа замбуруғли касалликларни, зараркунандаларнинг кўп тарқалишига олиб келиши мумкин. Айниқса септариоз, сариқ ва кўнғир занг, уншудринг касалликлари, зараркунандалардан шиллиққурт (пьявица), зарарли хасва, ғалла арракаши, турли ширалар тарқалишининг олдини олиш учун кимёвий препаратлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш чоралари кўрилмаса, ғалла ҳосилининг 45–50 фоизгача камайишига олиб келади.

Маълумки, ғаллазорларда учрайдиган касалликлар споралари, зараркунанда ҳашаротлар имогалари, уруғлари (тухумлари) ва личинкалари дала четларида, дала уватларида, суғориш ва зовур тармоқлари қирғоқларида сақланиб қолиб, аксарият йилларда кучли совуқ таъсирида нобуд бўлиши кузатилган.

Аммо кузги-қишки мавсумда ҳаво ҳароратининг нисбатан илиқ ва баҳор ойларини серёғин келиши касаллик ва зараркунанда ҳашаротларнинг ҳам нобуд бўлмасдан қишлаб чиқишига қулай муҳит яратди.

Апрель ойи давомида ғаллазорларда зараркунандалар, касалликлар тарқалиш ҳолатини ҳар 7–10 кунда мониторинг қилиб бориш лозим.

Ғалла майдонларида касаллик ва зараркунанда ҳашаротлар аниқланганда, уларга қарши кимёвий кураш тадбирлари ўтказилади.

Бунда касалликларга қарши Давлат кимё комиссияси рўйхатидан ўтган фунгицидлардан 33 фоизли "Альто Супер", "Файтер" (0,3 л/га), 30 фоизли "Алтис Премьер" (1–1,5 л/га), "Бродер" (0,2–0,3 л/га), 28 фоизли "Аканто Плюс" (0,3–0,5 л/га), 25 фоизли "Бампер" (0,5 л/га), "Крест" (0,5 л/га), "Титул Дуо" (0,2 л/га), "Дузол" (0,2 л/га), 22,5 фоизли "Тебумекс Плюс", "Эн-

толикур" (0,3–0,5 л/га) препаратларини 250–300 литр ишчи эритма тайёрлаб ишлов бериш тавсия этилади.

Ғаллазорларда тарқалган зараркунанда ҳашаротлар: зарарли хасва, шиллиққурт (пьявица), ғалла арракаши, шира ва трипсларга қарши эса 20 фоизли "Багира" (0,2–0,3 л/га), "Бестселлер" (0,05–0,075 л/га, 10 фоизли "Далметрин" (0,06–0,08 л/га), 2,5 фоизли "Делцис" (0,25 л/га), 5 фоизли "Далатэ" (0,15–0,2 л/га), 55 фоизли "Агрофос-Д" (0,5 л/га) инсектицидларини қўллаш яхши самара беради.

Юқоридаги агротехник тадбирларнинг мақбул муддатда сифатли бажарилишини таъминлаш баракали ғалла хирмонига кафолатли замин яратади.

Р.СИДДИҚОВ,

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти директори, қ.х.ф.д., РФА академиги,

Ф.АСРОНОВ,

илмий ходим.

БАҲОРГИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН АГРОТАДБИРЛАРНИ СИФАТЛИ БАЖАРИШ

Маълумки, баҳор ойларида фермер хўжаликлариди пахта майдонларини яхлит тўртбурчак ҳолга келтириш, ерларни текислаш, тупроққа экиш олдида ишлов бериш, чигит экиш ва ғўза қатор ораларини дастлабки культивациялаш каби механизациялашган агротадбирлар ўтказилади. Уларнинг сифати бирига жуда боглиқ. Зеро, пайкаллардаги қийтиқлар йўқотилса, ерга ер қўшилади, шудгорлаш ва текислаш ишларини сифатли бажариш имкониятлари кенгайди; экиш олдида майин тупроқ ҳосил қилинса, ер сифатли текисланса, чигит бир хил чуқурликка тушади ва тупроқдаги нам ҳисобига бир текис униб чиқади, дуркун ривожланади.

Бу сифат кўрсаткичларига эришиш учун механизаторлар, фермерлар ва агрономлар тегишли қишлоқ хўжалиги машиналарининг иш жараёнида уларга қўйилган агротехник талабларнинг тўла бажарилишини таъминлашлари зарур. Бу борада қуйидагиларга эътибор қаратиш тавсия этилади.

Шудгордан қолиб кетган нотекисликлар, даланинг четлари ва бурчакларини текислаш ГН-2.8 типдаги ўрнатма грейдер пичоқлари ёрдамида бажарилади. Талаб: текисланган далалардаги нотекисликлар баландлиги ±5 см. дан ошмасин (ча-

наларнинг тупроққа кўрсатадиган босими гидроцилиндр ва пружиналар ёрдамида ростлансин; гидротарқатгич ричаги эркин ҳолатда бўлсин; отвалнинг юриш чуқурлиги унинг қирқиш бурчагини сошлаш орқали ўзгартирилади).

Тишли бороналаш агрегатининг сифат кўрсаткичлари: ишлов бериш чуқурлиги 4–6 см; ўлчами 25 мм. дан кичик фракциялар миқдори камида 80%, униб чиқаётган бегона ўтларнинг йўқотилиш даражаси камида 95% (агрегат бир хил типдаги бороналардан ташкил топган; тишлари бир хил узунликда,

тўғри ва ўткирланган; тишлар ўткирланган учи билан ҳаракат йўналишига қараб ўрнатилган; тишларнинг тупроққа ботиш чуқурлиги тортқилар ва хомутлар ёрдамида созланади; бороналаш вақтида агрегат аввал ўтган изига параллел юриши ва шу из чеккасини 15–20 см кенгликда қошлаб ўтиши лозим).

Дискли бороналаш агрегати: ишлов бериш чуқурлиги 10–18 см атрофида; ишлов берилган қатламдаги ўлчами 50 мм. дан кичик фракциялар миқдори камида 80%, дала юзасида ҳосил бўладиган нотекисликларнинг ўртача баландлиги кўпи билан 5 см (орқанги ва олдинги дисклар тупроққа бир хил чуқурликка ботмаса тиркагичнинг винти созланади; ишлов бериш чуқурлиги олдиндан белгиланган қийматта мос келмаганда борона дискларининг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги ўзгартирилади: чуқурлик кам бўлса бурчак оширилади, кўп бўлса камайтирилади; дисклар сатҳи текис, эгилмаган, синмаган ва енгил айланади).

Мола-текислагич ва экиш олди текислагичи: машина ўтгандан кейин дала юзаси нотекисликларининг ўрта квадратик четланиши — кўпи билан ± 2 см, ўлчами 25 мм. дан кичик фракциялар миқдори — камида 80%, ўлчами 100 мм. дан катта фракциялар бўлмаслиги лозим. 0–10 см қатламдаги тупроқнинг зичлиги 1,1–1,2 г/см³ атрофида (чизелланган далаларга МВ-6,0 мола — текислагичлар билан ёки хўжаликларда мавжуд сихмодалар ёрдамида ишлов берилади. Мола текислагични ишга тайёрлашда таянч гилдираклари юқорига кўтариб қўйилади, пичоқлари эса тупроқни зичлаш ҳолатига ўрнатилди. Тупроқнинг зичланиш даражасини ошириш учун пичоқ корпуси ичига металл юк қўйилади ёки тупроқ солинади. Агар тупроқ зичлиги агротехник талабларга мос келмаса, қўшимча юк миқдори ўзгартирилади: тупроқ етарлича зичланмаса — юк кўпайтирилади; ортиқча зичланганда — камайтирилади; заруратга қараб бир далани икки марта ҳам текислаш мумкин: агар ўртача оғирликдаги одамнинг товонлари тупроққа 2 см. дан ортиқ кирмаса, тупроқ меъёрда зичланган ҳисобланади).

Чигит экиш агрегатлари: туксизлантирилган ёки қобикланган пахта чигитини уялаб экишда экиш аниқлиги камида 90% (уруғлик чигит стандарт талаблари даражасида тайёрланган бўлиши лозим. Агрегатнинг барча қисмлари соз ишлаши керак), туксизлантирилган пахта чигитини доналаб экишда 1 метр ерга тушадиган уруғ сони 11–14 дона атрофида. Намланган тукли чигитларни қаторлаб экишда 1 метрга тушадиган чигит сони 30–50 дона атрофида. Ҳақиқий ва белгиланган экиш меъёрлари орасидаги рухсат этилган фарқ: туксизлантирилган чигит — кўпи билан 10%, тукли чигит — 15% (СТХ-4, СЧХ-4, СХУ-4 ва СМХ-4 русумли механик сеялкалар сарф қилаётган уруғ миқдори белгиланган меъёрдан ортиқ бўлса, экиш ғалтакларидаги тирқиш торайтирилади, кам бўлса — кенгайтирилади. “Кейс-1200” русумли пневматик сеялкалар туксизлантирилган чигитни доналаб ҳар бир метрга 15–17 донадан экиш имкониятларига эга. Чигит уялаб экилганда уялар орасидаги масофа уяловчи аппаратни ҳаракатга келтирувчи валдаги юлдузчаларни ҳамда уяловчи диск парраклари сонини, пневматик сеялкада рамага ўрнатилган қутидаги юлдузчаларнинг айланма тезлиги ҳамда экувчи

дискдаги тешиклар сонини ўзгартириш орқали созланади); экилаётган уруғ турига қараб уруғларнинг кўмилиш чуқурлиги 3–6 см атрофида, кўпроқ — 4–5 см. Кўмилиш чуқурлигининг ўрта квадратик четланиши кўпи билан ± 1 см (чигитнинг кўмилиш чуқурлиги механик сеялкаларда сошникдаги сирпанчқни стойка бўйлаб кўтариб-тушириш, пневматик сеялкада экиш аппарати пружиналарининг таранглигини ўзгартиш йўли билан созланади); асосий қатор ораларининг бир-биридан фарқланиши — кўпи билан ± 1 см (асосан маркер узунлигини тўғри танлаш ва тракторнинг олдинги гилдирагининг маркер қолдирган излар бўйича барқарор ҳаракатланишига, яъни механизаторнинг малакасига боғлиқ. Агар қатор оралари 60 см бўлса, охириги сошник тумшугидан маркер дискигача бўлган масофа 150 см, қатор оралари 90 см бўлганда эса 225 см бўлиши керак. Бу масофалар маркер дискини унинг ўқи



бўйлаб силжитиш орқали ростланади. Пневматик сеялкаларда экиш секциялари модулли бўлгани учун экиш қаторлари ораси кенглигини 30–102 см оралигида ўзгартириш имконияти бор).

Дала шароитида чигитнинг тўлиқ тушиши ва унинг кўмилиш чуқурлиги фермер ёки нозоратчи — агроном томонидан доимо кузатилиб борилиши шарт.

Ўза қатор ораларига ишлов берувчи культиватор агрегатлар: иш органларининг ишлов бериш чуқурлиги бўйича юриш нотекислиги — кўпи билан ± 1 см; ҳимоя зонаси кенлиги бўйича нотекислиги — кўпи билан ± 2 см; бир ўтишда ўза қўчатларининг шикастланиш даражаси — кўпи билан 1%; бегона ўтларнинг йўқотилиш даражаси — камида 98%; ўлчами 25 мм. дан кичик фракциялар миқдори — камида 55%; аппаратларнинг ўғит солиш нотекислиги — кўпи билан 8–10%; ўғитлар ўза қаторидан муайян масофада ва чу-

қурликда тупроқ билан кўмилиб кетиши лозим (ҳар куни иш вақти тугандан кейин культиватор иш органлари, ўғит солиш аппаратлари ва ўғит ўтказгичлар тупроқ, бегона ўт ҳамда ўғит қолдиқларидан тозаланadi; иш бошлашдан олдин эса культиваторнинг тракторга осилган олдинги ва орқа секциялари текширилиб, бўшаган жойлари маҳкамланади; иш органлари ва сошниклардаги шплинтлар, ўғит сепиш аппаратлари занжирининг таранглиги, улардаги конуссимон шестерняларнинг эркин айлиниши текширилади; ясси кесувчи пичоқ, юмшатувчи панжа ва ариқ очгичларнинг бутунлай ейилганлари янгилари билан алмаштирилади; трактор рули люфтининг меъёрдан ортиқ бўлишига, тормозларнинг бўш ишлашига, мой оқишига, гилдиракларда ҳимоя шитокларининг бўлмаслигига йўл қўйилмайди. Секцияларнинг кўндаланг йўналишда ҳар икки томонга оғиши 15–20 мм. дан ошмаслиги керак; қатор ораларига ишлов беришда культиватор сеялка юрган издан юриши ва унинг ҳаракат схемасини такрорлаши даркор.

Культиваторнинг четки иш органлари ёндош қатор ораларида юриши лозим. Культиваторнинг биринчи юриши одатда паст тезликда амалга оширилади ва иш органларнинг иши кузатиб борилади. Эгат охирида иш органлар транспорт ҳолатига кўтарилади. Тракторнинг бир гилдирагини тормозлаб, шундай буриш лозимки, бунда четки иш органлар ишлов бериб келинган ёндош қатор оралигига тушсин; биринчи ўтишда ҳар бир қатор оралигида ишлов бериш чуқурлиги ва ҳимоя зоналари кенлиги ўлчаб кўрилади, бегона ўтларнинг қирқилиши, ўза қўчатларининг зарарланиши кўз билан баҳоланади; суғориш эгатлари қатор оралигининг қоқ ўртасидан ва барча қаторларда бир хил чуқурликда олинishi керак. Акс ҳолда кейинги культивация вақтида агрегатни тўғри бошқариш қийин бўлади ва қўчатларга кўп зарар етказилади.

Шундай қилиб, баҳорги механизациялашган агротадбирларни тўғри бажариш, уларнинг сифатини назорат этиб бориш фермер хўжаликларига мўл ҳосил етиштирилишини таъминлайди.

М.ТОШБОЛТАЕВ,
т.ф.д., (ҚХМЭИТИ).

БОҒ-ТОКЗОРЛАРДА АПРЕЛЬ ОЙИДА БАЖАРИЛАДИГАН АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАР

Жорий йилда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида боғ-роғлардан юқори ҳосил олиш кутилмоқда. Шаклланган меваларни сақлаб қолиш ҳамда сифатини ошириш мақсадида айни кунларда боғларни минерал ўғитлар билан озиклантириш зарур. Бунда соф ҳолда 100–120 кг азотли, 70–90 кг фосфорли, 45 кг калийли ўғитларни тупроққа чуқур солиб, кетма-кет суғориш керак.

Олинажак ҳосилнинг сифатини оширишда дарахтларда тоқалаш усулини қўллашнинг аҳамияти катта. Тоқалаш куйидагича бажарилади: агар мева бандида 4–5 та мева ҳосил бўлган бўлса, улар ичидан нимжон, ривожланиш даврида бир-бирига халақит берадиган довуччалар олиб ташланади. Агар битта мева бандида 4–5 тагача мева бўлса, улардан 2 тасини қолдирилиб, 2–3 таси олиб ташланади. Ушбу усулни дастлаб ўрик, шафтоли ва олхўри, сўнгра олма, нок, беҳи каби дарахтларда ўтказиш зарур.

Акс ҳолда дарахтларда ҳаддан ташқари кўп мева бўлиб, дарахт ушбу меваларнинг яхши ривожланиши учун етарли миқдордаги озуқа моддалари билан таъминлай олмайди.

Боғларда тоқалаш усули тўғри ташкил қилиниб, ўз вақтида бажарилса, дарахтлардаги мевалар яхши ривожланиб, йирик, бир хил шаклдаги ҳосил олишга эришилади.

Жорий йил қиш ойларининг илиқ келганлиги боис кўпгина касаллик ва зараркунандаларнинг замбуруғлари ҳамда тухумлари сақланиб қолган бўлиб, уларнинг эрта ривожланиши кутилмоқда. Бунинг учун дарахтлар гуллаб бўлгач, тезлик билан уларни касалликлардан ҳимоя қилиш мақсадида Бордо суюқлигининг 1 фоизли эритмаси (100 л сувга 1 кг мис купороси ва шунча сўндирилмаган оҳак қўшилади)ни пуркаш зарур. Ушбу пуркашни 8–10 кун оралатиб, 1–2 марта қайтариш керак. Бундан ташқари чуқур таъсир этувчи фунгицидлар билан ишлаш ҳам яхши самара беради.

Бунинг учун дарахтлар гуллаб бўлгач “Топсин-М” препаратини 0,1% қилиб (1 л/га) сепилади. “Вектра” (0,3 л/га), “Байлетон” (0,2–0,3 л/га), “Фоликур” (0,25 л/га) препаратларидан ҳам фойдаланса бўлади.

Резавор мевали экинлардан қулупнайзорларда ҳаво ҳароратининг кўтарилиши, тупроқда намлик меъёрида бўлган вақтда қулупнайзор қатор оралари культивация қилиниб, туп атрофлари қўлда юмшатилиб, бегона ўтлардан тозаланади. Қулупнай апрель ойининг бошларида қийғос гуллаб бошлайди. Бу

даврда ҳаво ҳарорати ва тупроқ намлигига қараб 1–2 марта суғорилади.

Қорағатзорлар қатор оралари 25–30 см чуқурликда юмшатилиб, соф ҳолда гектарига 120–150 кг азотли, 90–120 кг фосфорли ўғит солиниб, суғорилади.

Туп таглари 15–20 см чуқурликда юмшатилади ҳамда бегона ўтлардан тозаланади. Қорағат туллари қийғос гуллаётган вақтда бир марта суғорилади.

Иссиқхоналар ва хандакларда ўстириляётган цитрус ўсимликлари (ли-



мон, апельсин, мандарин) яхши ўсиб-ривожланиши ҳамда мева беришини яхшилаш мақсадида тупроқнинг намлик даражаси 70–80 фоизни ташкил этиши зарур. Март ойи охири-апрель бошларида цитрус ўсимликлари гунчалай бошлайди. Гунчалаш босқичи кунлик ҳаво ҳарорати 18–20°C ҳамда тупроқ ҳарорати 14,5–17°C бўлганда 25–28 кун давом этади.

Апрель ойи бошларида ҳаво ҳарорати 18–22°C бўлганда цитрус ўсимликлари гуллаб бошлайди. Бу вақтда ўсимликларни озиклантириш зарур бўлиб, ҳосилли дарахтларнинг ҳар бир тупи тагига 20–25 кг чириган гўнг ва 80–120 г азотли, 80–100 г фосфорли ҳамда 40–60 г калийли ўғитлар солиниб, туп таглари 25–30 см чуқур юмшатилиб, сўнг суғорилади.

Юқоридаги минерал ўғитларни иккига бўлиб икки муддатда: ярми март ойи охири-апрель бошида, қолган қисми май ойи охири-июнь бошларида берилди.

Цитрус ўсимликлари гуллаётган вақтда дарахтларда гулларнинг яхши чангланиши учун иссиқхона дарчалари очилиб қўйилади, яъни иссиқхонани шамоллатиб туриш зарур.

Кейинги йиллари иссиқхоналарда цитрус ўсимликларининг гуллаш даврида гулбанди ҳашаротлар билан зарарланиши кузатилмоқда. Бунда цитрус ўсимликлари юмшоқ сохта қалқондор, ўсимлик битлари, шира, каналар билан зарарланади. Бу вақтда иссиқхоналарни шамоллатиш билан бирга зараркунандаларга қарши гуллашдан олдин ва гуллашдан сўнг кимевий препаратлардан “Вэртэмэкс” препаратининг 0,5–0,8 фоизли эритмаси 5–6 кун оралатиб 2 марта пуркалади. Бунда ўсимликнинг барча қисми, айниқса, барглари пастки тарафидан ҳўллаш зарур. Қорақуясимон замбуруғлар барглари ювилганда кетмайди. Барглари 1 фоизли Бордо суюқлиги ёки 0,5 фоизли мис, хлор оксиди эритмаси билан қўшимча пуркалганда замбуруғлардан халос этилади.

Токзорларда тоқлар ердан очилиб, симбағазларга кўтариб боғлангач, қатор оралари 25–30 см чуқурликда ҳайдалиб, туп атрофлари қўлда чопилиб юмшатилади.

Қуриб қолган туллари ўрнини тўлдириш учун ток тулларида қолдирилган узун новдалардан пархама (пархиш) қилиб тўлдирилади.

Ток туллари симбағазларга кўтариб боғлангач, токзорларга 10–20 т/га гўнг, соф ҳолда 60 кг/га азотли, 45–50 кг/га фосфорли, 30 кг/га калий ўғитлари солиниб, суғорилади.

Токзорларда касалликлар ривожланишининг олдини олиш мақсадида ток тулларида 2–3 та чинбарг шаклланиши билан оидиум, антракноз ва милдью касалликларига қарши Бордо суюқлиги ёки ООҚ (олтингургурт оҳак қайнатмаси) ишлатилади. Пуркаш муддатлари 2–3 та чинбарг пайдо бўлганда ООҚ билан иккинчи марта 10–12 кундан сўнг Бордо суюқлигининг 1 фоизли эритмаси ҳамда 12–15 кундан сўнг олтингургурт 25–30 кг/га ҳисобида чангланади.

Ушбу агротехник тадбирлар ўз вақтида сифатли қилиб бажарилса, боғ-токзорлардан юқори ва сифатли ҳосил олишга эришилади.

Р.АБДУЛЛАЕВ,
қ.х.ф.н.,

Х.АБДУЛЛАЕВА,
Ж.АГЗАМХОДЖАЕВ,
М.ИСРОИЛОВ,

илмий ходимлар, Академик М.Мирзаев
номли БУВАВИТИ.

АПРЕЛЬ – САБЗАВОТЧИЛИКДА МУҲИМ ПАЛЛА

Апрель ойи сабзавотчиликда масъулиятли палла ҳисобланиб, эрта-кузги, тўқсонбости, эрта баҳорги муддатларда экилган сабзавот майдонларида агротехник тадбирларни ўтказиш, кўчати ва уруғи билан экинладиган сабзавот ва полиз экинларини ўз муддатида экиш ишларини амалга ошириш айнан шу ойга тўғри келади.

Эртаги муддатда сепилган пиёз майдонларида бир ва кўп йиллик бегона ўтларни ўз вақтида ўтаб, ўсимликларни яғналаш, тупроқ тури, намлиги ҳамда ер ости сувларини чуқурлигига кўра ўсимликни ўз муддатида суғориш, 2–3 суғориш оралиғида ўсимлик эгатлари орасини 12–14 см чуқурликда юмшатиб қатор ораларида пайдо бўлган ўтларни йўқотиш, экиннинг ўсиб-ривожланиш ҳолатига қараб тавсия этилган минерал ўғитлар билан озиклантириш, жадал ўсиб-ривожланишини таъминлайди.

Пиёзни тез-тез суғориш то пиёзбоши шаклланишининг охиригача давом эттирилиб, янги барг ўсиб чиққандан сўнг тўхтатилади. Пиёзбошининг ўсиши тўхтагандан кейин 12–14 кун оралатиб икки марта суғорилади. Сизот суви чуқур жойлашган бўз тупроқли ерларда қишга яқин ва кўкламда экилган пиёзни ўсув даврида 11–13, сизот суви яқин жойлашган майдонларда эса 7–9 марта суғориш керак. Суғориш меъёри: 350–400 м³/га.

Эртаги муддатда экилган оқбош карам майдонлари тупроқ тури ҳамда ер ости сувлари чуқурлигига мувофиқ ҳар 8–10 кун оралатиб 550–600 м³/га меъёрида суғорилади. Ҳар иккинчи суғоришдан сўнг қатор ораларига КРН-2,8А русумли агрегат билан ишлов бериш ҳосилнинг ўз вақтида етилишини таъминлайди.

Эртаги муддатда экилган илдизмевали сабзавотлар ўсув даврида сувга ҳар хил миқдорда талабчан бўлади. Уруғнинг униб чиқиши, шунингдек, баргнинг жадал суратда ўсиши ва ҳосил тўплаши даврида бу талабчанлик ошади. Илдизмевали этилган вақтда экин ҳаддан кўп суғориш меванинг сақланиш сифатини пасайтириши билан бирга пиёзбошларнинг ёрилишига ҳам сабабчи бўлиши мумкин.

Тўқсонбости муддатда ва эрта баҳорда экилган илдизмевали сабзавотлар апрель ойининг иккинчи ярмидан бошлаб суғорилади. Дастлабки даврда экин ҳар 12–15, майнинг иккинчи ўн кунлигидан бошлаб, яъни илдизмевалар жадал катталашаётганда ҳар 7–8 кунда суғорилади. Суғориш меъёри: сизот суви чуқур жойлашган ерларда эртаги сабзи ва ошлавлагга ўсув даврида 550–600 м³/га ҳисобида 8, суви юза жойлашган далаларда эса 5–6 марта.

Сабзи тупроқ унумдорлигига анча талабчан ҳисобланади, ўсимлик учун озик этарли миқдорда берилганда юқори ҳосил олиш имкони ортади. Озиклантиришда фосфор ўғитни умумий миқдорининг 75 фоизи, калийнинг ҳаммаси ҳайдов даврида, фосфорнинг қолган қисми ерни бошоналаб, эгат олишда берилади. Азотли ўғит ўсимлик вегетация даврида озиклантиришда иккига бўлиб берилади. Биринчиси ўтоқ қилиниб, ўсимликлар сийраклаштирилгандан сўнг, иккинчиси эса 2–3 тадан чинбарг пайдо бўлганда солинади. Ўғитлар қатор ораларига ўсимликка яқинроқ қилиб берилиши мақсадга мувофиқ.

Эртаги муддатда экилган картошкдан юқори ҳосил олишда ўсимлик ўсув даври давомида 450–600 м³ ҳисобида ўтлоқи тупроқли майдонларда 4–6 маротаба, бўз тупроқли майдонларда эса 5–7 маротаба суғориш тавсия этилади. Ҳар икки суғориш оралиғида қатор оралари ўсимлик

шоналагунча 10–12 см чуқурликда тадбир КРН-2,8А, КОН-2,8А, КХО-4 русумли культиватор билан юмшатилади.

Картошкани озиклантиришда бўз тупроқларга гектарига соф ҳолда 220 кг азот, 170 кг фосфор, 115 кг калий, ўтлоқи, ўтлоқи ботқоқ ерларда етиштирилганда эса 180 кг азот, 150 кг фосфор, 100 кг калий бериш тавсия этилади. Бунда 70–75% фосфорли, калийнинг барчаси кузда ерни экишга тайёрлаганда берилади. Қолган 25% фосфор, 20–25% азот билан экиш эгатлари олишда экиш билан беришни тавсия этамиз. Азотнинг қолган 30–35%, туганаклар тўлиқ униб чиққанда, 50% эса қийғос шоналашда берган маъқул.

Помидор, ширин қалампир ва бақлажон асосан кўчати билан экилиши сабабли ушбу экинлардан кўзланган юқори ҳосил олишда албатта уларни кўчатларини кўчатхоналарда сифатли тайёрлашга катта эътибор қаратиш лозим. Етиштирилаётган кўчатларни ташқи муҳит шароитига чиниқтириш мақсадида, кўчат очиқ далага экишдан 6–8 кун олдин кўчатхона эшик ва дарчаларни вақти-вақти билан очиб туриш лозим. Бунда кўчатхона ҳаво ҳарорати ташқи муҳит билан тенглашиб кўчатлар очиқ майдон ҳавосига мослашади.

Очиқ майдонга экиш учун помидор, ширин қалампир ва бақлажонни илдиз қисми яхши ривожланган, бўйи 15–18 см, 5–7 та баргли, 40–45 кунлик, турли касалликлардан ҳоли кўчатлар танлаб олинади. Ушбу сифатли кўчатлар республикамизнинг жанубий вилоятларда эртаги навлар мартнинг III ўн кунлигида, ўрта ва кечпишар навлар эса апрелнинг I–II ўн кунлигида экилади. Марказий минтақада жойлашган вилоятларида эртапишар навларни апрелнинг I–II ўн кунлигида, ўрта ва кечпишарларни эса апрелни II-ярмидан бошлаб май ойининг I ярмигача, шимолий минтақаларда эса эртапишар навлар кўчати апрелнинг II ўн кунлигида, ўрта ва кечпишарлари апрелнинг III ўн кунлиги ва майнинг I ўн кунлигида экиш мақбул муддат ҳисобланади.

Помидорнинг эртапишар ва ўртапишар навлари кўчати у қадар нишаб бўлмаган далаларда 70x25(30) см, текис майдонларда 90x25(30) см, узун палакли навлар 90x40 см, (140+70)x25 см, ширин қалампир 70x30 см ёки 90x25 см, бақлажон 70x30(40) см ёки 90x25(30) см схемаларда экилади. Кўчатлар очиқ майдонга экилгандан сўнг албатта суғориш зарур.

Экилган кўчатлар тўлиқ тутиб олгандан 10–12 кун ўтгач, уларга биринчи ишлов берилади. Бунда қатор оралари КРН-2,8А, КХО-4, КОН-2,8А русумли агрегатлар билан 12–14 см чуқурликда юмшатилади. Ўсимликлар атрофи ҳам енгил юмшатилиб ва минерал озикалар солингач суғорилади.

Биринчи ишлов ва суғоришдан 13–15 кун ўтгач яна суғорилади ва тупроққа ишлов бериш имконияти бўлиши билан иккинчи ишлов тадбирлари ўтказилади. Бунда қатор оралари культиватор билан 15–16 см чуқурликда юмшатилиб, ўсимликлар атрофидаги бегона ўтларни йўқатиш учун яхшилаб чопиқ қилинади.

Ушбу сабзавот экинлари сувга талабчан ҳисобланади. Уларни ўсув даври давомида сизот суви чуқур жойлашган ерларда ҳар бир суғоришда 500–600 м³/га ҳисобида 18–20 маротаба, сизот суви юза жойлашган ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқ тупроқли майдонлар 600–800 м³/га ҳисобида 12–15 марта суғорилади. Сизот суви чуқур жойлашган ерларда ҳосил этилгунча ҳар 8–12, ҳосил ёппасига пишиш арафа-



сида 5–7 кунда суғорилади. Помидор мевалари қийғос пишган даврида ёрилиб кетмаслиги учун ҳосил териб олингандан сўнг суғориш тавсия этилади.

Ушбу томатдош сабзавотлар тупроқ унумдорлигига анча талабчан бўлиб, кўзланган юқори ҳосил олиш учун учун бўз тупроқли майдонларда 25–30 т/га гўнг берилганда экинни 180–200 кг азотли, 140–160 кг фосфорли ва 100 кг калийли ўғитлар билан, ўтлоқи тупроқли майдонларга эса 140–150 кг азотли, 100–120 кг фосфорли ҳамда 80–100 кг калийли ўғитлари билан озиқлантириш лозим.

Ўғитлаш тадбирида жами органик ўғит (гўнг) ва фосфорли ўғитнинг 75 фоизи ҳамда калий ўғитининг тенг ярми кужга шудгорлашдан олдин солинади. Кўчатларни экишдан аввал фосфорли ўғитнинг қолган қисми ва азотли ўғитнинг 20 фоизи ҳамда азотли ўғитнинг қолган 80 фоизи иккига тенг бўлиниб, биринчи қисмини кўчатлар тутиб олгандан кейин, қолган қисмини эса калий ўғитининг қолган қисми билан аралаштирилиб ўсимликлар мева туғиш даврида солинади.

Ушбу ойда кўчати билан экилган яна бир сабзавот бу оқбош қарам бўлиб, кўчатхонларда тайёрланган ўртаги (муддат) оқбош қарам кўчатлари жанубий минтақаларда 10–20 май, марказий минтақаларда 15 апрелдан 1 майгача ва шимолий минтақаларда 1–15 апрелда экилади. Кўчатлар 70х35(40) см схемада экилади. Кўчатларни экиб бўлгач тўлиқ тутиб олишини таъминлаш учун суғориш тадбири амалага оширилади.

Экиш учун оқбош қарамнинг ўртапишар “Тошкент–10”, “Саратони” ҳамда “Термез–2500” навлари тавсия этилади.

Оқбош қарам кўчатлари тўлиқ тутиб олгандан 16–18 кун ўтгач ўсимликларга комплекс ишлов берилди, бунда ўсимлик қатор оралари КРН-2,8А русумли агрегат ёрдамида 15–16 см чуқурликда юмшатилади. Ўсимлик оралари қўлда енгил чопиқ қилиниб, бегона ўтлардан тозалангач, суғорилади. Юмшатиш билан бирга ўсимлик минерал ўғитлар билан озиқлантирилади. Ўғитлаш тадбирида бир гектар майдонга 20–25 тонна гўнг, соф ҳолда 150 кг азот, 100 кг фосфор, 50 кг калий берилиши керак. Фосфорли ўғитларнинг 70–75 ва калийнинг 50 фоизи ерга асосий ишлов пайтида берилди. Фосфорнинг қолган қисми ва азотнинг 50 фоизи биринчи ишлов пайтида, азот ва калийнинг қолган қисми қарам бош ўрай бошланганда берилди.

Уруғи билан экиладиган бодринг экиннинг сара уруғлари жанубий минтақаларда 1–15, марказий минтақада жойлашган вилоятларда 10–20, шимолий минтақаларида эса 20–30 апрелда экилади. Саралаб олинган сифатли уруғлар катта майдонларга СБУ-2,4А сеялкасида, кичик майдонларга қўл кучи ёрдамида 70х30 см, 90х20 см схемада, 4–5 см чуқурликка экилади. Уруғ сарфи: 4–5 кг/га. Бодрингнинг маҳаллий “Ранний–645”, “Ўзбекский–740”, “Зилол”, “Наврўз” навлари ва бошқа нав ҳамда дурагайларни экиш тавсия этилади.

Уруғлар экилгандан сўнг ўсимлик ниҳоллари уруғ палла чиқарганда биринчи, битта чинбарг даврига киргандан кейин эса иккинчи марта яганалаш тадбирлари ўтказилади.

Ўсимлик қатор ораларига КРН-2,8А, КОН-2,8, КХО-4 русумли агрегатлар билан 15–16 см чуқурликда ишлов бериб, ўсимлик атрофини мунтазам юмшатиб, озиқлантириб борилади. Ушбу экин сувга анча талабчан экин бўлиб юқори ҳосилни асосий омили вақтида ва меъёрида суғориш ҳисобланади. Баҳорда экилган бодрингнинг ҳосил тўплаш ва ўсув даври одатда кечкисига қараганда узоқроқ давом этади. Экиннинг найчалаш — ҳосил тўплаш даври

ёзнинг иссиқ пайтига тўғри келади. Ҳар қайси фазада ҳар хил миқдорда сув талаб қилиши, ҳарорат шароитини эътиборга олиб сизот суви чуқур жойлашган ерларда кўкламда экилган бодринг ҳар 7–8 кунда суғориб турилади. Ҳосил тўплаш даври бошланиши биланоқ экин тез-тез, ёппасига ҳосилга кирганда эса ҳар қайси теримдан кейин, яъни камида 2–3 кун оралатиб суғорилади. Ана шундай қилинганда сизот суви чуқур участкаларда эртаги бодрингга ўсув даврида 16–18, юза ерларда эса камроқ, 9–11 марта сув берилди.

Вегетация мобайнида ҳар икки-уч суғоришдан кейин қатор оралари 15–16 см чуқурликда юмшатиб турилади.

Бодрингдан мўл ҳосил етиштиришда гектарига 20 тонна гўнг, соф ҳолда 180 кг азот, 100 кг фосфор ва 75 кг калий ўғити бериш тавсия этилади. Ерга асосий ишлов берилганда органик ўғитнинг ҳаммаси, фосфор ва калийнинг 75 фоизи солинади. Биринчи озиқлантиришда фосфор ва калийнинг қолган қисми, азотнинг тенг ярми, иккинчи озиқлантиришда азотли ўғитнинг қолган қисми берилди.

Иссиқ талабчан экинлардан полиз экинлари уруғлари республиканинг марказий минтақасида жойлашган вилоятларда эртаги навлари 15 апрелгача, ўртагиси 20 апрелдан 10 майгача, кечкиси 15 майдан 10 июнгача, жанубий вилоятларда эртаги навлар 10 апрелгача, ўртагиси 10–20 апрелда, кечкилари эса 10–20 июнда экилади. Шимолий минтақаларда эртаги навларни 20 апрелгача, ўртагисини 25 апрелдан 10 майгача, кечкисини 20–30 майда экиш тавсия этилади.

Қовуннинг эртапишар “Роҳат”, ўртапишар “Суюнчи–2”, “Олтин водий”, “Лаззатли”, “Оби новвот”, “Гурвак”, “Бўри қалла”, кечпишар “Тўёна”, “Гурлан”, “Гулоби Хоразмий”, “Зар гулоби”, “Саховат”, тарвузнинг эртапишар “Ўринбой”, “Ширин”, “Манзур”, F₁ “Крисби”, “Кримстар” ва ўрта эртапишар “Сурхон тонги” каби навларини экиш тавсия этилади.

Тарвуз ва қовун экиш режалаштирилган майдонлар кузда 35–40 см чуқурликкача шудгор қилинади. Ҳайдаш олдидан маъданли ўғитларни солиш ҳосилдорликнинг ошишини таъминлайди.

Баҳорда тупроқда намни сақлаб қолиш учун дала тишли бороналар билан боронланади, экиш олдидан эса чизелланади.

Баҳорда кунлари иссиши билан, тупроқ ҳарорати 14–15°C га етганда полиз экинлари уруғини экишга киришилади. Қатор оралари 210–280 см. ли кенг эгат олинади. Бу полиз экинлари қатор ораларига тўрт гилдиракли тракторлар билан ишлов бериш имконини беради. Экиш шакли қовун учун (210+70):2х70, тарвуз учун (270+90):2х70 см. Уруғлар 3–6 см чуқурликка экилади. Майда уруғли қовун ва тарвузларни экиш учун гектарига 4 кг, йирик уруғли тарвузларни экиш учун 5–6 кг уруғ сарфланади.

Ўсимликларни яганалаш, тупроқни юмшатиш, экинни озиқлантириш, чопиқ қилиш, суғориш, палакларни тўғрилаш, бегона ўтлар ва зараркунандаларга қарши кураш ишлари ўз вақтида маромига етказиб бажарилса, ҳосил янада мўл бўлади.

Ушбу экинларни яганалаш ишлари икки босқичда амалга оширилади — биринчиси ўсимлик чинбарг чиқарганда ва биринчи чопиқ вақтида ўтказилади. Ниҳоллар ялпи униб чиқиши билан қатор оралари юмшатишга киришилади.

Р. ХАКИМОВ,
қ.х.ф.н.,

Ф. РАСУЛОВ,
к.и.х., (СПЭВАКИТИ)



СОЯНИ ЭКИШДА ҚАНДАЙ ТЕХНИКАДАН ФОЙДАЛАНИЛАДИ?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 14 мартдаги “2017–2021 йилларда республикада соя экишни ва соя дони етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилда мамлакатимизда соя етиштириладиган майдонлар бирмунча кенгайиши кутилмоқда. Шу ўринда фермерларимизга тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги навлардан бирини танлаб экишни тавсия этамиз.

“Селекта-201” – эртапишар нав, Краснодар ўлкасида районлаштирилган, Маньжурия тур хилларидан келиб чиққан. Ўсимлик бўйининг баландлиги 110–120 см, кам шохлайди, пастки дуккакларининг жойлашиш баландлиги 13–15 см, минг дона уруғининг оғирлиги 180–200 г, ўртача ҳосилдорлиги 22–25 ц/га, максимал ҳосилдорлиги эса 35 ц/га. Уруғи таркибида 39–41% оқсил ва 21–23% мой сақлай-

нав синаш станциясининг маълумотига кўра, ўртача ҳосилдорлиги 37,6 ц/га. Бир гектар майдонга 65 кг уруғ экиш талаб қилинади.

“Селекта-302” – Краснодар ўлкасида районлаштирилган нав, Маньжурия тур хилларидан келиб чиққан. Ўртапишар, бўйининг баландлиги 120–130 см, кам шохлайди, пастки дуккакларининг жойлашиши 14–16 см, минг дона уруғининг оғирлиги 170–190 г, ўртача

пишар, уруғлари август ойининг иккинчи ярмида пишиб етилади. Бир гектарга 65 кг уруғ экилади.

“Парвоз” нави ҳам маҳаллий селекциясига тегишли, биологик хусусиятига кўра ўртапишар, август ойининг иккинчи ярмида пишиб етилади. Республикаимизнинг барча ҳудудларида яхши ўсиб, юқори ҳосил беради. Бир гектарга 65 кг ёки 350–370 минг дона уруғ ҳисобидан экилади.

“Барака” нави кечпишар бўлиб, энг серҳосил нав ҳисобланади. Вегетация даври баҳордан октябрь ойигача давом этади. Ўсув даври 125–135 кун. Ҳосилдорлиги 30–36 ц/га, максимал ҳосилдорлиги эса 45 центнергача етади. Пояси тик ўсувчи, камшоҳ бўлиб, баландлиги 120–140 см. 1000 дона уруғининг вазни 135–140 г. Донида 40,6–41,2% оқсил ва 23,2–24,3% мой сақлайди. Касалликларга бардошли.

Соядан 300 дан ортиқ турдаги озик-овқат ва саноат маҳсулотларини олиш мумкин. Унинг яна бир афзаллиги – кўпгина дуккакли ўсимликлар каби тупроқни азот билан бойитиш хусусиятига эга, ўсув даврида ўзи учун ҳам, ўзидан кейинги ўсимлик учун ҳам маълум миқдорда азот қолдириб кетади. Шунинг учун соя тупроқда биологик жараёнларнинг боришини янгилаб, тупроқнинг структурасини яхшилайдиган, биологик тоза экин ҳисобланади [1, 2].

Ҳар қандай экиндан юқори ҳосил олишда экиш сифатини таъминлаш катта аҳамият касб этади. Бунинг учун аввало ерни мавжуд агротехник талабларга жавоб берадиган даражада тайёрлаш, сўнгра эса яхши созланган экиш техникасидан фойдаланиш керак.

Айтиш жоизки, республикаимиз тупроқ-иқлим шароитларига қараб, соя уруғларини доналаб ҳамда уялаб экишни талаб қилади. Сабаби соя ҳам пахта чигити каби уруғпаллали барглари билан туп-



Kuhn фирмасининг Planter 3 m пневматик сеялкасининг умумий кўриниши ди. Пишиб етилиши учун 2410–2200°C ҳарорат талаб қилади.

“Эврика-357” – Қозоғистон нави бўлиб, АҚШнинг Бейсон ва Мерит навларини дурагайлаш натижасида яратилган. Поясининг баландлиги 110–115 см, пастки дуккакларининг жойлашиш баландлиги 13–15 см, ўсиш типи – шохламайди, уруғлари йирик, ранги сариқ, силлиқ текис, ялтироқмас, минг дона уруғининг оғирлиги 160–180 г. Уруғи таркибида 36–37% оқсил ва 20–22% мой сақлайди. Курғоқчиликка чидамлилиги ўртача. Ўсув даври 125–127 кун. Қозоғистон

ҳосилдорлиги 25–28 ц/га, максимал ҳосилдорлиги 40 ц/га. Уруғи таркибида 39–41% оқсил ва 21–23% мой сақлайди. Пишиб етилиши учун 2400–2600°C ҳарорат талаб қилади. Уруғ экиш меъёри 65 кг/га.

“Дўстлик” нави - маҳаллий селекцияга мансуб бўлиб, серҳосил, ўртача

Уруғлар номи	Тешикчалар диаметри, мм	Тешикчалар сони, та	Талаб қилинадиган вакуум, м Бар
Туксиз чигит	3	32	40–50
Соя	4	64	35–45
Ерёнгоқ	6,5	24	80–90
Кунгабоқар	3	16	30–40
Маккажўхори	5	64	50–60

роқни ёриб чиқади. Баҳор яхши келган йиллари соя уруғини доналаб экиш мумкин. Баҳор серёгин келиб, қатқалоқ бўлиш эҳтимоли катта бўлган йилларда уялаб экишнинг аҳамияти ортади. Чунки, доналаб экилган уруғларнинг қатқалоқни ёриб чиқиши қийин бўлиб, уялаб экилган уруғлар тупроқни осонлик билан ёриб чиқади ва тегишли кўчат қалинлиги таъминланади.

Ҳозирда мавжуд сеялкалар бу талабларга жавоб бермайди. Шу сабабли соя экишда хориждан келтирилган Case-1200 (АҚШ), Kuhn (Франция) (расм), “Sonmezler” (Туркия) ҳамда илгари келтирилган СПЧ-6 (Руминия) пневматик сеялкаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу сеялкалар белгиланган уруғ меъёрларини аниқ таъминлаб бера олади. Уларнинг технологик иш принциплари бир хил.

Пневматик сеялкаларда уруғларни экиш технологик жараёни куйидагича кечади:

Сеяланинг эксгаустери кардан вал ёрдамида тракторнинг қувват олиш ваали (ВОМ)дан айланма ҳаракат олиб, пневмотизимда ва-

куум ҳосил қилади. Пневмотизим эластик қувурлар орқали экиш аппаратининг вакуум камерасига уланган. Экиш аппаратининг экиш диски занжирли узатмалар орқали таянч-юритма филдираклар билан боғланган бўлиб, сеяланинг дала бўйлаб ҳаракатланиши жараёнида экиш дисклари айланма ҳаракат олади. Бункердаги уруғлар ўз оқими билан (оғирлик кучи таъсири остида) бункернинг пастки қисмидаги қабул камерасига келиб тушади ва вакуум таъсири остида экиш дискнинг тешикларига ёпишади. Экиш диски айланиш давомида тешикларга ёпишган уруғларни қабул камерасидаги уруғ массасидан ажратиб олиб, уруғни ташлаш қисмига олиб ўтади. Бу ер атмосфера билан туташган бўлгани учун уруғлар вакуум таъсиридан қутулади ва ўз оғирликлари таъсири остида пастга – сошниклар очиб кетаётган ариқчага тушади. Сошник орқасида ҳаракатланувчи загортачлар ариқчага тушган уруғларни кўмиб кетади. Уруғлар юмшоқ тупроқ билан яхшироқ жипслашиши ҳамда тупроқ намлигини узоқроқ сақлаб қолиш учун уруғлар кўмилган

ариқчалар усти шиббаловчи филдираклар ёрдамида шиббаланади.

Сеялка аппаратларининг экиш дисклари экиладиган уруғ турига қараб танланади. Асосий қишлоқ хўжалик экинлари уруғларини экиш учун қўлланиладиган дискларнинг ўлчамлари жадвалда берилган.

Агрегат далада ишлаётган вақтда экиш аппаратларида ҳосил қилинаётган вакуум даражасининг жадвалда кўрсатилган экин турига мос қийматлари таъминланаётганлигини эксгаустернинг вакуумметри ёрдамида кузатиб бориш, зарур ҳолларда сеялка қўлланмасидан фойдаланиб, вакуум даражасини сошлаш талаб этилади.

Юқориди баён этилган тавсияларга амал қилган ҳолда сояни сифатли экиб, далаларимизда тўлиқ кўчат олишга эришилса, соядан юқори ҳосил олишга мустақкам замин яратилади.

А.ҚОРАХОНОВ,
т.ф.н., (ҚХМЭИТИ),

Д.ЁРМАТОВА,
б.ф.д., проф., (ЎзДЖТУ),

А.ТОЛИБАЕВ,
т.ф.н., (ЎзҚТТСДМ).

ЁНҒОҚЗОРЛАР БАРПО ЭТИШ

Мамлакатимиз, айниқса, унинг энг жанубий сарҳади саналган Сурхондарё вилоятининг тупроқ-иқлим шароитида аксарият қишлоқ хўжалик экинларидан бир йилда уч маротабагача ҳосил олиш мумкин. Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 10–11 февраль кунлари воҳага ташрифи чоғида тоғ ва тоғолди ҳудудлар ва самарадорлиги паст бўлган ерларни ўзлаштириб, янги интенсив технологиялар асосида ёнғоқли субтропик ўсимликларни кўпайтиришга жиддий эътибор қаратилиши лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Шу жиҳатдан олганда, юртимизнинг тоғ ва тоғолди ҳудудлари, лалмикор ҳамда унумдорлиги паст ерларида ёнғоқ, pista, бодом, лимон, апельсин, мандарин кўчатлари ўтқазилса, бундай ерлардан самарали фойдаланилиб, элимиз қўшимча даромад манбаига эга бўлади. Бу боғлар келгусида халқимизни оқсил ва витаминларга бой мевалар билан қишин-ёзин таъминлаш имконини беради.

Ёнғоқ ўзининг шифобахшлиги билан ажралиб туради. Европа, Осиё ва бошқа минтақаларда кенг тарқалган ёнғоқ дарахтининг баланд-

лиги 25–30 м ва ундан юқори бўлиши мумкин. Ён шохлари 15–20 метргача тарвақайлаб кетади. Танасининг диаметри 1,5–2,5 метрга боради. Ташқи кўриниши шарсимон-овал шаклида, пўсти қалин ва тарам-тарам. Ёши катта “бобо” ёнғоқларнинг томири ўта мустақкам, ўқ илдизи 10–20 метрга етади.

Ёнғоқлар юртимиз шароитида асосан март-апрель ойларида гуллайди. Тоғ ва тоғолди ҳудудларида эса 3–4 ҳафтага кечикиши мумкин, бу дегани эрта баҳорги совуқлардан ўзини-ўзи ҳимоялайди. Тўрт минг йилдан буён фойдаланиб ке-

линаётган иссиқсевар бу ўсимлик ҳатто тошлоқ жойларда ҳам мўл ва сифатли ҳосил беради.

Кўчатлар иқлим ва ҳудуд ҳисобга олинган ҳолда 10х6 м 8х6 м 10х10 м схемада экилади. Боғбонларимизнинг илмий изланишлари натижасида пайвандлаб экиш ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Ҳозирда “Бўстонлик”, “Юпқа пўчоқ”, “Юбилей”, “Шингил ёнғоқ”, “Идеал” каби навлардан 4–5 йилдаёқ яхши ҳосил олинапти. Бир гектар ёнғоқзордан 15 тоннагача мева олиш мумкин. Бошқача айтганда, бу 100–110 млн. сўм даромад демакдир.

Ёнғоқ таркибида 60–75% ёғ, 17–20% углевод, темир, мис, марганец, ёд, кальций ва бошқа талайгина фойдали микроэлементлар, А, D, E, C, B, PP витаминлари мавжуд. Буюк бобомиз Абу Али ибн Сино ёнғоқнинг меваси, новдаси, томири ва пўстлогидан фойдаланиб қатор хасталикларни даволаган. Асаб тизими, дармонсизлик, камқонлик, юрак-қон то-

мир, ўт-пуфак, ошқозон, талоқ шамоллаши, ревматизм, бўқоқ, тиш, томоқ оғриғини бартараф қилишда ёнғоқ кони фойдадир. У чарчоқнинг олдини олиб, асаб тизимини мустақкамлайди. Бир сўз билан айтганда, ўсимлик асосида тайёрланадиган тиббий дорилар ўттиздан ортиқ касалликларга ижобий таъсир қилади.

“Тиб қонунлари” асарида ёзилишича, ёнғоқ ва унинг қобиғи қонни тўхтатишда фойдалидир. Буйракка фойдаси катта. Қобиғининг қуюлтирилган шарбати йўталга малҳам бўлса, меваси ичак оғри-

латувчи фундук меваси таркибидаги ёғ тами, ранги узоқ вақт ўз хусусиятини йўқотмаслиги боис тиббиёт ва расмчиликда кенг фойдаланилади. Ёғи тез қуриб қолмайди. Мағзида 77–80% ёғ, 8–20% оқсил борлиги учун қандолатчиликда ҳам кенг фойдаланилади.

Фундук ёнғоғи дарахтининг пўсти, барги, новдаси таркибида 8–16 фоизгача танид моддаси мавжуд. Новдалари бир йилда 2–4 метргача ўсади ва у эластик қайишқоқ ва эгилувчанлик хусусиятига эга. Ундан ҳар хил саватлар ва ихота учун чепанлар яшаш мумкин. Фундук ба-

ҳоли остига 1–1,5 килограммдан ўрмон тупроғини солиш шарт. Сабаби – ўрмон тупроғи таркиби ҳар хил минерал моддалар, тузлар ва микроэлементларга бой. Гуллаш даврида 0°C даража совуқ кузатилса ҳам таъсир кўрсатади. Ўрмон ёнғоғи кўчатларининг икки йиллиги экилади. Томир қисмидан чиққан ёш новдани пархеш усули ва уруғидан кўпайтириш мумкин.

Ҳосилли новдаларни кўпайтириш учун ниҳолни чуқур экиш тавсия этилмайди, акс ҳолда дарахти кеч ҳосилга киради. Ўрмон ёнғоғи-



ғини бартараф қилади. Меваси таркибидаги темир, фосфор, сиротин дармондориси, мой ва оқсиллар овқат ҳазм бўлишини яхшилайди, йод моддаси қалқонсимон без фаолиятини тиклайди.

Косметология ва мебелсозлик саноатида ҳам кенг фойдаланилади. 1 стакан қайнатилган сувга 1 чой қошиқ қуритилган барг қўшилса, қўл ва оёқ терлашининг олдини олади. Дамлама кунига 3–4 маҳал ичилса, гижжани йўқотади.

Ёнғоқлар асосан ёнғоқ қурти билан зарарланади. Зараркунанда мева тугунчаларининг ичига кириб, ҳосилдорликни 40–45 фоизгача камайтириши мумкин. Бунинг олдини олиш учун куз ва баҳор ойларида дарахтларга “БИ-58”, “Фазалон”, “Антио”, “Агрофос” каби кимёвий воситалар билан ишлов бериш керак.

Ўрмон ёнғоғи ҳисобланган фундук бутасимон ва дарахт ҳолида ўсади. Меваси бениҳоя фойдали, шифобахш ва тўйимли. Хуштаъмлиги ҳамда ҳиди билан бодомни эс-

ҳорда эрта гуллайди, гулчанги кўп бўлади. Асаларилар мўл асал йиғади. Фундукнинг “Разнокостная”, “Обыкновенная”, “Манчжурская”, “Деревовидная” ва маданийлаштирилган “Черкас-2”, “Кудрявчин” (бурама), “Гибрид”, “Мичурин”, “Санц” каби навлари мавжуд. Фундук мевасининг диаметри 2–6 см бўлиб, шакли овалюмалоқ, ранги яшил, оч-яшил, пўсти қалин-зич.

Фундукнинг бир тупидан 8–10 килограммгача мева олиш мумкин. Бир гектар майдонга 600 туп кўчати экилади. Ҳар гектар фундукзордан 2–3 тонна ҳосил олиш мумкин. Дарахти бутасимон, дарахт сифатида ўстирилади. Бўйи 2–4 метргача ўсади. Меваси август-октябрь ойларида пишади.

Тупроқ танламайди. Тоғли, тошлоқ ҳудудларда ҳам ўсаверади. Чунки томир қисмида майдамайда замбурунга ўхшаш шишлар (тугунча) мавжуд бўлиб, улар ердан фойдали элементлар ва сувни тезда қабул қилиб ривожланади. Экишдан олдин ҳар туп ни-

ни озиклантириш тупроқ структурасига қараб амалга оширилади. Дарахт таги 15–20 сантиметргача юмшатилади. То ҳосилга киргунича парранда гўнги, минерал ва маҳаллий ўғитлар солиш тавсия этилмайди. Ҳосилли фундук дарахтига эрта баҳорда ҳар бир тупига 10 килограммдан маҳаллий ўғит, 50–60 грамм калий, 100–150 грамм азот, 200–250 грамм фосфор бериб борилади.

Ҳосилни териб олишда мевалари ранги ўзгаришига қараб, яъни яшил-қизғиш ҳолга келганда новдасини сал силкитиб, қоқиб олинади. Меваси озгина намлигича қолса ҳам икки-уч кунда сифатсиз ҳолга келиб қолади. Шунинг учун ёнғоқ меваларини қуритиш майдончаларида яхши қуритиб олиш лозим.

Н. АСТАНАҚУЛОВ,

Академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Сурхондарё илмий тажриба станцияси илмий ходими.

ЯНГИ ЙЎНАЛИШ – ЯНГИ ИМКОНИАТ ДЕМАК

ёхуд қизил қалампирда яширинган бойлик

This article discusses the effects of foreign and local varieties of peppers and their biological, marine phytosanitary properties on quality parameters, which are planned to be cultivated in different regions of our country, as well as methods of processing raw materials based on innovative technologies.

Мамлакатимиз тупроқ-иқлим шароити турли сабзавот экинларини етиштириш учун гоёт қулай. Аччиқ қалампир ана шундай экинлардан биридир. Маълумотларга қараганда, жорий йилда Қорақалпоғистон Республикасида 15 минг гектар, Қашқадарё вилоятида 1100 гектар, шунингдек, Наманган, Фарғона ва Хоразм вилоятларида ҳам кенг майдонларда қизил қалампир экиш режалаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, дунёда ҳар йил аччиқ қалампир 4,4 млн. гектардан зиёд майдонда етиштирилиб, ўртача 68–70 млн. т ҳосил олинади. 5 кг аччиқ қалампир ҳосилдан 1 кг қуритилган маҳсулот олиш мумкин бўлиб, унинг 1 тоннаси бугунги кунда жаҳон бозорида 8640 долларга баҳоланмоқда. Бу эса пахтадан олинаётган даромадга нисбатан анча юқоридир. Бир гектар майдондаги ҳосилдорлик эса ўртача 15–20 тоннагача этиши мумкин.

Шу жиҳатдан бугунги кунда соҳа мутахассислари олдида мамлакатимиз минтақалари тупроқ-иқлим шароитига мос қизил қалампир навларини танлаш, юқори сифатли уруғликларни экиш, экинни агротехника талаблари асосида парваришлаб мўл ва сифатли ҳосил етиштириш, олинган ҳосилни истеъмолчилар талабига мос ҳолда қайта ишлашни ташкил этиш каби долзарб масалалар турибди. Бу борада фермер хўжалиқларига маҳаллий ва хориждан келтирилган аччиқ қалампирнинг қуйидаги навларини экиш тавсия этилади.

Ўртапишар “Марғилон–330” нави серҳосил бўлиб, ўсув даври меваси биологик пишиб етилгунча 123–125 кун. Паст бўйли, меваси қизил, чўзиқ конуссимон. Мевалари ўсимлик тупида тиккароқ бўлиб, юқори томонга қараб жойлашган. Ўртача катталиқда, юзаси бироз нотекис. Техник пишганда яшил, биологик пишгач қизил ранга киради. Этининг қалинлиги 1,2–2,0 мм. Ҳосилдорлиги гектаридан 14–18 т. Бир туп ўсимликдан 20–30 тагача мева олинади. Таъми аччиқ. Қайта ишлаб ҳам, янгилгича ҳам истеъмол қилиш мумкин (расм).

Ўртапишар “Тилларанг” нави ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтида яратилган. Меваси конуссимон, дона-дона, юқори томонга қараб жой-

лашган, техник етилганда – сарғиш-яшил, биологик етилганда – қизил, юзаси силлиқ, вазни – 32 г, таъми – аччиқ. Қайта ишлаб ҳам, янгилгича ҳам истеъмол қилиш мумкин.

“Мумтоз” нави ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтида яратган. Меваси конуссимон, дона-дона, паст томонга қараб жойлашган, техник етилганда – тўқ-яшил, биологик етилганда – тўқ қизил, юзаси силлиқ, вазни – 10,3 г, аччиқлик даражаси ўртача.

Хориждан келтирилган, серҳосил, таркибида қуруқлик миқдори юқори, Сквилла жадвали (Сквилла даражаси – қалампир ўсимлигининг аччиқлик даражасини кўрсатувчи мезон. Унга кўра, қалампирнинг аччиқлик даража-

аччиқлиги жуда юқори. Қуруқлик миқдори эса 23–25 фоизни ташкил этади.

Хориждан келтирилган ушбу дурагайлар бир-бирдан вегетация даври, пишиб етилиш муддатлари, мевасининг шакли ва ранги, кимёвий таркиби, қуруқлик миқдори ҳамда аччиқлик даражасига кўра фарқланади. Улар мевасининг аччиқлик даражаси юқорилиги сабабли бу намуналарга бугунги кунда ички ва ташқи бозорда талаб жуда юқори.

Аччиқ қалампир меваси (уруғи) тўлиқ биологик пишган вақтда, яъни аччиқлик даражаси белгиланган стандарт талаб даражасигача пишиб етилгандан чўнг йиғиштириб олинishi яхши натижа беради.

Аччиқ қалампирни йиғиштириб олишнинг бугунги кунда қўлда ва махсус машиналар ёрдамида териб олиш усуллари мавжуд. Агар маҳсулот қўлда терилса бу ишни имкон даражасида куннинг салқин даврида амалга ошириш тавсия этилади. Бунда ишчилар қўлларига қўлқоп кийиб, оғиз-бурун бўшлигини махсус тиббий ниқоб билан ҳимоялашлари мақсадга мувофиқ.


Бугунги кунда дунёнинг кўпгина давлатларида аччиқ қалампир ҳосили махсус машиналар ёрдамида териб олинади.

Йиғиштириб олинган ҳосилни истеъмолчиларга етказиш жараёнини тўғри ташкил этиш нафақат маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш, балки экспортбоплик ва товарбоплик хусусиятларини юқори даражада сақлаб қолиш имконини беради.

Аччиқ қалампир ҳосили йиғиштириб олгандан кейин истеъмолчиларга етказишдан олдин улар сараланиб, савдо расталарига сархиллигида жўнатилади. Бундан ташқари, маҳсулотни қуришиб ва қайта ишлаб ҳам рентабелликни ошириш мумкин.

Аччиқ қалампирни қуриштида Тошкент давлат аграр университетида қўлланилиб келинаётган ресурстежамкор, қуёш батареялари ёрдамида қуриши ускуналаридан фойдаланиш яхши самара беради.

**С.ИСЛАМОВ, А.АЗИЗОВ,
Б.АБДУСАТТОРОВ,
(ТошДАУ).**



Расм. Аччиққалампирнинг маҳаллий навлари: а) “Марғилон–330”, б) “Мумтоз”, в) “Тилларанг”, д) “Учқун”

си 0 дан 16 000 000 гача баҳоланади) га кўра, аччиқлик даражаси маҳаллий навларга нисбатан устун бўлган қизил қалампирнинг қуйидаги дурагайларини етиштириш юқори рентабелликка эришиш имконини беради.

Ўртапишар “Balebat” F₁ дурагайи – очик майдон ва иссиқхона шароитида етиштиришга мос, мевасининг ранги биологик пишиб етилганда оч қизилрангда, аччиқлиги юқори даражада. Қуруқлик даражаси 23 фоизни ташкил этади.

– Эртапишар “Megator” F₁ дурагайи очик майдон шароитида етиштиришга мос, мевасининг ранги биологик пишиб етилганда – тўқ қизил, ўта аччиқ. Қуруқлик даражаси – 21–23%.

Ўртапишар “Kastillo” F₁ дурагайи – очик майдон ва иссиқхона шароитида етиштиришга мос, мевасининг ранги биологик пишиб етилганда тўқ қизил,

ТРИТИКАЛЕ

Тритикале – оралиқ экинлар ичида энг кўп озукавий қийматга эга экин саналади. Ҳозирда тритикаленинг серҳосил, касалликларга, ноқулай шароитларга чидамли навларини яратиш ва етиштириш технологиясини такомиллаштириш бўйича дунёнинг турли мамлакатларида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Тритикале етиштирувчи асосий давлатлар – Польша, Германия, Белоруссия, Франция, Россия, Хитой, Венгрия, Испания, Литва ва Австралия ҳисобланади.

Тритикале авлодлараро дурагай бўлганлиги учун унда буғдой ва жавдарнинг ирсий белгилари ҳамда хусусиятлари мавжуд. Тритикале буғдойнинг лотинча номининг биринчи қисми (*triti*) ва жавдар номининг иккинчи қисми (*cale*) билан (*Triticale*) номланади. Бошоғининг кўриниши, тузилиши, донининг шакли буғдой ва жавдарни эслатади. Аммо тритикале буғдойдан куйидаги белги ва хусусиятлари билан ажралиб туради: пояси буғдойникига қараганда йўғон, пишиқ, ётиб қолишга чидамли, барги ва бошоғи катта, дони ҳам йирик. Дони таркибида оқсил моддаси буғдойникига нисбатан 1,0–1,5% ва жавдарга нисбатан 3,0–4,0% кўп. Дони таркибида 3,8% лизин ва 2,0–4,0% ёғ бор.

Тритикаленинг 1 кг кўк массасида 0,3 озукка бирлиги мавжуд. Тритикаледан юқори қийматга эга ун олинади. Ундан печенье, макарон, пицца ва қандолат маҳсулотлари тайёрланади.

Ўтказилган илмий излашларга кўра, тритикале донининг кимёвий таркиби ўғитлан-тириш ҳолатига боғлиқ экан. Тритикаленинг дон ҳосили ўғит миқдори ошиб бориши ҳисобига 0,83–1,68 т/га кўпаяди. Азот миқдорининг оширилиши доннинг технологик ҳолатини ҳам яхшилайти.

Сувли ерларда тритикале оралиқ экин сифатида ёзнинг охири (август)-кузда экилса, юқори кўк масса ва дон бериши мумкин. Юртимиз шароитида тритикале жавдар ва хашаки буғдойга нисбатан юқори ҳосил, тўйимли концентрат озукка ва мўл, сифатли кўк масса бериши билан ажралиб туради. Тритикале чорвачилик учун тўйимли озуккабоп экин ҳисобланиб, кўк масса ва дон учун экиш майдони йил сайин ортиб бормоқда.

Тритикале уруғларининг ҳамма-

си униб чиқиши ҳамда юқори ҳосил олиш учун навдорлик ва экинбоплик сифат кўрсаткичлари бўйича лаборатория таҳлилларидан ўтказилиши шарт.

Тритикале уруғи 6–12°C да яхши кўкариб чиқади, яхши қишлайди, совуққа чидамли, илдиз тизими яхши ривожланади. Сувга энг талабчан даври – найчалашдан бошоқ чиқаришгача. Бу даврда нам етарли бўлмаса, бошоғи кичик ва кам ҳосилли бўлиб қолади. Тритикале



буғдойга ўхшаб ўз-ўзидан чангланувчи ҳисобланади. Ўсиб-ривожланишида буғдой, жавдар, арпа ва бошқа бошоқли экинлар сингари униб чиқиш, тушлаш, найчалаш, бошоқлаш, гуллаш, сут пишиш, мум пишиш ва тўлиқ пишиш фазаларини ўтайди.

Уруғлари 3–4°C да уна бошлайди. Униб чиқиши учун ўртacha мақбул ҳаво ҳарорати 20–22°C ҳисобланиб, 6–8 кунда униб чиқади. Ниҳоллар униб чиққандан сўнг, 34–37 кунда тупланиш содир бўлади. Ўзбекистонда тритикале асосан кузда туплайди ва бир туп ўсимликда 2–6 та поя ҳосил бўлади. Ўсимлик туп сони кам бўлганда тупланиш кучаяди. Кузги тритикале -18–20°C совуққа бардош беради.

Униб чиққандан кейин 140–145

кунда найчалаш даврига ўтади. Ўсимликнинг намликка энг талабчан даври найчалаш давридан бошланади. Тритикале 154–163 кунда бошоқлаб, 161–176 кунда гуллайди. Бошоқларида сут пишиш 184–202 кунда амалга ошади. Кўк массага ўриш учун мутахассис томонидан ўрганилади ва ўришга руҳсат берилади. Ўсимлик униб чиққандан 196–218 кунда мум пишиш даврига ўтади. Пишиш даврига кирганлиги текшириб борилади. Тўлиқ пишиб-етилиши учун 206–225 кун керак бўлади.

Ўзбекистонда районлаштирилган тритикале навлари буғдойга нисбатан бироз кеч ёки кечпишар буғдой навлари билан бир вақтда пишса, Мексикадан келтирилган навларнинг кўпи буғдойга нисбатан 10–15 кун эрта пишади, баъзилари буғдойга нисбатан 20–25 кун олдин бошоқ чиқаради. Бундай тритикале навларидан (дон ва кўк масса учун экилган тритикале) фойдаланилса ерни эрта бўшатиб, ўрнига иккинчи экин экиш мумкин.

Тритикале экиннинг тупроқнинг унумдорлик ва мелиоратив ҳолатига бўлган талаби арпа ва сулиникига ўхшаш. Бу экин учун ерни экишга тайёрлаш, ўғитлаш, уруғликни экиш ва парваришлаш агротехника тадбирлари бошқа бошоқли дон экинлари сингаридир. Тритикаленинг уруғлик экиш меъёри 150 кг/га. ни ташкил этади.

Тритикале экиш учун ер тайёрлашда ҳайдов остидан НРУ-0,5 русумли тракторга осиладиган ўғит сочадиган техника ёрдамида фосфорли ва калийли ўғитлар сепади.

Майдон текис бўлмаса, махсус техника ёрдамида текисланади, кичик майдондаги нотекисликлар тракторга осма текислагичлар осган ҳолда текисланади. Шундан кейин дала мола-борона қилинади.

Кузда ерни ҳайдашдан олдин органик ва минерал ўғитлар сочилиб, сўнг 28–30 см чуқурликда шудгорланиши лозим. Ҳар гектарга 20–30 тонна гўнг солиш самарали ҳисобланади.

Бу экинни кучли шўрланган ерларга экиш тавсия этилмайди. Ер

экишга сифатли тайёрланса, уруғлик бир хил чуқурликка (экиш чуқурлиги 5–6 см) тушиши ва яхши униб чиқиши таъминланади. Гектарига 50–60 ц ҳосил етиштириш учун органик ўғит билан бирга соф ҳолда 180–200 кг/га азот, 100–160 кг/га фосфор, 60–70 кг/га калийли ўғитлар қўлланилиши керак. Фосфорли ва калийли ўғитларнинг ҳаммаси ва 25–30 кг азотли ўғит гузда берилиши, азотли ўғитнинг қолган қисми (155–170 кг) баҳорда гектарига 78–85 кг. дан ўсимлик туплаш даврида, (февраль-март), ўсимлик найчалаш даврида (март-апрель) ўтказилади.

Агар уч марта озиклантирилса, ҳар галги азотнинг миқдори 60–67 кг/га бўлади. Бунда учинчи озиклантиришни ўсимлик тўла бошоқлаб, гуллаб бўлгандан сўнг ўтказиш лозим. Дуккакли дон ва дуккакли ўт экинлардан бўшаган ерга тритикале экилса минерал ўғитларнинг миқдори 10–15 фоиз камайтирилади, учинчи марта озиклантиришда аммиакли селитра ёки карбамид ўғитларининг 1:1 нисбатда сувда эритилган 30 фоизли эритмаси ОВХ-28 ёки ОН-400 маркали штангали пуркагичлар ёрдамида сепилганда ҳосилдорлик гектарига сезиларли даражада ошиши билан таркибидаги оқсил ҳам ортиши кутатилади.

Ҳар сафар озиклантирилгандан сўнг суғориш лозим. Суғориш кузда экилгандан сўнг ва ўсув даврида камида 3 марта ўтказилиши керак. Суғориш миқдори экилгандан сўнг 500–800 м³/га ҳисобида бўлади. Бунда тупроқ шароити ҳисобга олинади.

Уруғликни экишдан олдин “Тузал”, “Деразол”, “Раксил”, “Девиденд” каби препаратлар билан 1,5–2 кг/т ҳисобида ишлов берилса, турли касалликларнинг олди олинади.

Тритикале дон учун, айниқса, уруғ олиш учун экилганда бегона ўтларга қарши кимёвий усулда 48 фоизли “Базарган” препаратидан 2–3 л/га, “Парднер” – 1,5 л/га, 75 фоизли “Гранстар” – 20 г/га миқдорда сарфланади. Бундан ОВХ-28 ёки ОН-630 пуркагич ускуналарида гектарига 250–300 литр сув билан дорилаш тавсия этилади. Бу ишлар ўсимлик тўла тупланишдан то найчаланиши бошлангунга қадар ўтказилиши лозим, акс ҳолда кутилган натижа бермайди.

Тритикале сули ва арпа экинлари каби кўк масса учун сут пишиш даврида ўриб олинса, сифатли сепаж тайёрланади. Дон учун бу экин техник пишиш даврида ўриб олиниши керак.

Тритикале экиннинг дони бугдойга қараганда йирик бўлгани учун

ўриш вақтида комбайннинг янчиш аппарати тирқишларини бугдойни ўришга нисбатан бироз каттароқ қўйиш зарур. Акс ҳолда донлар кўп шикастланади, ҳатто майдаланиши мумкин. Комбайннинг бундай созланиши айниқса уруғлик майдонларда жуда зарур ҳисобланади.

Тритикале ўрилгандан сўнг, донлари қуриштиш майдонида олиб борилади. Тритикале уруғлари қуриштилгандан сўнг тозалаш ва саралаш ишлари олиб борилади. Бегона экинлар уруғлари махсус аппаратлар ёрдамида тозаланади. Қопларга қопланади ва реализация қилиш учун сақлаб қўйилади. Сақлаб қўйиш вақтида уруғликларнинг намлиги аниқланади. Агар тритикале донларининг намлиги 15 фоиздан юқори бўлса, қайтадан қуриштишга қўйилади.

Республикаимиз чорвачилиги учун мустақкам озуқа базаси яратишда озуқабоп экинларнинг юқори ҳосилдор навларидан фойдаланиш, уларни етиштиришда агротехник тадбирларга тўлиқ риоя қилиш ҳамда замонавий технологияларни қўллаш муҳим амалий аҳамиятга эга ва чорвачилигимизни янада ривожлантиришда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

УЎТ: 633/635.631.15

Илм ва амал

МАККАЖЎХОРИ ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНИКАСИ

Маккажўхори – кўп тармоқли фойдаланишда қимматли, серҳосил, донли экин ҳисобланади. Маккажўхоридан яхши концентрат, кўк масса ва силос олиш мумкин. 1 кг донида 1,34 озуқа бирлиги мавжуд. Маккажўхори сўталари сут-мум пишиш даврига кирганда тайёрланган силос чорва моллари учун энг яхши озуқадир. 100 кг силосда 24 озуқа бирлиги мавжуд.

Маккажўхори экиш учун ер тайёрлашда ҳайдов олдиан НРУ-0,5 русумли ўғит сочадиган техника ёрдамида фосфорли (150–200 кг/га аммофос ёки 300–350 кг/га суприфос) ўғит берилади. Агар фермер хўжалигида етарли миқдорда чириган гўнг мавжуд бўлса, гўнг сочадиган техника ёрдамида тупроққа солинади. Ерни ҳайдаш 25–28 см чуқурликда амалга оширилади.

Майдон юзаси текис бўлмаган ҳолларда, махсус техника билан текисланади. Кичик майдондаги ноте-кисликларни бартараф этиш ишларини тракторга

осма текислагичлар осиб амалга ошириш мумкин. Шундан кейин дала мола-борона қилинади.

Маккажўхорини баҳорда донга экиш (120 кунлик бўладиган маккажўхори учун, шу пайтда экилганда фермер хўжаликлари дон ҳосилидан 3–4 т/га юқори натижага эришадилар. Униб чиқиш вақти май ойига қолиб кетмаслиги керак, акс ҳолда ҳосилдорлик камайиб кетади. Экиш муддати марказий минтақада жойлашган вилоятлар (Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд ва Фарғона водийси вилоятлари) учун 10–15 апрель, жанубий минтақаларда бундан 2 ҳафта олдин (25–30 март), шимолий минтақаларда эса 2 ҳафта кейин (25–30 апрель) амалга оширилади. Баҳорги муддатда маккажўхорини силос учун экиш ва парваришдаги агротехника тадбирлари, ҳаттоки уруғ сарфи ҳам донга экилгани каби ўтказилади. Пишиш даврига қараб кўчат сони турлича бўлади (кечпишарлар учун – 50–55 минг туп/га; ўрта-кечпишарлар учун – 60–70 минг туп/га; ўрта-эртаги ва эртагилар учун – 80 минг туп/га).

Маккажўхорини силос учун баҳорда оралиқ экинлардан ёки ёзда бошоқли экинлардан (маккажўхори-

нинг тезпишар дурагайлари шу муддатда экиш самарали ҳисобланади ва энг юқори дон массаси олинади. Агар маккажўхорининг тезпишар дурагайлари баҳорги муддатда экилса ҳосилдорлик 2–3 т/га кескин камайиб кетади) кейин экиш мумкин. Бошоқли экинлардан бўшаган майдонларга маккажўхорини республикамизнинг шимолий минтақаларида фақат силос учун экиш тавсия этилади.

Баҳорда силос ва донга экишда маккажўхорининг кечпишар, ўрта-кечпишар, ўртапишар нав ва дурагайлари (“Ўзбекистон–601 ЕСВ”, “Ўзбекистон–420 ВЛ”), ёзда дон учун эрта-ўртапишар, эртапишар нав ва дурагайлар (“Қорасув–350 АМВ”, “Ўзбекистон–300 МВ”) тавсия этилади. Пневматик СПЧ-6 сеялкадан фойдаланилганда экиш чуқурлиги 5–6 см. ни ташкил этиб, гектарига 22–25 кг уруғ сарфланади.

Бунда ҳар бир қаторнинг эни 60 см, 70 см ва 90 см. ли бўлади. 60 см. ли эгатларда эртапишарлар 21 см, ўртапишарлар 24 см ва кечпишарлар 30 см оралиқда жойлаштирилади. 70 см. ли эгатларда эртапишарлар 18 см, ўртапишарлар 20 см ва кечпишарлар 26 см оралиқда жойлаштирилади. 90 см. ли эгатларда эртапишарлар 14 см, ўртапишарлар 16 см ва кечпишарлар 20 см оралиқда жойлаштирилади. Уруғлар экилгандан кейин униб чиқиши учун ерда намлик етишмаса, уруғ суви берилди.

Баҳорда уруғлар ерга экилгандан сўнг ёгингарчилик кўп бўлиб, қатқалоқ ҳосил бўлган майдонлар культиваторлар ёрдамида юзаки культивация қилинади ёки махсус мосламалар билан қатқалоқ юмшатилади. Агар уруғлар экилгандан кейин ерда намлик юқори бўлиб



ҳаво ҳарорати пасайиб кетса, уруғлар чириб кетади. Бундай ҳолатда қайтадан экиш ишлари амалга оширилади.

Экилган уруғ униб чиққандан кейин 3–4 барг бўлганда биринчи культивация қилинади, қўлда чопиқ ишлари олиб борилади, агар кўчат сони кўп бўлса ягана ишлари ўтказилади. Бегона ўтлар жуда кўп бўлганда махсус гербицидлар билан ишлов берилди. Маккажўхорида 5–6 та барг ҳосил бўлганда эгат олиш билан биргаликда гектарига 150–180 кг карбамид ёки 250–300 кг аммиакли селитра солиниб биринчи суғориш ўтказилади. Пояда 8–10 та барг бўлганда иккинчи культивация қилинади. Далани бегона ўт босган бўлса чопиқ ишлари ўтказилади, 10–12 та барг ҳосил бўлганда иккинчи озиклантириш билан бирга иккинчи марта суғорилади.

Маккажўхорининг рўваклари гуллашга келган даврда намликни меъёрида сақлаб туриш учун учинчи марта суғорилади. Бу суғориш бошқа суғоришларга нисбатан узоқроқ давом этади. Агар мана шу даврда суғориш меъёрига эътибор қаратилмаса ҳосилдорлик (40–50%) кескин пасайиб кетади. Бу давр оралиғи 7–10 кунни ташкил этади. Шу вақтда маккажўхори экиннида чангланиш амалга ошади.

Яхши чангланган ўсимликлар юқори даражада ҳосил бериши илмий тажрибалар асосида исботлаб берилган. Маккажўхорида тўртинчи суғориш донида



сут-мум пишиш даври бўлганда амалга оширилади, бу вақтда донлар тўлишиб керакли озукани ўзида жамлайди. Айни шу муддатда силосга ўрилса, энг юқори масса ва озуканга эришилади. Силосга ўришда сут-мум пишиш даврида Марал, КПИ-2,4, Е-280 русумли комбайнлардан фойдаланилади.

Маккажўхорини донга ўриш олдида текшириб кўрилади, агар ўсимликда мумпишиш даврида бўлса, товарбоп донларни ўришга рухсат берилди. Катта далаларда етиштирилаётган уруғликлар (элита, F₁ дурагайлари) тўлиқ пишиш бошланганда амалга оширилади. Бунда Херсонец–7, Херсонец–9 русумли комбайнлардан фойдаланилади.

Маккажўхорини ёзда экиш олдида амалга ошириладиган ишлар қуйидагилардан иборат: ҳайдовгача ерни фосфорли ўғит билан (150–200 кг/га аммофос ёки 300–350 кг/га суприфос) ўғитлаш, ерни ҳайдаш (25–28 см чуқурликда), текислаш, чизеллаш ва молалаш. Ёзги экишда баҳорда қўлланиладиган барча тадбирлар ва уруғ меъёри бир хил бўлиши тавсия этилади. Маккажўхорининг эртапишар (“Қорасув–350 АМВ” ва “Ўзбекистон–300 МВ”) дурагайларида тўлиқ пишиш дон олиш учун 20–25 июнгача ва силос олиш учун 15 июлгача экиш тавсия этилади.

Маккажўхорини ёзда анғизда етиштириш агротехник тадбирлари баҳорги экиш каби амалга оширилади. Бунда шуни инобатга олиш лозимки, ёзда экилган маккажўхори жадал ўсиб боради. Шу туфайли фермерлар тезкорлик билан ўсимлик қатор оралиғига ишлов бериш, озиклантириш ва суғоришни амалга ошириб боришлари тавсия этилади.

**Ф. БОБОЕВ, Қ. АЗИЗОВ,
С. ҚОДИРХОНОВ, Д. ЕДЕНБАЕВ,
Д. ТОХИРБӨЕВА, Г. НОРМАТОВА,**

Маккажўхори селекцияси ва уруғчилиги илмий тажриба станцияси илмий ходимлари.

ЧОРВАДОРЛАР УЧУН ДОН МАЙДАЛОВЧИ ИХЧАМ ҚУРИЛМА

The device is called RDD-100 and is intended for livestock breeders, poultry and fish farms.

Бозор иқтисодиёти шароитида чорвадорлар учун дон майдалагичларнинг кичик ўлчамли, кам қувват талаб этадиган, бир ва уч фазали тоқларда ишлай оладиган ва ишончли ишлаши билан бирга донли озуклар керакли ўлчамларда майдалаш имконияти бўлган конструкцияларни яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти олимлари томонидан чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликлари учун зоотехник талабларга қўра донларни озукка керакли ўлчамда майдалаб берадиган қурилма яратилди.

Дон майдалаш қурилмаси рама, бункер, майдалаш ишчи органи, ростлагич, тасмали узатма, магнитли юргизгичдан, электродвигателдан иборат.

Рама машинанинг барча таркибий қисмларини қотириш учун мўлжалланган. Дон майдалагичнинг ишчи қисми, ротор ва юқори диск орасида дон маҳсулотларини майдалаш учун хизмат қилади. Майдалагич ишчи камераси дон маҳсулотларини майдалаш ва майдаланган доннинг ҳаракатланиши учун мўлжалланган тўғри бурчакли кесимга эга ўйиқлари (паз) бўлган горизонтал жойлашган ротордан иборат. Юқори дискда ҳам худди ротордаги пазлар вазифасини бажарадиган ўйиқлар мавжуд. Ротор подшипникларга таянган айланувчи валга ўрнатилган.

Ишчи органга ҳаракат шкивлар орқали узатилади. Бункер майдаланадиган маҳсулотларни қабул қилиш ва йўналтириб бериш, тўкиш нови майдаланган маҳсулотни йиғиш ва тўкиш учун мўлжалланган.

керак бўлган дон бункердан ўз оғирлиги билан ариқчалари мавжуд ротор ва статор оралиғидаги ишчи камерага тушади ва у ерда керакли ўлчамда майдаланиб парраклар ёрдамида тўкиш новига тушади ва ташқарига чиқарилади. Дон майдалагичнинг ўтказиш қобилияти ротор ўйиқчалари орасидаги ишчи тирқиш катталигига боғлиқ.

“Агрегат заводи” ОАЖда 2012 йили дон майдалаш қурилмасининг тажриба нусхаси ишлаб чиқилди (расм) ва завод шароитида ҳамда Бўка туманидаги “Саркор” фермер хўжалигида кенгайтирилган хўжалик синовлари ўтказилди [1].

Синовларда макка ва бугдой донлари майдаланди ва дон майдалаш қурилмасида майдаланган ёрма фракцияларининг асосий қисми 0–2,8 мм гачани ташкил этди ва зоотехник талабларга жавоб беради.

Бўка туманидаги “Саркор” фермер хўжалиги шароитида синовлар жараёнида ижобий натижалар олингандан сўнг “Агрегат заводи” ОАЖда дон майдалаш қурилмасидан 10 донга ишлаб чиқилди ва 2013–2017 йиллар давомида реализация қилинди [2].

Дон майдалаш қурилмаси 2016 ва 2017 йилларда “Ўзэкспомарказ”да ўтказилган “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар” IX ва X республика ярмаркаларидаги фаол иштироки учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фахрий ёрлиги ва Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар агентлиги сертификатлари билан тақдирланган.

Ушбу дон майдалаш қурилмаси Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг FAP № 01131 “Дон материалларини оқлаш ва қобиғини ажратиш қурилмаси” номли фойдали моделга патенти билан ҳимояланган [3].



Расм. Дон майдалаш қурилмасининг “Агрегат заводи” ОАЖ да тайёрланган саноят тажриба намунаси умумий кўриниши.

Жадвал

Техник тавсифи

Тури	Стационар, 380 В 50 Гц, 2.2 кВт 1500 айл/мин.
Иш унуми, кг/соат	100–120
Ротор диаметри, мм	150
Статор диаметри, мм	155
Ротор ариқчасига киришдаги паз чуқурчаси, мм	10
Юқорги диск пази чуқурлиги, мм	28
Ротор айланишлар сони, мин	950
Бункер ҳажми, л	40
Конструктив массаси, кг. дан кўп эмас	130 ± 10
Габарит ўлчамлари, мм. дан кўп эмас	643±20
- узунлиги	538±20
- эни	1225±40
- баландлиги	
Хизмат кўрсатувчи ходимлар сони, киши	1

Электр юритма электродвигателмагнитли ишга туширгич, ўзгартиргич, симлар, шкивлар, ҳаракат узатувчи тасма, таянч подшипникларни ўз ичига олади.

Дон майдалагичнинг диски ротори горизонтал жойлашган бўлиб, унда қирқиб ясалган ариқчалар роторнинг вертикал ўқига бурчак остида жойлашган. Майдаланиши

Д.АЛИЖОНОВ,
т.ф.н., доцент,

Ш.АБДУРОХМОНОВ,
катта ўқитувчи,

Х.СУЛТАНОВ,
талаба, (ТИҚХММИ).

АДАБИЁТЛАР

1. Акционерное общество Агрегатный завод. Справка №510-01/03-05 от 21 июля 2017 г.
2. Алижанов Д. ва бошқ. FAP № 01131 “Дон материалларини оқлаш ва қобиғини ажратиш қурилмаси” // Ўзбекистон Республикаси фойдали моделлар давлат реестрида 15.08.2016 йилда Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтказилган.

СУВ ТАҚЧИЛЛИГИ ШАРОИТИДА ҒЎЗА ЕТИШТИРИШ

Келиб чиқиши ҳамда ирсиятига кўра ғўза ўта серҳосил экин ҳисобланади. Вегетацияси давомида камида 60 та, айрим ҳолларда эса 100 тагача ҳосил нишонларини шакллантиради. Аммо, агротехника тадбирлари ўз вақтида ва сифатли ўтказилмаслиги туфайли уларнинг 80–85 фоизи тўжилиб кетади.

Ғўза кучли илдиз системасига эгаллиги, қурғоқчиликка нисбатан чидамли эканлигига қарамасдан юртимизда пахтачилик асосан сунъий суғоришга асосланган. Бир гектар майдонни суғоришга сарфланадиган умумий сув миқдори ғўза ниҳоллари униб чиққандан то шоналагунча 6–10, шоналашдан то гуллагунча 12–16, гуллашдан то етилгунча 55–65 ва етилиш даврида 16–20 фоизни ташкил этади.

Сув тақчиллигини бартараф этиш учун, мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, агротехнология қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда дала ишларини олиб бориш лозим. Аммо, ғўзанинг яхши ривожланиши учун тупроқдаги намлик дала нам сизимига нисбатан 65–70 фоиздан кам бўлмаслиги керак.

Таъкидлаш жоизки, биринчи суғоришда ҳар гектар майдонга ўртача 700–800 м³ сув берилади. Сув сарфи енгил тупроқли майдонларда гектарига 600–700, ўрта таркибли тупроқли ерларда 700–800, оғир тупроқли майдонларда 800–900 м³ бўлиши керак. Гуллаш даврида 200–300 м³ сув сарфланади.

Бу меъёрдан ортиқча берилган сув ортиқча сингишига, ғўзаларнинг говлашига олиб келиши мумкин.

Гуллашгача бўлган даврда тупроқнинг 50–70 сантиметригача нам борса, етарли. Шунда илдиз атрофидаги тупроқнинг нам бўлиб туришига эришилади.

Суғориладиган майдоннинг бир текис намланиши ва оби-ҳаётнинг тежалиши тараш учун эгат узунлигига алоҳида эътибор бериш талаб этилади.

Сувдан тежамли фойдаланишда Чуст тумани хўжалиklarининг қисқа эгатлар (40–50 м) орқали “Чуст усулида” ўтказиш тажрибаси диққатга сазовордир.

Сувдан самарали фойдаланишда суғоришни шарбат усулида ўтказиш муҳим аҳамиятга эга. Шарбат усули қўлланилганда гўнга ғўзага озиқ бериш билан бирга мульча вазифасини бажаради, сувнинг бугланишини камайтиради, тупроққа сингишини яхшилайди.

Меъёридан ортиқча сув ичган ғўза ҳосил тугунчаларини тўкиб

юборади ва говлай бошлайди. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, ишлов берилганда юзаси текис чиққан майда кесакли юзага қараганда намининг бугланиши 25–35 фоиз кам бўлади.

АҚШнинг 14 та штатида пахта етиштирилади. Чигит экиладиган майдонларнинг 80 фоизи Калифорния ва Миссисипи дарёси ҳавзасида жойлашган штатларга тўғри келади.

Сан Жоакуин водийсининг об-ҳавоси, ҳавосининг намлик даражаси бизникига жуда ўхшаш. Бу ерда ҳар гектар майдондан ўртача 54 центнердан ҳосил олинади.

Келгуси ҳосилга тайёргарлик куздан бошланади. Йигим-терим туга-



гандан сўнг даладаги ғўзапоя ер ҳайдаш давомида майдаланади. Дискли плуг билан икки марта ишлов берилгандан сўнг, дала лазерли ер текислагичлар ёрдамида текисланади.

Фермерларнинг фикрича, агар ер текис бўлмаса, ғўза бир текис унмайди, майдон бир хил суғорилмайди, демакки бир текис ўсмайди. Шунинг учун ер сатҳини текислаш энг муҳим омил саналади.

Ер тузилиши ва тупроқ сифатини ҳисобга олган ҳолда суғоришнинг янги усулларини ишлаб чиқиш фермерларнинг доимий ташвишидир.

Америкада ҳам ғўза бизникидек жўяклар орқали суғориш усуллари қўлланилади. Енгил тупроқли майдонларда томчилатиб ва ёмғирлатиб суғорилади. Шу билан бир қаторда, кўллатиб суғориш усули ҳам кенг тарқалган.

Жўяк орқали суғоришда америкалик фермерлар биздагидан кўра икки марта кам сув сарфлашади. Сув омбор ёхуд бетон каналдан 1,5–2 м чуқурликдаги қувурлар орқали далага етказиб берилади. Эгатларга

кўндаланг қўйилган енгил алюмин қувурлардаги ҳар бир метр ораликда жойлашган тешиклар орқали жўякларга оз-оздан сув оқизилади.

Яхши текисланганлиги ва тупроқ таркибининг майдалиги туфайли майдон бир текис намланади. Бундай усул сув сарфини икки марта қисқартириш имконини беради, иккинчидан, солинган минерал ўғитларни ювиб кетмайди ва таркибида кимёвий дорилар мавжуд бўлган оқова сувларнинг йиғилиб қолишига йўл қўймайди.

АҚШ фермерлари ягана ва чеканка нималигини умуман билишмайди. Чунки чигит экишда муайян меъёр мавжуд. Чеканка ўтказилмаслигига сабаб шуки, ғўзалар муддатдан олдин ўсиб кетса “ПИКС”, кечикса “ПРЕП” номи препаратлар пуркалади ва тегишли меъёр таъминланади.

Ушбу усулларни қўллаганда сувнинг бугланиши камайтирилади, унинг тупроққа сингиши яхшиланади.

Исроил, Испания ва Греция фермер хўжалиklarида ҳам АҚШга ўхшаб бир гектар майдонда пахта етиштириш учун 4–5 минг метр кубдан кўп сув сарфланмайди.

Испанияда далага сув АҚШдагидек махсус қувурларда олиб келинса, Исроилда резервуарлардан шланглар орқали томчилатиб суғорилади. Бу мамлакатларда суғориш сув лимити бўйича бир гектар ғўзани суғориш учун 4,5 минг м³ сув ажратилади.

Фермер бу меъёрдан кўп сув сарфласа, ортиқ сарфланган сув ҳаққини ўз ҳисобидан тўлайди.

Шуни инобатга олиб, юқоридagi омиллар сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш баробарида ғўзанинг бир меъёрда ўсиб, эртаги ва мўл ҳосил етиштирилишини таъминлайди.

Ғўза вегетация даврида ҳар бир тадбирни ўз вақтида ўтказиш, бор сувдан тежамли фойдаланиш, оби ҳаёт самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Р. НАЗАРОВ,

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, профессор.

СУВ – ТИРИКЛИК МАНБАИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013–2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, сув ресурслари чекланган минтақаларда деҳқончилик қилиш, бу соҳада янада кўпроқ ҳосил олиш юзасидан муҳим аҳамиятга эгадир.

Хўш, бу борада Қорақалпоғистон Республикасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Қорақалпоғистон Республикаси қуйи Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Жолғасбой Узоқов бу ҳақда қуйидагиларни сўзлаб берди.

– Аввало шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, мазкур қарор асосида республикаимизда кейинги йилларда кўпгина ижобий ишлар амалга оширилди. Чунончи, шу кунга қадар давлат бюджети ва марказлашган капитал маблағлар ҳисобидан жами 248 миллиард сўмлик ирригация-мелиорация ишлари бажарилди. Натижада 140 минг гектар майдоннинг сув таъминоти яхшиланиб, 231 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати деҳқончилик учун тўла яроқли ҳолатга келтирилди. Юқорида қайд қилинган маблағ асосан 192 минг километр узунликдаги 17 та объектда коллекторларни қуриш ва реконструкция қилиш, 26 объектда 1900,5 километр узунликдаги коллекторларни таъмирлаш ва тиклашга, 49,5 километрлик 8 та объектдаги каналларни реконструкциялаш, ЛЭП барпо қилиш ва бошқа муҳим ишларга йўналтирилди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Нукус шаҳри марказидан кесиб ўтувчи “Дўстлик” каналининг икки қирғоғини бетон билан қоплаш, ҳудудни ободонлаштириш, маданий дам олиш мажмуасига айлантириш муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу хайрли иш ҳали ҳам давом эттирилмоқда. Бундан ташқари, 654,8 километр хўжаликлараро каналлар қазилди.



321 та гидротехник иншоотлар, 203 та гидропостлар тўла таъмирланди. Умуман олганда, амалга оширилган ишларимиз талайгина. Лекин биз қўлга киритилган муваффақиятлар билан асло чекланмаймиз. Сабаби, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2018–2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори олдимизга янада масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Биз мазкур қарорга жавоб тариқасида жорий йилда 32 миллиард 226 миллион сўмлик маблағни 45,2 километр узунлик-

даги каналлар, 32 та гидротехник иншоотларни реконструкция қилишга йўналтирамиз. “Шўрбулоқ” сув омборидаги қурилиш ишларини бошлаб юборамиз. Худо хоҳласа, бу ишлар якунига етса 20,6 минг гектар суғориладиган майдонларнинг сув таъминоти тубдан яхшиланади. Жорий йил давомида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш



мақсадида 121,3 километр узунликдаги коллекторларни реконструкция қиламиз, таъмирлаймиз ва тиклаймиз, хўжаликлараро каналларни тозалаш, сув иншоотлари, насос станциялари агрегатларини таъмирлаш ишларини режага мувофиқ давом эттирамиз.

Сув тежаш технологияларини жорий этиш учун 80 гектар майдонда томчилатиб суғоришни амалга оширамиз. 1000 гектарлик далада пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини эгилувчан қувурлар орқали, 200 гектар майдонда эса эгатга плёнка тўшаб суғорамиз. Сув хўжалиги объектлари атрофида 1,2 гектарлик иссиқхоналар барпо қиламиз. Унда лимон, пиёз, кўкатлар етиштирамиз. Сув хўжалиги ташкилотларига 10 та янги мелиоратив техникани лизинг асосида олиб берамиз.

Ўтган йилги суғориш мавсумида республикаимизга ажратилган 6835,0 миллион метр куб сув лимитини асосан олдик. Шу сув миқдори билан ғўза, кузги бугдой, шоли ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришни амалга оширдик. Бундан ташқари аҳолининг 35 минг 616 гектардаги томорқа майдонлари ҳам узлуксиз сув билан таъминланди. Бу ўз навбатида республикаимиз аҳолисининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Айни кунларда республикаимиздаги 92 минг 100 гектар майдонда тобга келган ерлар экишга тайёрланиб, барака уруғи қадаш давом этмоқда. Ишончим комилки, жорий йилда ҳам қорақалпоғистонлик деҳқонлар қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида улкан муваффақиятларга эришадилар.

Суҳбатдош: Қ.Райимбой.

КЛАСТЕР — ФЕРМЕРЛИКНИНГ КЕЛАЖАГИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан собитқадамлик билан ҳаётга жорий этилаётган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигини модернизациялаш долзарб вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Шуни назарга тутган ҳолда соҳада улкан ислохотлар олиб борилмоқда. Энг асосийси, деҳқоннинг ерга бўлган муносабати тубдан ўзгарди. Яқин-яқингача балл бонитети паст бўлса ҳам юқоридан белгиланган режани бажариш учун фермер хўжаликлари фақат галла ёки пахта етиштиришга мажбур эди. Натижада ҳосилдорлик яхши бўлмагани туфайли нафақат даромад, балки минерал ўғит, ёқилғи-мойлаш материаллари учун кетган маблағ ҳам қопланмасдан фермернинг гарданида қарз қолиб кетарди. Эндиликда бу каби муаммоларга барҳам берилиб, тупроқ-иқлим шароитига мос келадиган экинлар экилмоқда. Хусусан, боғдорчилик, узумчилик, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик, қўнчилик каби тармоқлар ривожланишига эътибор қаратилаётганлиги фермер ва деҳқон даромадини кўпайтириш билан бирга, аҳоли дастурхоннинг ҳам тўқинлигини таъминлапти.

Қизилтепа туманидаги “Кубаро Диёр” кўп тармоқли фермер хўжалиги 2006 йилда ташкил этилган. Ўтган давр мобайнида фермер хўжалиги шартномавий режаларни доимо ортиғи билан бажариб келди. Айни пайтда хўжалик миришкорлари 39,2 гектар уруғлик галла, 28 гектар пахта, 4,2 гектар боғ, 0,3 гектар узумзорда меҳнат қилмоқда. Шунингдек, 2 гектар балиқхонадан 20 тоннадан зиёд маҳсулот етиштирилгани, 550 гектардан зиёд яйловда 451 бош қорамол, 2000 бошдан зиёд қўй-эчки боқилаётганлиги хўжалик иқтисодий имкониятларини янада кенгайтирмоқда.

Фермер хўжалигининг раҳбари Х.Раҳмонов ёш, олий маълумотли. Самарқанд қишлоқ хўжалиги, Тошкент молия институтини тамомлаган. Шунинг учун у деҳқончиликнинг назарий ва амалий билимларини уйғунлаштириб олиб борапти. Соҳада нимаики янгилик бўлса, илмий асосланган технологияларни қўллаган ҳолда синовдан ўтказди. Унинг олиб борган ишлари кўпчиликка намуна бўлаётганлиги учун 2013 йилда “Шухрат” медали билан тақдирланди. Ўтган йили Хоразм вилоятида бўлиб ўтган “Йилнинг энг ёш фермери” кўрик-танловида 2-ўринни қўлга киритди.

— Фермерлик аслида тадбиркорлик эканлигини энди тушуниб етаяпмиз, — дейди Хуршид Раҳмонов. — Пахта, галла бўйича шартномавий режаларни ортиғи билан бажарсак ҳам, даромад ололмаган пайтларимиз бўлди. Чунки, режанинг орқасидан қувиб сарф-харажатни ўйламасдик. Бунинг оқибатида эса иқтисодий зарар келиб чиқарди. Ҳозир қилган меҳнатга яраша даромад оладиган давр келди. Соҳада инновацион

гоялар асосида сарф-харажатни камайтириб, юқори ҳосил олиш устида мунтазам изланишлар олиб бораёпмиз. Ўтган йили 500 миллион сўмдан зиёд даромад қилганимиз саъй-ҳаракатларимиз бесамар кетмаганидан дарак беради. Албатта, бу маблағни хўжалигимиз моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, ишчи-ҳодимларнинг манфаатдорлигини оширишга сарфлаймиз. Айтганча, туманимизда пахта етиштиришнинг кластер усули жорий этилганлиги ҳам бу йил даромадимизга даромад қўшди. Ўтган йили пахтанинг килосини 1500 сўмдан сотган бўлсак, бу йил туманимизда

пахта етиштиришнинг кластер усули жорий қилинганлиги учун бир килограмм пахтани 2200 сўмдан сотдик. Ўртадаги фарқ 700 сўмни ташкил этади. 2017 йилда етиштирилган 150 тонна пахтанинг ўзидан олдинги йиллардагига нисбатан олган даромадимиз 100 миллион сўмдан ортганини кўрсат-

Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида амалда қўлланган — пахтани етиштиришдан тортиб, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган босқичларни ўз ичига қамраб олган кластер усулига биз Ўзбекистон пахтачилигининг келажаги сифатида қарамоқдамиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ.

моқда. Ушбу қўшимча маблағ ҳисобига жорий йилда экинлардан олинадиган ҳосилдорлик миқдорини кўпайтирамиз, янги иш ўринлари яратамиз, албатта. Кластер — бу экин экишдан тортиб, хомашё эмас, балки тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараёни ўз ичига оладиган тизим эканлигини инobatга олсак, уни қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида қўллаш мумкинлигини вақт кўрсатмоқда. Бир сўз билан айтганда, Президентимиз томонидан жорий этилаётган кластер фермерликнинг келажаги эканлигини мана шу мисолда кўриш мумкин.

— Хуршид Раҳмонов нафақат, фермер, балки партиямизнинг фаол аъзоси, туман Кенгаши депутати сифатида аҳолини қийнаб келаётган кўплаб муаммоларни ҳал этишда жонбозлик кўрсатиб келмоқда, — дейди О‘зЛиДеР Қизилтепа туман бўлими аппарат раҳбари Шерзод Ибрагимов. — Хусусан, шу йил бошида касб-ҳунар коллежи ва олий ўқув юртини тугатган 4 нафар ёшни ҳокимлик ва тегишли ташкилотларга депутатлик сўровлари жўнатиб, ишга жойлаштирди. Шунингдек, ўзи сайланган ҳудуддаги кам таъминланган оилаларни ҳам депутат, ҳам фермер сифатида моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда оилалар аҳволи билан яқиндан танишиб, уларга томорқасидан самарали фойдаланиш даромад манбаи эканлигини тушунтириб келаётгани кутилганидан ҳам яхши натижаларни бермоқда.

Б.ТОШНАЗАРОВ,
журналист.

ОҚДАРЁ ПОМИДОРИ

энди хорижликлар дастурхонини ҳам безайди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, олиб борилаётган ислохотлар жараёни, йирик лойиҳалар билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 17–18 март кунлари Самарқанд вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари ташриф доирасида Оқдарё туманидаги “Даромад бахт омад” масъулияти чекланган жамияти томонидан гидропоника усулида ташкил этилган иссиқхона билан танишди. Бу ерда меҳнат қилаётган ишчилар билан суҳбатлашди.

Гидропоника — бу ўсимликларни сунъий муҳитда тупроқсиз етиштириш усулидир. Унда ўсимликлар озукани илдишларини ўраб турган эритмадан олади.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги салоҳиятини янада ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда экспортбop маҳсулот етиштириш мақсадида барча ҳудудларда гидропоника усулида иссиқхоналар ташкил этилмоқда. Ихчам ва самарадор бундай иссиқхоналар юқори сифатли полиз маҳсулотлари етиштириш, минглаб иш ўринлари яратиш имконини беради.

Бундай иссиқхонанинг яна бир афзаллиги шундаки, унда махсус унумдор ерга зарурат йўқ. Тўлиқ автоматлаштирилган назорат тизими

билан бошқарилади. Жойдан максимал даражада фойдаланиш имконияти мавжуд. Маҳсулот етиштириш учун сарфланадиган энергия ресурслари анча арзон. Тежамкор усулда суғориш ва озиқлантириш тизими мавжуд.

“Даромад бахт омад” масъулияти чекланган жамиятида ҳозир 4 гектар майдонда гидропоника усулида



ташкил этилган иссиқхонада помидор парваришланмоқда. 22 доимий, 30 дан ортиқ мавсумий иш ўрни яратилган. Иссиқхонанинг дастлабки ҳосилидан 220 тоннадан ортиқ маҳсулот йиғиштириб олиниб, унинг қарийб тенг ярми Россия ва Қозғоғистонга экспорт қилинди.

— Оқдарё туманини пахтадан озод қилдик, — деди учрашув чоғида Ш.Мирзиёев. — Туманнинг зах, тошлоқ ерларига гидропоника жуда мос. Бундай иссиқхоналарни кенгайтириш, нима бозорбop бўлса, шунини экиш керак. Бу йўналишни ривожлантириш учун мутахассислар тайёрлаш зарур.

— Дастлаб “Асакабанк”нинг Афросиёб филиалидан 700 минг доллар кредит олиб ишни бошладик, — дейди жамият раҳбари Шуҳрат Ибрагимов. — Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган тежамкор ва юқори самарадорликка эга замонавий ускуналар ёрдамида ҳар бир кўчат алоҳида парваришланади. 2017 йилнинг сентябрь ойида экилган кўчатлар йил бошида тўлиқ ҳосилга кирди. Келгусида ҳосил миқдорини янада кўпайтириб, қўшимча маҳсулот ҳамда янги иш ўринлари яратиш устида иш олиб бораёпмиз.

Акрам ҲАЙДАРОВ,

Бахтиёр МУСТАНОВ (фото).

Суратда: иссиқхона фаолиятдан лавҳа акс эттирилган.

ИШОНЧ МАСЪУЛИЯТГА УНДАМОҚДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Навоий вилоятига ташрифи барчамизга кўтаринки руҳ бағишлади. Негаки, ишбилармон ва тадбиркорларга кенг имкониятлар яратилаётгани, янгидан-янги замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, sanoат, маиший хизмат ва сервис соҳаларини ривожлантириш орқали кўплаб янги иш ўринлари яратилмоқда, аҳоли фаровонлиги таъминланмоқда.

Мен анча йиллардан бери Кармана туманидаги “Обод турмуш келажиги” кўп тармоқли фермер хўжалигини бошқариб келаман. Фаолиятим давомида шартномавий режаларни ортиғи билан уддалаб, даромадимизни йилдан-йилга ошириб келаяпмиз. Замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари сотиб олганимиз эса иш унумини, маҳсулот сифатини яхшилашга хизмат қилапти. Эришган ютуқларимиз туфайли республика миқёсида ўтказилган танловларда иштирок этиб, совринли ўринларни қўлган киритдик.

Ёш тадбиркор ва фермер сифатида мен ҳам муҳтарам Президентимизнинг Хатирчи туманида ўтказган йиғилишида қатнашдим. Мева-сабзавотларни қуриштириш цехи ва 100 тонна сизимга эга музлатгич қуриш бўйича ўзим яшайдиган Кармана туманидаги “Шибзон” маҳалласида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши билан биргаликда ишлаб чиққан лойиҳамизни ишга туширишда кредит таъминотидаги муаммоларни ҳал этишда ёрдам сўрадим. Президентимиз бу лойиҳани қўллаб-қувватлади. “Агробанк” нинг Кармана ту-

мани филиалидан 2 миллиард сўм миқдоридан кредит олиш тўғрисида шартнома имзоладик. Тез кунларда цех ва музлатгични ишга тушириб, 15 та янги иш ўрни яратамиз.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Президентимиз доимо янги иш ўринлари яратаман деган ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаб келаётганлигига Навоий вилоятига қилган ташрифида яна бир бор амин бўлдим. Чунки, менга ўхшаган ўнлаб ёш тадбиркорлар билан дилдан суҳбат ўтказди. Уларни қийнаб келаётган муаммолар жойида ҳал этилди. Ишонч ҳар биримизга катта масъулият юкледи.

Бир сўз билан айтганда, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётган замонда яшаётганимдан фахрланаман. Биз навоийлик тадбиркору фермерлар Президентимиз билдирган ишонччи оқлаб, юртимиз тараққиётига ҳисса қўшишга ваъда берамиз, албатта.

Наргиза МАМАНОВА,

Кармана туманидаги “Обод турмуш келажиги” кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари.

РИВОЖ ТОПАЁТГАН ТАРМОҚ

Жиззах вилоятида балиқчилик билан шуғулланувчи хўжалик субъектлари жорий йилда истеъмол бозорига 8 ярим минг тонна маҳсулот етказиб беришни зиммаларига олишган. Хўш, тармоқ вакилларида ушбу залворли вазифани амалга ошириш учун куч ва имконият етарлими? Умуман, вилоятда балиқчиликни ривожлантириш йўлида бажарилаётган ишлар бугунги кун талабига қандай жавоб беради? Шу каби саволларга аниқлик қиритиш мақсадида “Жиззахбалиқсаноат” масъулияти чекланган жамияти мутасаддиларига мурожаат қилдик.

– Президентимизнинг 2017 йил 1 майдаги “Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори фаолиятимиз ривожидан муҳим аҳамият касб этаётир, – дейди МЧЖ раҳбари Аброр Нарзиев. – Жамиятимиз ушбу қарор асосида ташкил этилган “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмасининг таркибий қисми сифатида воҳадаги балиқчи тадбиркорларнинг бошини бириктиришни ўзининг биринчи ва асосий вазифаси ҳисоблайди. 2017 йил якунига кўра, вилоятда 268 тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатиб, 63 минг гектар табиий, 1 минг 614 гектар сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиштиришган. Ана шу жамоаларни жамиятимиз сафига қабул қилиб, улар билан ўзаро манфаатли шартларда ҳамкорлик қилиш – бош мақсадимиз.

Тўғриси айтиш керак, барча балиқчилик субъектлари ҳам жон-дили билан уюшмага аъзо бўлишаётгани йўқ. Ҳақиқий тадбиркорлар сингари балиқчилик тармоғидаги ишбилармонлар ҳам уюшмага аъзо бўлиш биринчи галда уларнинг ўзларига қандай фойда бериши билан қизиқшади. Жамият раҳбарияти бунга жавобан “Уюшманинг худудий бўлими уруғ, балиқ чавоғи етиштириш, озуқа ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, балиқ маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлаш, уларни сотиб олувчи салоҳиятли ҳаридорлар топиш борасидаги юмушларда тадбиркорлар билан яқин ҳамкор-

лик қилишни зиммасига олади”, дейишмоқда.

– Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида кўзланган режалар балиқчилик тармоғида ҳам ўз аксини топади, деб ўйлайман, – дея сўзида давом этади А.Нарзиев. – Биз тармоқда фаолият кўрсатаётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида илм-фан ютуқлари, хорижнинг илғор технологияларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Бугунгача 10 дан зиёд хориж компаниялари билан шерикчилик алоқалари ўрнатганимиз, улар орасида Хитой, Вьетнам, Корея каби балиқчилик соҳаси ривожланган давлатлар вакиллари борлиги аҳамиятлидир.

Хорижликлар билан ўрнатилаётган ана шундай ҳамкорлик самараси Зафаробод туманидаги “Султонбек балиқ” хусусий корхонаси фаолиятида кўзга ташланаётир. Ушбу корхона тижорат банкидан олинаётган 5 миллиард сўмлик кредит эвазига Хитойдан чавоқ етиштириш, кучайтирилган балиқ озуқаси тайёрлаш, маҳсулотни қайта ишлаш технологияси, 2 та экскаватор, бульдозер ва бошқа зарурий воситаларни харид қилиш арафасида турибди.

– Жамоамиз балиқ етиштириш ҳажмини йилдан-йил ошириб бормоқда, – дейди хусусий корхона раҳбари Шербек Камолов. – Бозорларга 2016 йилда 110 тонна, ўтган йили эса 180 тонна балиқ етказиб бердик. Бу йил 300 тон-



нани кўзлаб турибмиз. Шу билан бирга, фақат балиқнинг ўзини эмас, балки ундан олинадагин бошқа маҳсулотларни ҳам ишлаб чиқариш режамиз бор. Асосийси, бандликни таъминлаш ишига ҳиссамизни қўшяпмиз: бу йил 20 та янги иш ўринлари яратамиз.

Балиқчилик тармоғи жадал ривожланиб бораётган Фориш туманида соҳага оид қатор янги лойиҳа жорий этилмоқда. Жумладан, Эгизбулоқ қишлоғида “Агро кафолат” хусусий корхонаси томонидан балиқ чавоғи етиштирадиган корхона барпо бўляпти. 1 миллиард 200 миллион сўмга қад ростлаётган корхонанинг замонавий инкубация цехи, лабораторияси мавжуд бўлади. Йилига 150 тонна чавоқ етиштириш имконияти яратилади. Бу эса, вилоят балиқчилари ўзлари учун ўта зарур ушбу қимматбаҳо маҳсулотни четдан олиб келиш ташвишидан қутилишади, деган гапдир.

Жиззах вилояти балиқчилик тармоғида иш олиб бораётган тадбиркорлару мутахассислар 2018 йил соҳа ривожидан туб бурилиш даври бўлишини башорат қилишмоқда. Умид қиламизки, яратилаётган имкониятлар, жорий этилаётган инновацион ғоя ва технологиялар, истиқболли лойиҳалар ушбу яхши ниятнинг амалга ошишига замин бўлади.

Х.КАРИМОВ,

Суратда: “Султонбек балиқ” хусусий корхонаси раҳбари Шербек Камолов ўғли Абдурахмон билан янги овланган балиқларни кўздан кечирмоқда.

АНОРЧИ ФЕРМЕР МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

Ўлкамизга баҳор келиши билан табиат уйғониб, дарахтлар турфа либос кияди. Айниқса, анор дарахти чиройли гуллайди. Унинг қизғиш гулларида дилингизга самимият, ифорида эса саодат уфураётгандай туюлади.

Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманидаги “Дўстлик” ордени соҳиби Исроил Нематовнинг “Қора қайин анор шарбати” фермер хўжалиги бугунги кунда нафақат туман ва вилоят, балки республикада ҳам донг таратган.

Хўжалик 2014 йилда ташкил қилинган бўлсада, қисқа фурсатда юқори кўрсаткичларга эришди. Хўш, бу муваффақиятларнинг сирини нимада?

Исроилнинг отаси Райимжон ота Нематов 1993 йилда ўз боғида анорнинг янги навини яратиб, “Меҳнат шухрати” медалига сазовор бўлганди. Исроил ака ана шундай табаррук инсоннинг фарзанди, доимо боғда анорзорлар орасида юриб, ўзи ҳам янги навлар яратиш борасида изланади. Битта ўзи иш бошлаган хўжаликда бугун 30 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. У 16 йил жамоа хўжалигида бригадир бўлиб ишлади, кейинчалик бўлим бошлиғи, “Деҳқонobod” МФЙ раиси вазифаларида элга бош бўлди.

– Отам анор бўйича мутахассис эдилар, – дейди Исроил Нематов. – Узоқ йиллар Мирзаобод туманининг шўр ерларига мос анор навлари яратиш устида иш олиб бордилар. Отам яратган “Қорадона анори” нави тезда халқ орасида машҳур бўлиб кетди. Кейин-



чалик бу анор нави “Қора марварид” номини олди. У бошқа анорлардан чиройлилиги, шарбатининг кўплиги билан ажралиб туради. Пўсти қалин, ёрилмайди. Мен отам ишини давом этдириб, кўчат етиштириб сота бошладим. Отам боғимизда анор эккан эдилар, мен уни фермер хўжалигимда етиштираяпман. Бу йил 18 000 туп анор кўчати етиштирдик.

Фермер туман ҳокимлиги томонидан берилган қўшимча 6 гектар ерга “Қора марварид” анор кўчатини экмoқда. Чатиштириш, чанглатиш каби нав яратиш усуллари отасидан ўрганган Исроил ака пайвандлаш бўйича ҳам уста боғбон ҳисобланади. Буни ҳам у отаси-

дан ўрганган. Ҳозирда 4 гектар ердаги 3000 туп анордан йилига 30 тоннадан маҳсулот етиштирмоқда.

2011 йилда “Анорчилик сирлари” рисоласини чоп эттирган фермер Гулистон давлат университетида ўқиётган талабаларга олий ўқув юрти домлалари билан ҳамкорликда ўз тажриба участкасида деҳқончилик сирларини ҳам ўргатмоқда.



Яқинда анорчиликда янги инновацион технологияларни жорий қилишни ният қилган анорчи боғбон янги ишга қўл урди. Германия Халқаро ҳамкорлик ташкилоти билан шартнома тузиб Австрия давлатининг “КРУЗМАУЕР” фирмасида ишлаб чиқарилган анор маҳсулотини қайта ишлаб чиқарувчи цехни ишга туширди. Цехда бир соатда 800 кг тоза ва сифатли табиий анор шарбати ишлаб чиқарилади. Бу билан қишлоқ ёшлари учун яна 10 та иш ўрни яратилди. Янги ниҳоллар ҳосилга кирса 10 гектардан 200 тоннага яқин маҳсулот олиш мумкин. Аммо бу цехнинг тўла қувват билан ишлашини таъминлаш учун етарли эмас. Шунинг учун вилоятдаги барча анор етиштирувчи фермер хўжаликлари ва хонадонлар билан шартнома тузиш кўзланмоқда. Тайёр ва чиройли қадоқланган анор шарбатлари шартномага асосан Таиланд ва Янги Зеландия мамлакатларига экспорт қилинади.

– Хўжаликда ишлар кўп, ишчиларимиздан Жамолдин Эрматов, Содиқжон Муҳаммедовлар ҳар бир ишни уддасидан чиқа оладилар. Ўғилларим Ибодулла ва Ҳикматилла ҳам боғбончиликка ихлос қўйишди, қанотимга айланишди, – дейди фермер.

Дарвоқе, яна бир гап. Ҳиндистонликлар анор шарбати ва анор пўстлоғига қизиқишмоқда, шартнома қилишга келишилган. Агар Ҳиндистон мамлакатидан ускуна сотиб олиб анор пўстлоғи ва шарбатидан қайта маҳсулот ишлаш йўлга қўйилса, нур устига аъло нур бўлади. Бундай ҳамкорлик хўжалик учун янги уфқларни очади. 2018 йилнинг 5–7 сентябрь кунлари Хитойда бўладиган Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотлари халқаро кўргазмасига таклиф қилинган 80 дан зиёд мутахассис ичида анорчи фермер Исроил Нематов ҳам бор. Биз фермернинг ишларига ривож тилаб қоламиз.

Сўрашда: Исроил Нематов.

Ўз мухбиримиз

МЕҲНАТИ БИЛАН УЛУҒДИР ИНСОН

Хоразм вилоятининг Янгиариқ тумани азалдан нафақат ўзининг меҳнатсевар, меҳмондўст халқи, балки шириндан-шакар мевали боғлари, ҳосилдор полизлари, асаларичилиги, ипакчилиги билан ҳам донг таратган.



“Асқар Аброр Ғуломжон” фермер хўжалиги раҳбари, “Меҳнат шухрати” ордени соҳиби Бойназар Ибрагимовни излаб тумандаги Каттабоғ қишлоғига бордик. У қишлоқнинг чеккасидаги хонадонлардан бири ёнидан ўтган ариқни тозалаш ишлари билан машғул экан. У биз билан саломлашаркан, бироз жаҳли чиққанини билдирмасликка ҳаракат қилди.

– Нима ишлар билан машғулсиз? – деган саволимизга бироз сукут сақлаб жавоб берди.

– Кўряпсизми, ҳамқишлоғимнинг эшигининг олдидан ўтган мана бу ариқ йилдан-йилга ичи лойқага тўлиб, кўмилиб бораёпти. Шуни тозаласам, менинг ерларим ҳам сув билан ўз вақтида таъминланади. Хонадон эгаси эса мана бу турган битта дарахти томирига экскаватор қовлагичи тегиб кетади деб, тозалашга йўл қўймаёпти. Шунинг учун ариқни қўлда тозалаймман...

парранда боқилмоқда. 3 сотих жойдаги иссиқхонада кўкат етиштириляпти. Айни пайтда иссиқхонада иш қизғин. Пишиб етилган помидор, бодринг маҳсулотлари сотувга чиқарилмоқда. 10 қути асаларидан ҳам яхшигина даромад олинмоқда.

Хўжаликнинг илғор аъзолари Шомурод Жуманиёзов, Қаҳрамон Юнусов, тракторчи Қувондиқ Қаландаров ва ҳар қандай техникани бошқариш ҳадисини олган Асқар Ибрагимовларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли хўжалик нафақат туманда, балки вилоятда ҳам танилди, десак муболаға бўлмас.

– Фермерликдан кам бўлмадим, ўз ишига, сўзига тўғри инсон ҳамиша ҳаётда ютади, – дейди у. – Ҳаётимизга, ишимизга янги гоёлар, янги технологиялар кириб келаяпти. Ҳозирги кунда хўжалигимиз техника билан тўлиқ таъминланган. Техника, энг аввало, икки қанотимиз. Техникадан унумли фойдалан, ерга меҳр бер, шунда ютасан, ҳеч нарсадан кам бўлмайсан, дей-



Бойназар Ибрагимовнинг ҳаёт йўли шу қишлоқ билан боғлиқ. Ҳар бир қарич жойни, қишлоқдаги ҳар бир одамни яхши билади. Шу қишлоқлик механизатор оиласида тарбия топган Бойназар Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини тугатгач, жамоа хўжалигида оддий уста бўлиб иш бошлади. Ишга чанқоқлиги, тиришқоқлиги туфайли тезда раҳбарлар эътиборига тушди, муҳандис, МТП раҳбари вазифаларида ишлаб, элга танилди.

2006 йили фермер хўжалигини ташкил қилиб, 8 гектар ерда иш бошлади. Бугунга келиб 48 гектар ерда деҳқончилик қилмоқда. Хўжаликда 16 нафар асосий ишчи (мавсумда 40–50 нафардан ошиб кетади) бор. Аҳил жамоа ўтган йили ғалладан режадаги 30 центнер ўрнига 75 центнердан ҳосил олди. 24 гектар ерга уруғлик пахта эккан эди. Давлат режаси 40 центнер ўрнига 50 центнерга урданди. Ғалладан бўшаган майдоннинг 4 гектарига мош, 10 гектарига сабзавот, 7 гектарига шоли экиб, яхшигина даромад қилди.

Кўп тармоқли хўжаликда ҳозирги кунда ёпиқ шароитда 15 бош қорамол, 50 бош қўй-қўзи, 150 бош

ди кексаларимиз. Шу гапларга амал қилиб, муродга етаямиз. Айтмоқчиманки, меҳнатимиз сабабли тўйлар қиляпмиз, янги иморатлар қуряпмиз, фарзандларимизни олийгоҳларда ўқитаямиз. Энг муҳими, ўзимизда ва чет элларда даволанишга, дам олишга ҳам имконият топаямиз.

Фермернинг турмуш тарзи билан танишиш мақсадида бир фурсатга унинг хонадонига кирдик. Унинг кираверишидаги (Хоразмда уйга кираверишдаги хона оналар ва болалар учун мўлжалланади) хонада ўтирган 77 ёшли Гулчеҳра момо қўш бешикни тебратиб алла айтмоқда. Келинлар эса ошхона ишлари билан банд. Онахоннинг ширингина хонишини эшитдик, фермер оиласидаги ўзига хос яшаш тарзи билан танишдик. Барча ўз иши билан банд. Ҳамма томон озода, саранжом-саришта. Ортага қайтар эканмиз, оилага, ишга, ҳаётга меҳр ва садоқатни Бойназар Ибрагимовга ўхшаган инсонлардан ўрганса арийди, деган хулосага келдик.

Ш.ЖАББАРОВА.

Суратда: Бойназар Ибрагимов.

ИЛМУ ФАН САОДАТИ

Отам Абди бобо уста деҳқон бўлган. “Ота касб – олтин касб” ақидаси, қолаверса, деҳқончиликка бўлган қизиқишим туфайли Тошкент қишлоқ хўжалик институти (ҳозирги Тошкент давлат аграр университети)да ўқиб, олим-агроном мутахассислигини олдим. Сўнгра хўжаликда узоқ йиллар бригада бошлиғи бўлиб ишладим. Истиқлол берган имкониятдан баҳраманд бўлиб, 2004 йилда фермер хўжалиғи ташкил этдим. Шундан буён ҳамisha илғорлар сафидаман. Ўтган 2017 йилда ҳам деҳқончиликдаги барча режаларни ошиғи билан уддаладик. Кўп тармоқлиликни йўлга қўйиш учун четдан зотдор қорамол олиб келиб, мазкур соҳани ривожлантириш, шунингдек, мавжуд ассларчиликни кенгайтириб, келгусида асал экспортини йўлга қўйиш йўлида астойдил меҳнат қиляпмиз.



Ўлкамизда баҳор кезмоқда. Еруқда кўкдам нафаси эсмоқда. Ўзбекистонимизнинг барча меҳнаткашлари қатори хўжалигимиз аъзолари ҳам бугун далада ерга уруғ қадаммоқда. Эртасини ўйлаб меҳнат қилмоқда. Уларнинг қалбини яратиш, яшнатиш шукуҳи эгаллаган. Бундай улғу саодат, бундай улғу ният барчамизнинг дилимизни ҳеч қачон тарк этмасин.

Абдумурат БОЗОРОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, “Бозор ўғли Абди” фермер хўжалиғи раҳбари.

Эришган ютуқларимизнинг бош омили – агро илмдан кенг фойдаланганлигимиз деб биламан. Шу маънода Юртбошимизнинг 2017 йил 1 ноябрдаги “Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарори соҳага берилган юксак эътиборнинг ифодаси деб биламан. Қарорда 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, илмий-тадқиқот муассасалари фаоли-

ятини янада такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш йўналишлари белгилаб берилган.

Элимиз қадим-қадимдан она заминни гуллатиш, боғ-роғлар яратиш, юртни обод қилиш ишқиде яшаган, башариятга маърифат улашган. Танти халқимиз мусаффо осмон остида мустақилликни мустаҳкамлаш, озод, ҳур Ватан шуҳратини дунёга ёйиш йўлида дадил қадам ташлаётган бир пайтда халқимизнинг боши тўй-томошалардан чиқмаганлиғи Яратганнинг, истиқлолнинг иноятидир.

ШИЖОАТЛИ ФЕРМЕР

Мамлакатимиз аграр соҳасида ердан оқилона ва самарали фойдаланишни тўла йўлга қўймасдан, уни муҳофаза қилмасдан туриб иқтисодий самарадорликка эришиб бўлмайди.



Сурхондарё вилояти ерлари, табиати саховатли, йилнинг ҳар қайси фаслида ҳам марҳаматини аямайди. Кейинги йилларда вилоятда деҳқончиликдаги, анқроғи пахтачиликдаги оқсоқликка барҳам берилди. Бир сўз билан айтганда, вилоятнинг шуҳрати тикланмоқда.

– Фермер хўжаликларининг иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини ошириш, фермерларнинг ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, замонавий технологияларни жорий этиш ва қишлоқ хўжалик хомашёсини комплекс қайта ишлаш, шунингдек, қишлоқда янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил қилиш бугунги куннинг муҳим вазифасидир, – дейди Жарқўрғон туманидаги “Ўриной Раҳ-

матова” фермер хўжалиғи бошлиғи Ўриной опа. – Хўжалигимизни кўп тармоқлиликка айлантириш бўйича дастлабки қадамларни қўйдик. Чорвачилик, боғдорчилик ва сабзавотчиликни барқарор тармоққа айлантириш бўйича изчил ишларни бошладик. Ўтган йили ғалладан бўшаган 35 гектар майдоннинг 5 гектарига сабзи, 24 гектарига ерёнғоқ, 2 гектарига сабзавот, қолган майдонларга дуккакли дон экинлари экиб юқори ҳосил олдик.

Фермернинг фикрича, замонавий агросаноатда бошқа соҳаларда бўлгани каби фан ютуқлари ва хорижий илғор тажрибаларидан кенг фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис у ўз хўжалиғида экинларни экишдан тортиб йиғиштириб олгунча бўлган барча

тадбирларда шунга амал қилишга ҳаракат қилади. Натажа ҳам шунга яраша бўлаяпти. Юқорида айтганимиздек, давлатга пахта ва ғалла топшириш режалари ортиғи билан удаланаяпти. Янги тармоқлар очилиб, уларни ҳам замонавий техника ва фан ютуқлари асосида юриштиш режалаштирилмоқда.

“Ўриной Раҳматова” фермер хўжалиғида шу кунларда экин-тикин ишлари авжида. Шижоатли фермер жорий йилда ҳам барча соҳаларда ўтган йилгидан ҳам юқори натижаларга эришишга аҳд қилган.

Ўз мухбиримиз.

БЕДАЧИЛИКДА ЯНГИ ҒОЯЛАР

Мамлакатимизда катта ишлар амалга ошириляётган бугунги имкониятлар даври ҳеч кимни бефарқ қолдирмаслиги аён. Мирзаобод туманидаги “Сирдарё беда уруғчилиги” МЧЖ шаклидаги агрофирма ҳам улуг ниятлар билан 2017 йилнинг январидан ўз ишини бошлади.

Бу корхонага вилоят қишлоқ хўжалиги соҳасида узоқ йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келаятган Қайнар Боймуродов раҳбар этиб тайинланди. Жиззах вилоятининг Бахмал туманида деҳқон оиласида туғилиб ўсган бу инсон қаерда ишламасин маъсулиятни чуқур ҳис қилиши, меҳнаткашлиги, янгиликка интилувчанлиги каби фазилятлари билан элга танилди.

Агрофирма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 январдаги тегишли қарорига биноан ташкил қилинган бўлиб, вилоятдаги захира ерларини ўзлаштириш мақсадида жами

5000 гектар ер майдонлари қишлоқ хўжалик экинлари экиш давлат рестрига киритилиб, маҳаллий шароитларга мос, бир йилда 7 мартагача ҳосил берувчи беданинг Италиядан келтирилган “Джея” (GEA) навли элита уруғи экилиши режалаштирилган. Шунга кўра агрофирма томонидан кенг миқёсда иш олиб борилиб Ховос, Мирзаобод, Сардоба, Оқ олтин туманларида, шунингдек, вилоятнинг бошқа ҳудудида фаолият юритаётган чорвачилик ва бедачилик йўналишидаги фермер хўжаликлар билан шартнома асосида 3000 гектардан зиёд ер майдонларига элита

навли беда уруғи экилди.

2018 йил эрта баҳордан яна 2000 гектар майдонда беда экилди.

Ҳозирги кунда агрофирмада 24 нафар қишлоқ хўжалиги мутахассиси асосан зироатшунослар иш олиб бормоқда. Фаолият беданинг мустаҳкам навидан уруғлик етиштириш ва чет давлатларга экспорт қилишдан иборат. Яна бир томони ерларнинг шўрини ювишда беда экиннинг ҳосияти кўп, буни отабоболаримиз ҳам айтиб ўтишганлиги бежиз эмас.

– Жорий йилда йиғиб олинган беда уруғининг рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида хитойлик, италиялик, россиялик мутахассислар билан музокаралар олиб бормоқдамиз – дейди Қ.Боймуродов. – Бундан мақсадимиз янги инновацион технологияларни ўзимизга олиб кириш.

Демак, яна 20 ишчи ўрини яратилади ва қишлоқ хўжалиги ривож учун яна бир қадам ташланади. Зеро, бугун давлатимиз раҳбариятининг талаби ҳам шу. Агрофирма ходимлари янги иш ўринлари яратиш, чет эллик сармоядорлар билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш орқали Ўзбекистонимизнинг равнақига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Суратларда:

Агрофирма фаолиятдан лавҳалар.



ИШИНГ АВВАЛО ЎЗИНГА ЁҚСИН

Ўқитувчиликдан фермерликка ўтганман. Отам “Инсонни ер боқади, тупроқдан бунёд бўлган ризқни еймиз,” деб кўп такрорларди – дейди “Мадир Хонқа” фермер хўжалиги раҳбари Қурамбой Отаниёзов. Босиқ, устозларга хос эътиборли Қурамбой ака уруш заҳматларини чеккан, бутун умр тракторчилик қилган отаси Хасанбой бобонинг ўғитларини унутмади.

1973–1977 йилларда Урганч педагогика институтида ўқиб, математика фани ўқитувчиси дипломига эга бўлди ва 1997 йилгача педагогик қилиб, ўрта мактабда директор ўринбосари вазифасида ҳам анча пайт ишлади. Отаси айтганидек, ўз ери, мулки бўлишини истади, шу боис қишлоқ дадалари уни ўзига торта бошлади. Бунинг устига мамлакатимизда ер эгаларига бериляётган имкониятлар уни янада қизиқтириб қўйди.

2005 йилда фермер хўжалигини тузиб, 13 гектар ерга пахта, ғалла экди.

2013 йилда ҳар гектар ердан 41

центнердан пахта ҳосили олган фермерга Президент табрик йўллаган эди. Бундан руҳланган Қурамбой ака ишга яна ҳам шижоат билан ёндашиб, 2014 йилда пахтадан янада юқори — 55 центнердан ҳосил олишга эришди.

2016 йили пахта ҳосили айниқса мўл бўлди. 26 гектар ерга экилган ғўзанинг “Хоразм–127” навидан 60,2 центнердан ҳосил олинди. Бу вилоятдаги энг юқори кўрсаткичдир.

– Табиат инжиқликларига қарамай 2017 йилда ғалладан 76 центнер, 25 гектар ерга экилган пахтадан эса 43 центнердан ҳосил кўтар-



дик, – дейди Қурамбой ака. Ғалладан бўшаган майдоннинг 7 гектарига мош, 1 гектарига кунгабоқар, 2 гектарига сабзи, 1 гектарига сабзавот экинлари, қолганига шоли экиб юқори ҳосил олинди.

Намунавий уй-жой, Ўзбекистонда ва хорижда ишлаб чиқилган автоуловлар хўжаликка келган меҳмонлар ва ишчилар хизматига шай. Ҳаётда ҳалол яшаб, меҳнат завқини сураётган фермер Қурамбой Отаниёзовнинг битта шиори бор: “Қилаётган ишинг ўзинга ёқса, ўзгага ҳам ёқади!” Бу фикр бугун барчамизга тааллуқдир.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: *Қурамбой Отаниёзов шоли майдонида.*

РЕЖАЛАРИ УЛУҒВОР ВА ХАЙРЛИ

Хоразм вилояти табиати ҳар баҳорда турлича келиши билан ажралиб турадиган ўжар иқлимга эга. Шу боис бу ерлик деҳқонлар қишин-ёзин тинмайди, далалар шўрини икки-уч марта ювгачгина баҳорги ишларга киришади. Экинларни экиш бошқа вилоятларга қараганда 10–15 кун кечроқ бошланади. Баҳор насимлари эсиб турса-да ҳали дарахтлар яланғоч кунларда вилоятнинг Боғот туманидаги “Дилшод” фермер хўжалиги аъзолари билан учрашдик. Улар ерларни экишга тайёрлаб, теварак-атрофни тозалашаётган экан.



Шу қишлоқда агроном-деҳқон оиласида туғилиб ўсган Ибодулла Искандаров хўжаликни ташкил қилганида эндигина ўттиздан ошганди.

— Қанча сувлар оқди, ҳаёт йўлларимизда қанча воқеалар бўлиб ўтди, кимларнидир йўқотиб, кимларнидир топдик, — дейди Ибодулла ота. — Аммо бугунги кунлар бошқача, меҳнатингиз қадрланади, эътиборга олинади, яшариш, яшнатиш, юрт равнақиға ҳисса қўшиш ҳар бир шахснинг эзгу ишиға айланди.

И.Искандаров 1973–1978 йилларда Андижон пахтачилик институти (ҳозирги Андижон қишлоқ хўжалик институти)нинг сиртқи бўлимида ўқиш билан бирга, жамоа хўжалигида энтомолог-агроном вазифасида ишлади. Ўқишни битиргач, хўжалиқда бош агроном, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими раҳбари, жамоа хўжалиги раҳбари, деҳқон ва фермерлар уюшмаси раиси каби қатор вазифаларда фаолият кўрсатиб, тумандагина эмас, вилоятда ҳам ўз соҳасининг билимдони сифатида танилди.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг у дастлаб 5 гектар ерда оилавий хўжалик ташкил қилиб, сабзавот уруғчилиги йўналишида иш бошлади. Орадан бир йил ўтгач, тармоқларни кенгайтиришга киришди ва 10 гектар ер олиб, пахта экиди. Кейинги йили эса унинг экинлари сафига ғалла қўшилди. Аини пайтда хўжаликнинг умумий ер майдони 70 гектардан иборат.

2017 йилда 26 гектар ерга уруғлик ғалла экилди, давлат режаси 40 центнер ўрниға 50 центнердан удаланиб, улкан ғалла хирмони бунёд этилди. Экиндан бўшаган майдонларнинг 16 гектариға шоли, 1 гектариға картошка, қолганиға сабзавот экинлари экилди.

22 гектарға экилган уруғлик пахтадан ҳам кутилганидан зиёд натижаға эришилди. Режадаги 31 центнер ўрниға 41 центнердан ҳосил етиштирилиб, давлатға юқори сифатли тола топширилди.

— Албатта, жамоамиздаги аҳиллик, ҳар бир ишчи ўз касбининг устаси бўлганлиги сабаб ишларимизда унум ва барака бор, — дейди отахон фермер. — Одилбек Искандаров, Жумабой Ибрагимов, Хурсанд Ибодуллаев каби тракторчиларимиз, Жумабой Жабборов, Оллаберган Раҳимов каби сувчиларимизнинг шижоатли меҳнатлари йил охирида ўз самарасини намоён қилмоқда.

Бир пайтлар юқори унумли техникалари бўлишини орзу қилган Ибодулла ота ҳар йили соф фойдасининг бир қисмини техника сотиб олишға ажратади. Буни шундан билиш мумкинки, хўжалиқда кейинги йилларда 2 млрд. сўмдан зиёд маблағ янги техникалар сотиб олишға сарфланди.

Хўжалиқда ҳар йили 12 қути ипак қуртидан 400 кг. дан ошириб ипак тола олинади. Жорий йилги пилла мавсумиға ҳозирдан жиддий тайёргарлик кўрилоқда.

Отанинг учинчи фарзанди, истеъфодаги майор Хушнуд Искандаровнинг қизиқиши туфайли фермер хўжалигида етти хазинанинг бири — асаларичилиққа асос солинди. Ҳозирги кунда 10 қути асалари боқилоқда. Шу туфайли қишлоқ аҳолиси тоза ва сифатли асал маҳсулотлари билан таъминланапти.

Ҳар бир ишда илғорликни қўлдан бермайдиган Олтин Мадраҳимова, Нодира Назаровалар 400 бош парранда ва 10 бош қорамолни ёпиқ шароитда боқиб хўжалик ривожига ўз ҳиссаларини қўшимоқдалар.

Маҳаллага ва кам таъминланган оилаларға ҳар йили камида 30 млн. сўмдан ҳомийлик ёрдами кўрсатаётган фермер хўжалиги ўтган йилни 160 млн. соф фойда билан яқунлади.

Фермер хўжалигига қарашли 100 ўринли дала шийпони атрофи катта боғни эслатади. Бу ерда хўжалик аъзолари учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаш лозимки, хўжалиқда ҳам, Ибодулла отанинг оиласида ҳам темир интизомға ҳамма риоя қилади. Отанинг гапи-гап. У эрта тонгдан далаға йўл олиб, ҳар бир ишға бош-қош бўлади. Ҳар бир аъзонинг уйида тўй-маърақа бўлса қишлоқдош қариялар билан бирга бориб, ўзи бошида туради, ҳеч кимдан ёрдами ва маслаҳатини аямайди. Беш нафар фарзанд, 13 нафар невараға бош бўлган Ханифа она ҳар бир ишда турмуш ўртоғиға қўмакчи. Шунинг учун ҳам оилавий фермердан кўп тармоқли фермер хўжалиққа асос солинди. Отахон аини пайтда 5 сотих ерда сунъий балиқ ҳавзаси ташкил этиш ниятида. Зеро, бу ният ҳам албатта амалға ошади. Биз отахон билан унинг улуғвор ва хайрли ишлари бардавом бўлишини тилаб хайрлашдик.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: И.Искандаров ариқ қазиётган хўжалик аъзоси билан.

ОТА ИЗИДАН

Инсон дунёда ўзидан солиқ фарзанд қолдириш, кейинги авлодлари тинч ва фаровон яшашлари учун замин яратиш ниятида яшайди. Бу йўлда умр бўйи пешона тери тўкиб меҳнат қилади, тиришқоқлиги-ю тадбиркорлиги туфайли жамият ўртасида обрў-эътибор топади. Ўз ўрнида фарзандлари ҳам ундан ўрнак олиб, отаси бошлаган йўлни давом эттиришга ҳаракат қилади. Халқимиз бежиз “От ўрнини – той босар” – деб айтмаган-да. Дангара туманида истиқомат қилувчи Собиржон ака Ибрагимов. Кўпчилик миришкор деҳқон сифатида яхши танийди.



Сабаби умр бўйи ер билан ошно бўлиб ҳаёт кечирди. Аввалига собиқ Найманча ширкат хўжалигида бош ҳосилот бўлиб ишлаган бўлса, 2006 йилдан 26 гектар экин майдонда “Олтин водий таровати” фермер хўжалигини ташкил этиб, тез орада туманнинг илғор фермерларидан бири сифатида танилди. Турмуш ўртоғи Марҳаматхон ая билан тўрт фарзандни воёга етказиб, олий маълумотли қилди. Бектошбек отасининг касбини тиклади. Андижон қишлоқ хўжалик институтининг Агрономия факультетига ҳужжатларини топширди. 2001 йил ўқишни тамомлагач, олган билимларини амалий мустақамлаш учун ширкат хўжалигида химизатор бўлиб ишлади. Бу давр Бектош учун ҳаётий сабоқлар даври бўлди.

– Назария билан амалиётнинг бирлиги юқори самарадорликнинг калити, – дейди Бектош Ибрагимов. – 2006 йилдан отам раҳбарлик қилаётган фермер хўжалигимизда иш юритувчи бўлиб ишладим. Ер ҳам тирик жон. Жонзот озикланмаса, ҳалокатга маҳкум. Ер ҳам шундай. Бизнинг экин майдонларимиз нисбатан захкаш, чўл худудида жойлашган. Ариқ-зовурлар белгиланган чуқурликда бўлиши шарт. Зовурларнинг тўлиб қолиши ёки сув ўтлари билан қопланиши зах сатҳининг кўтарилишига олиб келади. Ҳозирги кунда 77,10 гектар экин майдонида 50 нафар доимий ишчиларимиз билан меҳнат қиламиз. Жорий йил 42 гектар экин майдонига ғалланинг “Замин” навини элита уруғлик учун экиб парваришляяпмиз. Давлатга сотиш режамиз ҳар гектарига 32 центнер этиб белгиланган бўлса-да, биз 60 центнерлик ҳосил учун ўз ҳаракатларимизни бошлаб юборганмиз. 34,7 гектар майдонга пахтанинг “Султон” навини экапмиз. Бизнинг худудларда сувчилар ва механизаторларнинг хизмати жуда юқори баҳоланади. Чунки биз ерга экин эккунча икки маротаба ишлов беришга мажбурмиз. Аввалига кузда ерни шудгорлаб шўр ювиш учун тайёрлаймиз. Шўр ювиш ишлари якунлангач, яна ерни текислаб, шудгорлаб экишга тайёрлаймиз. Бу ҳам кўп ишчи кучи ҳам қўшимча маб-

лағ талаб қилади. Шунинг учун сувчиларимиз Муқимжон Ибрагимов, Рўздатжон Усмоновлар ҳамда механизаторларимиз Исроил Шарипов ва Азамат Ибрагимовлар ўз касбларига масъулият билан ёндашиб, қишлоғимизнинг ёшларини ҳам ушбу касбларга қизиқтиришиб ёнларига олишмоқда. Хўжаликнинг иқтисодий таъминланиши муваффақият сари олға илдамлашда муҳим ўрин тутди. Экинларга ўз вақтида техник ишлов бериш, керакли ўғитни ўз вақтида харид қилиб, ерни самарали озиклантириш, ўсимликларни зараркунандалардан ҳимоя қилишда хўжалик доимо қўшимча даромадга муҳтож бўлади. Бунинг учун давлатимиз барча имкониятларни яратган. Мана шундай имкониятлардан фойдаланган ҳолда биз ҳам хўжалик таркибида бир неча қўшимча тармоқларни ташкил қилганмиз. Ҳозирги кунда дала шийпонимиз ёнидаги 15 сотих иссиқхонамизда лимон, ва бошқа экинларни етиштириб, йилига ўртача 15 млн. сўм соф фойда оламиз. Бундан ташқари, тахта тилиш, пахта титиш цехлари ва тегирмон хизматини ҳам йўлга қўйганмизки, бу соҳалардан ҳам яхшигина даромад келади. Мана бир неча йилдирки, хўжалик таркибида чорвачилик йўналишини ривожлантириш устида ҳам иш олиб бормоқдамиз. Ҳозирда бўрдоқи учун 30 бош қорамол парваришляяпмиз. Йилига ўртача 6–7 тонна гўшт маҳсулотини халқимиз дастурхонига етказиб бераяпмиз.

“Имкони бор одам омадли одам”, дейдилар. Шу юртнинг фарзанди бўлиб туғилган, шу заминда билим олган ва ўз соҳасининг етук мутахассиси сифатида камол топаётган Бектошнинг келгуси режалари янада катта. Чорвачиликни янада кенгайтириш ҳамда хорижий инвестиция асосида қишлоқ хўжалиги ўсимликларига кимёвий препаратларни сепувчи дастгоҳлар ишлаб чиқарувчи цех қуриб ишга тушириш унинг келгуси мақсади. “Яхши ният – ярим давлат”, дейди доно халқимиз. Биз ҳам ота изидан бориб, юрт равнақи йўлида камарбаста бўлаётган бу йигитнинг режалари албатта ижобат бўлишини тилаймиз.

К.ЭРГАШЕВ,
ўз мухбиримиз.

Суратда: Бектош Ибрагимов.

САХОВАТЛИ ТАДБИРКОР

Абдурахмон Ниязовнинг асл касби шифокор. У Фарғона вилояти ногиронлар жамиятида ишларди. Юртимизда ишбилармонларга берилган эътиборни кўриб, у 2000 йили “Сайқал” савдо ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этди.

Корхона томонидан қазиб чиқарилаётган бентонит агрорудаси тупроқ табиий унумдорлигини оширишда, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл, сифатли ҳосил етиштиришда алоҳида аҳамият касб этади. “Сайқал”да кимёгар олимлар билан ҳамкорликда бентонит нитрат ўғити яратилди. Бу ўғит портламайди, ёнмайди, таркибида 30 га яқин микроэлементлар бор. Вақт ўтиши билан тармоқ кенгайтирилиб, бентонит асосида янги маҳсулотлар – бентонит кукуни, гидроизолицион материал – бентомат узбент ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академик С.Ю.Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти олимлари билан ҳамкорликда боғдорчилик, полиз экинлари етиштиришда ўсимлик касалликларига қарши курашиш, экологик тоза маҳсулотлар етиштириш мақсадида инсекто-акарицид F-30 перепарати яратилиши билан корхонада қўшимча 6 та янги ишчи ўринлари пайдо бўлди.

Корхонада ишчиларга барча шароитлар яратилган, уларга ҳар куни бепул иссиқ овқат берилади. Айни дамда корхонада 49 нафар киши меҳнат қилмоқда. 2002 йилда эса улар сони бор-йўғи 11 нафар эди. Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача иш хақи 1 300 минг сўмни ташкил этмоқда.

“Сайқал” савдо ишлаб чиқариш корхонасида ўтган йилнинг охирида “Фермер жиҳозлари” жамламасини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Жамламада, ҳайдалган ернинг чуқурлигини аниқ ўлчаш асбоби мавжуд. Плугнинг иш сифатини белгиловчи агротехник талаблар орасида ҳайдаш (30–35 см) чуқурлиги ва унинг бир текисда бўлиши ҳамда бегона ўтлар, уларнинг уруғи ва илдизларини кўмилиш чуқурлиги муҳим ҳисобланади. Чуқурлик қийматини аниқлашда плугнинг охири корпуси ҳайдаган эгат чуқурлиги ҳар бир даланинг 25 жойидан ўлчаниб, ўртача кўрсаткич аниқланади. Сифатли ҳайдалган ерларда ҳайдаш чуқурлиги агроном томонидан ўрнатилган кўрсаткичдан ± 2 см фарқ қилиши мумкин, холос.

Шунингдек, жамламада тупроқ ҳароратини ўлчаш асбоби ҳам бор. У қишлоқ хўжалиги экинлари экиш муддатларини белгилаш билан бирга парваришlash ишларини илмий ташкил этишда муҳим саналади. Зеро ўсимликларнинг униб чиқиши, нормал ўсиб ривожла-

ниши ва тупроқдаги турли микроорганизмларнинг ҳаёти бевосита тупроқдаги иссиқликка боғлиқдир.

Жамламадаги тупроқ намлигини ўлчаш жиҳозидан экинлар уруғларини экиш, суғориш ишларини муддат, меъёрларини аниқлашда фойдаланилади. Аксарият ўсимликлар учун тупроқдаги 70–75% намлик оптимал саналади. Бу кўрсаткич экиннинг турли фазаларида ҳар хил бўлади. Гуллаш фазасида намликнинг барқарор сақланиши, юқори ҳосил олишнинг



асосий шартидир.

Дунё бўйича зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлар экинлардан олинадиган ҳосилнинг 25–30 фоизини нобуд қилади. Бу эса ҳар 3–4 гектар майдондан 1 гектаридаги ҳосил зарarli организмлар таъсирида нобуд бўлишини кўрсатади. Қишлоқ хўжалик экинлари зараркунанда ва касалликларини аниқлашда “Фермер жамламаси”даги замонавий лупадан фойдаланилади. Абдурахмон Ниязов тиниб-тинчимас инсон. У ногиронлар аравачалари, “Витаб-М” русумли велосипедлар, Марказий Осиёда ягона бўлган рақамли ва аналогли қулоқ орти ва қулоқ ичига ўрнатиладиган эшитиш мосламалари ишлаб чиқарадиган “UD-AUDIFON” Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасини ташкил этишда ҳам бош-қош бўлди. Энг муҳими, бу маҳсулотларни ҳам ички ҳам ташқи бозорларда сотишни йўлга қўйди.

“Шухрат” медали соҳиби бўлган тадбиркорнинг яна бир ижобий хислати у жуда саховатпеша, хайр-эҳсон қилишни яхши кўради. Ўтган йили 49 миллион сўмликдан зиёд тайёр маҳсулот ва пул маблағларини ногиронлар жамиятларига, “Мурувват” ва “Саховат” уйларига, ногиронлар реабилитация марказларига, ёрдамга муҳтож фуқароларга хайрия сифатида сарфлади.

Ф.МИРЗАЕВ.

ҚИШЛОҚДАГИ РАВОН ЙЎЛЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Қишлоқ хўжалиги ходимлари” кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида қишлоқларимизни янада обод қилиш, аграр соҳада фидокорона меҳнат қилаётган деҳқонларимизга барча шарт-шароитларни яратиш, уларнинг меҳнатини қадрлаш борасида ўзининг самимий фикр-мулоҳазаларини билдирган эди.

Йўллар, айниқса, қишлоқ ва овулларимиз йўллари ҳам мамлакатимиз асосий қон томирларидан биридир, десак асло хато қилмаган бўламиз. Сабаби, улар орқали ташилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари иқтисодиётимизни янада ривожлантиришга, шу аснода халқимиз турмушини фаровонлаштиришга, деҳқонларимиз оғирини енгил қилишга хизмат қилмоқда.

Шу боис, ота-боболаримиз йўллар ва кўприклар қуришни энг савобли ишлардан бири эканлигини айтиб, “Йўллар равон бўлса, турмуш ҳам фаровон бўлади” деган пурмаъно фикрни билдирган.

Беруний туманидаги йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси Қорақалпоғистон Республикасидаги энг йирик sanoat корхоналаридан бири ҳисобланади. Мазкур жамоада меҳнат қилаётган юзлаб ишчи-хизмат-

чилар ва муҳандис-техник ходимлар узоғимизни яқин қилаётган йўлларни янада ободонлаштириш, йўловчиларга қулай шароитлар яратиш борасида астойдил меҳнат қилмоқдалар ҳамда ўз ҳудудларидаги халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятдаги йўлларни мукамал, жорий таъмирлаш, сақлаш ҳамда икки томонини кўкаламзорлаштириб, манзарали ва мевали дарахтлар ўтқазилмоқда эътибор қаратмоқдалар.

Мазкур соҳада кўп йиллардан бери ишлаб, эл-юрт олқишига сазовор бўлган корхона раҳбари Икром Юсуповнинг таъкидлашича, туманда фақат ўтган йилнинг ўзида

қишлоқ жойларида жами 11 километрга яқин автомобиль йўллари тўла таъмирланиб, салкам 968 миллион сўмлик иш ҳажми бажарилди, қишлоқлардаги намунавий уйларга элтувчи янги йўллар барпо қилиниб, икки томони кўкаламзорлаштирилди.

Шунингдек, туман марказида 2 километрдан ортиқ йўллар таъмирланиб, йўловчилар ҳамда ҳайдовчиларга қулай шароитлар яратилди. Умуман олганда, қишлоқлар-

борасидаги ишларни жадал давом эттирамиз. Йўллар чеккаларига темир панжара ўрнатиш, уларни қум-шағал билан мустаҳкамлаш, пиёдалар йўлакчаларини мунтазам равишда таъмирлаш, бетон плиталар ўрнатиш, янгидан асфальт қопламалар ётқизиш ишлари тўхтовсиз олиб борилмоқда.

Шу кунгача қишлоқларимиз ҳамда туман марказидаги йўллар чеккаларига 3000 тупдан кўпроқ мевали ва манзарали дарахтлар кўчатларини ўтқаздик. Бу кўчатларнинг кўпчилиги арча кўчатларидир.

Корхона раҳбарининг сўзларига яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, жамоада шу кунларда 30 га яқин эскирган йўл белгилари янгисига алмаштирилди, 400 таси бўялди, 1000 м³ тупроқ йўлларнинг чеккасига ташилди.

Энг эътиборга молик томони шундаки, йўлларда, айниқса, давлат ва халқаро аҳамиятдаги йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 20 метрдан кўп биринчи гуруҳдаги тўсиқлар ўрнатилди, янги автобекатлар қурилиб, мавжудлари қайта таъмирланди.

Бу борада илғор ишчи-хизматчилардан Қурбонбой Хўжамуратов, Мадийёр Авезов, Ўрозбой Матдурдиев, Яхшибой Қораев, Олимбой Реимбоевлар бошқаларга ўрнатилган бўлмоқдалар. Берунийлик йўлсозларнинг ишларида омадлар тилаймиз.

Р.ҚОЗОҚОВ,
ўз мухбиримиз.



да 13 километрдан ортиқ йўллар таъмирланиб, 1 миллиард 240 миллион 429 минг сўмлик иш бажарилди.

– Жорий йилдаги режаларимиз янада катта, – дейди суҳбатини давом эттириб Икром Юсупов. – Умуман, Беруний тумани бўйича 12 километрлик ички хўжалик автомобиль йўлларини таъмирлашни зиммамизга олганмиз. Бунга бюджет маблағи ҳисобидан 1,5 миллиард сўм ажратилган.

Бундан ташқари, корхонамиз тасарруфидаги халқаро, давлат, вилоят ва маҳаллий аҳамиятдаги йўлларни сақлаш, таъмирлаш ва икки томонини кўкаламзорлаштириш

“КУМУШ ТОЛА” ИСТИҚБОЛИ

Ўзбекистоннинг табиий иқлим ва тупроқ шароити пиллачиликнинг озиқа базасини ривожлантириш учун ҳар жиҳатдан қулайдир. Пилла кимматбаҳо хомашё. У халқ хўжалигининг жуда кўп соҳаларида ишлатилади. Табиий ипақдан, асосан, энг ноёб, жуда чиройли ва пишиқ газламалар тўқилади. Бироқ кейинги йилларда пиллачиликда оқсоқликлар кўзга ташлана бошлади. Озиқа салмоғи камайиб, ипақчилик соҳаси бўйича ишлайдиган завод-фабрикалар тўхтаб қолишигача келиб қолганди. Четдан олиб келинган ипақ курти уруғи ҳисобига маҳсулот таннархи ортиб, фаолият зарар билан яқунланарди.



Тутзорлар эса кўпинча қаровсиз ҳолда қолиб, қисқартирилди, уларнинг ўрнига бошқа экинлар экилди, уй-жойлар қурилди. Баланд бўйли тут дарахтларини кесиб кетиш ҳолатлари кузатила бошлади. Соҳа беқарор ҳолга келиб, тизим издан чиқа бошлаганди.

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида иқтисодий тизимнинг барча соҳаларига, хусусан, қишлоқ хўжалигига, етти хазинанинг бири – пиллачиликка эътибор тубдан ўзгарди. Президентимизнинг 2017 йил 29 мартда қарори билан “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси ташкил топди. Ундан сўнг Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра тутзор ва якка қатор тут дарахтларининг “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси тасарруфига берилиши ипақчилик соҳасининг



тубдан ўзгаришига олиб кела бошлади. Соҳага инвесторларнинг ҳам эътибори ошди. Янги ипақ курти зотлари яратиш учун хорижлик ҳамкорлар билан ишлар бошланди. Аксарият қайта ишлаш корхоналари модернизация қилиниб, тўқув дастгоҳлари олиб келинди ва табиий ипақ мато ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилмоқда. Тизимда мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга катта эътибор берилиб, 29 нафар мутахассис бир ой муддатда Хитой давлатида малакаларини ошириб қайтишди.

Бугунги замон соҳа мутахассислари олдида ўзимизни маҳаллий ипақ курти уруғлари билан тўлиқ таъминлаш баробарида уни экспорт қилиш вазифасини қўймоқда. Инновацияни кенг жорий этиш йилига 2–3 марта пилла етиштириш имкониятини беради.

– Қашқадарё вилоятида ўтган

йили тажриба тариқасида 1600 қути такрорий ипақ курти боқилди ва бу ўзининг ижобий натижасини берди. Ипақ курти уруғи тўғри танлангани учун 21 кунда пилла ўрашга кирди. Қоидаларига риоя қилган ҳолда боқилса, мазкур уруғдаги ипақ курти барғни 3–4 марта кам ейди, – дейди Қаршидаги “Radiant silk” Ўзбекистон-Хитой қўшма

корхонаси раҳбари Бешим Тиловов. – Воҳада 8841 гектар тутзорни тасарруфимизга олиб, уни ижара шартномаси асосида бўлиб берсак, аввало, тутзорлар эғали бўлиб, унинг пайҳон қилинишининг олди олинади. Ҳар 5–10 гектар тутзорлар орасида ёки ёнида 12х60 метр ўлчамда қурилган қуртхоналарда ипақ курти талаблар даражасида парвариш қилинганда, ҳар қути ипақ куртидан олинган сифатли пилла ҳосили 70–80 кг. гача етиши мумкин.

Айтиш жоизки, пилла етиштиришда мамлакатимизнинг дунё бўйича эғаллаб турган 3-ўрни соҳага жорий этилаётган кенг қамровли ислохотлар натижасида янада мустаҳкамланиб, имкониятлардан фойдаланишнинг самарадорлиги ортади.

Бунда, албатта, олимларимизнинг чет эллик касбдошлар билан

ҳамкорликда тадқиқот олиб боришлари, пиллачиларимиз эса иш жараёнида илм-фан янгиликларини амалиётга кенг татбиқ этиб боришлари мақсадга мувофиқдир. Бунда пиллачиликда етакчи ҳисобланган давлатлар: Хитой, Ҳиндистон, Вьетнам, Бразилиядаги илғор технологиялар, янги зотларни ўрганиб, тажриба алмашишни йўлга қўйиш керак бўлади.

Мамлакатимизда пиллачилик равнақи учун етарли имкониятлар мавжуд. Халқимиз саломатлиги учун ипақ матодан кийим-кечаклар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, оналик тутзорда тут мевасини етказиш, тиббиётда тенги йўқ тут шарбати тайёрлашни ташкил қилишнинг аҳамияти катта.


Шунингдек, ипақ курти гумбагидан юртимиз аҳли, қолаверса, экспорт мақсадида бўёқлар ва инсон терисини ёшартирувчи малҳамларни, турли хил косметологик воситаларни ишлаб чиқариш давр талабидир.

– Пиллачиликнинг юртимиз иқтисодиётида ўрни катта, – дейди Бешим Тиллаев. – Ипақ толани бўйлаб учун катта майдонларга табиий бўёқ олинган ўсимликлар экишни йўлга қўйиш билан мазкур ашёни четдан олиб келишга барҳам берилади. Бунинг учун Ҳиндистон, Туркия, Эрон, Афғонистон, Бразилия каби давлатларда етиштирилиб, табиий бўёқ учун ишлатиладиган ўсимликларни ўрганиш ва олиб келиб, ўзимизда етиштириш ҳамда кўпайтириш жуда муҳим. Шу билан бирга, ипақ йиғирув фабрикаларида табиий бўёқ цехларини ташкил қилиш ҳам зарур.

Ўз мухбиримиз.

ПИЛЛАСИ БОРНИНГ, ТИЛЛАСИ БОР

Президентимизнинг фармониغا мувофиқ Гулистон туманидаги “Гулистонагропилла” МЧЖ аграрнои Мамлакат Чинибекованинг “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиби бўлганлигини эшитгач, дилимда у билан суҳбатлашиш иштиёқи туғилган эди. Дарҳақиқат, уни ишхонасида учратдим. Қатъиятли ва соддагина, ўз фикрини яширмай баён қиладиган, меҳрибон ва шу билан бирга тиниб-тинчимас Мамлакат опа касаначи пиллакорлар билан телефон орқали боғланиб суҳбатлашаётган эди:



— Ҳозирданоқ ишларимизни режалаштириб олайлик, тушунмовчиликлар бўлса келинг, аҳиллик билан иш қилсак мавсумда кўнгилдагидек натижага эришамиз, хўпми онажоним, — деди у суҳбат давомида.

Ҳаётнинг яхши-ёмон кунларида тобланган чехрасида қандайдир изтироб излари ва бахтиёрлик уйғунлашгандай. У Сойибобод қишлоғида таниқли ўқитувчи Холбўта Мирзақулов оиласида тарбия топди. Болалиги, ёшлиги ва бугун ҳам, бутун ҳаёти қишлоқ хўжалиги билан боғланди. Тошкент қишлоқ хўжалик институти (ҳозирги Тошкент давлат аграр университети)нинг пиллачилик бўлимини тугатгач, туманига қайтиб ишга шўнғиди. Ҳатто турмуш қуриб, болалар тарбияси билан шуғулланган кезларида ҳам ишдан ажралмади.

— Туманимиз бўйича 158 гектар тутзорлар бор, — дейди “Гулистон агропилла” МЧЖ раҳбари Воҳиджон Обиджонов. — Жорий йилда 438 та фермер хўжалиги билан шартнома туздик, касаначи пиллакорларимиз ҳам анчагина. Жорий йилда 1080 кг ипак қуртидан 60 тоннадан зиёд тирик пилла етиштириш режалаштирганмиз. Бу ишларни йўлга қўйишда Мамлакат опа бошчилигидаги мутахассисларимиз ҳозирданоқ ишни бошлаб юбордилар.

Сирдарё шаҳрида ишга туширилган “Агроглобал”

МЧЖ кластер усулида иш олиб бормоқда. Бу ерда пилла қайта ишланиб, ипак калава ва ундан тайёр маҳсулот ҳам ишлаб чиқарилади. Унинг асосий қисми хорижга экспорт қилиниб, соҳадан олинанидан даромад ортади. Ўз навбатида пиллабоқарларнинг манфадорлиги таъминланади.

Мамлакат опага ўхшаган ишига меҳрли инсонлар бор экан, гулистонлик пиллакорлар албатта ўз ваъдасини бажардилар. Бунинг учун имкониятлар етарли. Ҳозирда хонадонларга жойлаштирилган 12 та инкубатория керакли жиҳозлар билан таъминланиб, пилла мавсумига шай қилиб қўйилди.

— Ўтган йили тажриба тариқасида август-сентябрь ойларида хориждан келтирилган 14 қути такрорий ипак қурти боққан эдик, ҳар қутидан 40 килограммдан ҳосил олдик, — дейди М.Чинибекова.

Жорий йил бу натижани юқори кўрсаткичларга олиб чиқиш учун зироатшунослар эски тутзорларни таъмирлаб, янги тутзорлар барпо қилишмоқда. Ахир ипакчиликда ҳам озуқа базани мустаҳкамлаш энг асосий вазифалардан биридир. Буни унутмаган пиллакор албатта ютади.

Суратда: Мамлакат Чинибекова.

ИЛҒОР ПИЛЛАЧИ

Чиқирчиликлар баҳорни янги ташаббус, янги ғоялар билан кутиб олишди. Раҳматли Шарифбой Искандаров ҳам Чиқирчи қишлоғида яшаб, деҳқончиликдаги ҳалол меҳнати туфайли бахт топган инсон эди. Бугун унинг фарзанди, оддийгина оила бекаси, Янгиариқ туманидаги “Янгиариқ агропилла” МЧЖ пиллачиси Марҳабохон отасининг йўлини давом эттирмоқда. Тарбияли ва саодатли қиз зиёли оилага келин бўлиб тушгач ҳам ота-онасининг сўзларини унутмади, тўғриси, онаси Бекпошша опадан ўрганган касби — пиллачиликни давом эттирди.

— Турмуш ўртоғим Музаффар Собиров “Янгиариқ агропилла” МЧЖнинг Чиқирчи худудида агроном бўлиб ишлайди. У билан қишлоқ хўжалиги соҳасини танлаб янглишмадик, — дейди илғор пиллачи, “Шуҳрат” медали соҳибаси Марҳабо Искандарова.

Ёш оила ўз иқтисодини кўтариш учун кўп ўйланди. Ниҳоят бир қарорга келишди. 2004 йилда яхши ниятлар билан 3 гектар ер олиб, ипакчиликка ихтисослашган “Шоҳрух Муборак ўғли” фермер хўжалигини ташкил этишди. Тез орада тутзорлар яшил рангга бурканди, ипак қурти боқиш учун тўла имконият яратилди. Қариндош-уруғлар бирлашиб, ипак қурти боқишга киришишди. Ўз ишига меҳр қўйган аёл Чиқирчи қишлоғи ипак боқувчилари учун янги имкониятлар эшигини очди. У ипак қурти уругини жонлантириб берадиган инкубатория қуриб ишга туширди. Шундан сўнг соҳадаги ишлар

янаям жонланиб кетди.

Айни пайтда “Янгиариқ агропилла” МЧЖ га қарашли 2 гектар ердаги 3200 туп тут ниҳоллари яшил либосга бурканган. Ҳар йили илғорлар сафидан ўрин олаётган Марҳабо ўтган йили ҳам ўз хонадонидида 6 қути ипак қурти боқиб, режадаги 350 кг ўрнига 360 кг ипак етиштириб берди.

Пилла мавсумида оиладаги барча бир тану бир жонга айланади. Оилабоши Рўзигул она ҳам “қайнонаман” деб ўтирмайди. Мавсум бошланди дегунча, Музаффар ва Марҳабонинг фарзандлари — Шоҳруҳ, Зуфарбек ҳамда Эльвозалар ота-онасига ёрдамчи бўлади.

— Чиқирчининг ўзида 28 та касаначи пиллачи, 24 та пиллачилик билан ҳам шуғулла=надиган фермер хўжаликлари мавжуд, — дейди Музаффар Собиров. — Тез орада тут кўчатларини ўзимизда етиштиришни кўзлаяпмиз ва



хонадонимиздан ташқарида яна битта жонлантириш инкубациясини қуриб ишга туширмоқчимиз. Ишларимиз шунда янада яхшироқ натижа беради.

Шу кунларда қишлоқдаги барча ипакчилар ўз хонадонларини ипак қурти боқишга тайёрлашяпти. Ахир ипак қуртига ҳам тоза, тартибли хоналар зарур. Айниқса, Хоразмнинг ҳавосига ишониб қийин. Ёмғир кўклам бўйи ёғмаса-да, айни ипак қуртлари даҳага кирганида, гоҳида, уч кунлаб қуйиб бериши ҳеч гап эмас. Шу боис янгиариқлик пиллакорлар мавсумга пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар бу йил ҳам пилладан юқори ҳосил олиб, албатта, ўз сўзларининг устидан чиқишига шак-шубҳа йўқ.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: Марҳабо Искандарова.

ТОМОРҚАЛАРИ ЯШНАГАН ШАҲАРЧА

Жорий йилда Дўстлик туманининг “Наврўз” шаҳарча фуқаролар йиғини аҳли баҳорий юмушларга эрта киришди. Каттами-кичик томорқаси мавжуд бўлган хонадон эгалари, аynиқса, жонсарак бўлиб қолишди. Ланг очик дарвозалар ортидаги ҳовлиларда ҳали қиш тугамасданоқ куйманиб юрган: ер чопаетган, дарахтга шакл бераётган, ариқ тозалаётган кишиларни кўриш мумкин бўлди. Ҳар уч-тўрт хонадон ўртасида барпо этилган мўъжаз иссиқхоналар эътиборни тортди.

— Худудимизда 1 минг 20 та хонадон бор. Улардаги томорқа 126 гектарни ташкил қилади, — дейди шаҳарча фуқаролар раиси Умнат Тўйчиев. — Ўн битта хонадонимизда кичик иссиқхоналар барпо этилган. Ерлар шудгор қилиниб, дарахтлар оқланди, эртанги картошка экилганига анча бўлди. Худудимизда оқар сув беминат. Бу ҳам баракали деҳқончиликнинг муҳим омил. Фақат ишлашга, ҳаракат қилишга хоҳиш бўлиши керак. Биз фуқароларимиз қалбида ана шу туйғуни, ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиб, ҳам ўзи, ҳам жамоат эҳтиёжини қондиришдек савобли ишга дахлдорлик ҳиссини ўйғотишга ҳаракат қилишимиз.

Худуддаги “Олмазор” маҳалласида яшовчи Ҳасан Ҳазратқуловнинг хонадонига кирганимизда ҳовлидаги ҳолатдан лол қолмасдан илож йўқ эди. Бир ёнда гуркираб ўсаётган саримсоқ пиёз, кўкатлар, бир тарафда барқ уриб очилган лолагуллар. Эринмай санадик: 15 хил мевали дарахт қийғос гуллаган. Кичкина иссиқхо-



Ж.Эргашев турмуш ўртоғи Турсуной опа билан лимонзорда

на ичида эрта-индин экишга мўлжалланган помидор, ширин қалампир, бақлажон, патинжон кўчатлари яшнаб турибди.

— Томорқамиз майдони 50 сотих. Ҳовлимизда 15 туп узум, қарийб шунча олча, бундан ташқари ўрик, олма, анжир — мевали дарахтнинг ҳаммасидан бор, — дейди Ҳасан ака. — Беш ўғилнинг учтасини уйли-жойли қилганман. Фарзандларим, келин-неваралар билан шу ернинг даромади ортидан кун кечирамиз. Бозордан

ҳеч нарса сотиб олмаймиз: ҳаммаси ўзимиздан чиқади. Органини сотамиз. Ўғит ҳам табиий, қарамогимиздаги чорванинг гўнги исроф бўлмайди, ҳаммасини ерга сочамиз. Бир мисқол ҳам кимёвий препарат ишлатилмайди: У ҳам соғлиққа, ҳам ҳамёнга зиён...

“Наврўз”ликлар ўз маҳалладошлари Жозил Эргашевни ҳам ҳурмат қилишади. Фермерлик ҳаракатининг худуддаги “қалдирғоч”ларидан бири саналган тажрибали миришкор кўп йиллик баракали меҳнатдан кейин нафақага чиқди. Машҳур кинодаги “қариб қуйил-



“Наврўз” шаҳарча фуқаролар йиғини раиси У.Тўйчиев (ўнгда) ва Ҳ.Ҳазратқулов томорқа экинларини кўздан кечиришмоқда.

маган” қаҳрамон мисоли, фермер хўжалигини ўғлига топширсада, барибир тинч ўтиришни истамади. Ўзи ва фарзандларининг оиласи учун ажратилган томорқаларда деҳқон хўжалиги очди. “Отаси қилмаган ишни қилиб”, чўлнинг қоқ ўртасида лимонзор ташкил этди.

— Олти йил аввал экилган лимонларимиз тўлиқ ҳосилга кирган, — дейди Жозил ака. — Деҳқон хўжаликлари ва томорқа эгаларига яратилаётган қулайликлардан фойдаланиб, ўтган йили банкдан 25 миллион сўмлик имтиёзли кредит олдим ва иссиқхоннинг умумий майдонини 5 сотихга етказдим. Кузда уруғи сочилган кўкатларимиз аллақачон бозорга чиқарилди. Банк қарзини муддатидан аввал ёпишга муваффақ бўлдик.

Доно халқимизнинг “Ишлашни истаган имконият, дангаса баҳона қидиради”, деган ажойиб нақли бор. Дўстлик туманининг “Наврўз” шаҳарча фуқаролар йиғини мисолида ана шу пурҳикмат сўзларнинг исботини яққол кўриш мумкин. Худуд аҳли “бир қарич ер ҳам бўш қолмасин!” деган шиорни қалбига жо қилиб олишган. Иш ҳам шунга яраша ташкил қилинмоқда.

Бизга айтишларича, наврўзликлар кейинги бир-икки йил ичида томорқаларида етиштирилган ва эҳтиёжларидан ортган ҳосил билан туман марказидаги деҳқон бозорини “ўзлариники” қилиб олишибди. “Бу йил миришкор томорқачиларимизни сархил мева-сабзавотлари билан Жиззах ёки Тошкент бозорларида кўриб қолсангиз, сира-сира ажабланманг”, дейди ҳазил билан шаҳарча раиси Умнат Тўйчиев.

К.ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Ўз мухбиримиз.

ЭЛ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Бувайда тумани табиати саховатли, йилнинг ҳар қайси фаслида ҳам марҳаматини аямайди. Гўшанинг ҳар қарич ерида кишини қувонтирадиган яратувчилик ишлари кўзга ташланмоқда. Бугун дастурхону бозорларимиздаги файзу баракада ерга меҳр бериб, заҳматли меҳнат эвазига ризқ ундираётган томорқа эгаларининг ҳиссаси нечоғли салмоқли экани барчамизга яхши маълум.

— Мавжуд 519 хонадон ҳисобидаги 23,6 гектар томорқанинг ҳар бир сотихидан олинадиган даромад йилдан-йилга ортиб бормоқда, — дейди “Бештерак” маҳалласи раиси Илҳомжон Аҳмадалиев. — Эндиликда кам таъминланган оилалар сони кескин камаймоқда.

— Маҳалламиздаги ҳар бир хонадон, қолаверса, ҳар бир фуқаронинг бандлигини таъминлашда томорқачилик имкониятларидан

оладиган томорқа эгаларининг сони йилдан-йилга ортиб бораёпти.

Муҳаммаджон томорқачиликнинг силарини пухта эгаллаб, оиласининг фаровонлиги таъминлаб келмоқда. Ҳовлидаги яшнаб турган тўқсонбости экинлар, яхши парваришlash ҳисобига кўкка бўй чўзаётган ҳар хил сабзавотлар, турли мевали дарахтлар ва узумнинг саранавлари уйғунлашиб хонадонга файз бағишлаб турибди.



Имомназар Рўзалиев, Моҳира Тожибоева, Муҳаммаджон Нишонов.

фойдаланишимиз ҳисобига, шунингдек, иқтисодийетимизнинг қатор соҳалари ишлаб чиқаришини уй шароитида ташкил этиб, келгусида уй хўжаликлари ташкил этиш бўйича иш олиб бораёпмиз, — дейди маҳалла фаоли Моҳира Тожибоева. — Томорқачиликда илм-фан ютуқларини, илғор тажрибаларни жорий этиш баробарида ердан фойдаланиш самарадорлиги ортмоқда.

Маҳалла раҳбари, фаоллари ҳар соҳада фуқароларга ўрнатилган бўлишлари муҳим аҳамиятга эга. Моҳира опанинг хонадонидан тўқсонбости экинларнинг яшнаб туриши, мевали дарахтларнинг чиройли шакл берилганлиги чорва молларининг яйраб юриши бир қарашданоқ кишига кўтаринкилик бахш этади.

— Ўтган йили томорқамиздан 37 млн. сўм даромад олган эдик, — дея сўзида давом этди хонадон соҳибаси. — Ҳозирда нафақат бизнинг ҳовлимиз, балки бутун маҳалла ҳудудидаги томорқалар яшнаб турибди. Йилига 3–4 мартагача ердан ҳосил

Бинобарин, мамлакатимизда аҳолининг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлашга ҳисса қўшаётган томорқа ер эгалари учун қулайликлар яратиш, фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кенгайтириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 9 октябрдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлаётир.

— Томорқадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида паррандачиликни йўлга қўйганлигимиз боис, ўтган йили даромадимиз салмоғи сезиларли ортиб, 107 млн. сўмга етди. Жорий йилда паррандалар бош сонини 5 мингтага

етказиш бўйича аниқ режалар асосида ҳаракат қилаёпмиз, — дейди Муҳаммаджон Нишонов. — Иссиқхона қуриш бўйича ҳам амалий ишларни бошлаб юборганмиз.

Бештерак маҳалласида Имомназар акани аввало намунали хонадон соҳиби, уста соҳибкор қолаверса, чорвачилик билимдони, энг асосийси, яхши инсон сифатида ҳурмат билан тилга олишади.

— Хонадон томорқачилигида мўл, экологик тоза сабзавот ва мевалар етиштириш учун аввало чорвачиликни ривожлантириш керак. Экинларни озиклантиришда фақат органик ўғитлардан фойдаланиш йўли билан инсон организми учун фойдали қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилади, — дейди Имомназар Рўзалиев. — Албатта, самарадорлик юқори бўлиши учун боқилаётган чорва молларининг

зотини тўғри танлаш, зооветеринария қоидалари асосида парваришlashни йўлга қўйиш керак.

Мевали дарахтларни бир текис ўсиб-ривожланиши, зараркунанда касалликларга чалинмаслиги ҳосилни бешикаст йиғиб-тегиб олиш бевосита дарахтга шакл бериш усулига боғлиқ.

Соҳибкорнинг бу борадаги тажрибаси таҳсинга лойиқ.

Тупроқ ҳар йили кўп миқдорда озика моддаларни йўқотади. Мева дарахтлари, органик мода, миқдори ва микроўғитларга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш, мўл, барқарор ҳосил олиш ҳамда нормал унумдорликни сақлаб туриш учун тупроқнинг илдизли қатламларига ҳар йили етарли миқдорда органик-минерал ўғитлар солинади.

Бир сўз билан айтганда, томорқа экинларига, чорвачиликка, қолаверса, хонадон шароитидаги аграр соҳанинг барча жабҳаларига қишлоқ хўжалигининг илмий асосларини, илғорлар, шунингдек, хориж тажрибаларини кенг жорий этмасдан ишончли, салмоқли натижаларга эришиб бўлмайди. Демакки, томорқадан оқилона фойдаланиш эл-юрт тўқинлигига ҳисса қўшиш салмоғини оширади

Ўз мухбиримиз.

БОҒНИ БОҚСАНГ БОҒ БЎЛУР

Тўрақўргонликларни Фарғона водийсида тадбиркор деҳқон ва уста боғбон сифатида яхши билишади. Кўхна Ахси аҳолиси асрлар давомида ушбу соҳанинг сир-асрорларини пухта ўзлаштириб, такомиллаштириб келаётганликлари сабабли Наманган вилоятининг энг сара мева-сабзавотлари айнан шу туман ҳиссасига тўғри келади. Каримберди Ғиёсовни туман аҳли “боғдорчиликнинг ҳадисини олган инсон” дея ҳурмат қилишади. Дарҳақиқат, Каримберди ака вилоят ва республика миқёсидаги кўплаб танловларда иштирок этиб, совриндорлар сафидан жой олган. Айниқса, республикамызда гилос навларини кўпайтириш ва улардан сара ва сифатли маҳсулотлар олиш суҳбатдошимизнинг энг сеvimли машғулотли.

— Каримберди ака, маълумки республикамызда томоққалардан, фермер ва деҳқон хўжалиги экин майдонларидан унумли фойдаланиш борасида талайгина диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Лекин биринчи бор ушбу ишга қўл ураётганлар экин майдонларига қандай кўчатлар экиш юзасидан кўп ўйланишади.

— Мамлакатимиз тупроқ-иқлим шароитида кўплаб мевали дарахтларни кўкартириб, ҳосил олиш мумкин. Лекин кўзланган ҳосилни олиш учун, албатта, ернинг ҳолатини мукамал ўрганиш лозим. Нисбатан захкаш майдонларга олма, узум, анжир, хурмо каби мевали дарахтларнинг мослаштирилган навларини экиб, кўнгилдагидай ҳосил олса бўлади. Аммо гилос, ўрик, анор етиштиришда ер шағали бўлсада, қуруқ бўлса мақсадга мувофиқдир. Бизнинг 5,35 га экин майдони бўлган “Кумидон ўрикзори” боғдорчилик фермер хўжалигимиз мана шундай майдонларда жойлашган.

— Гилос етиштириш сир-саноатлари ҳақида тўхталсангиз.

— Гилос кўчатларини экишдан аввал албатта ерни калийли ва фосфорли ўғитлар билан озиқлантириб, кейин ҳайдов қилинади. Сўнгра кўчатлар 4x4 шаклида ўтқазилади. Шунда кўчатларга ёшлигида горизонтал ва вертикал усулда техник ишлов бериш мумкин бўлади. Натижада кўчатлар ости яхшилаб юмшатилади ва бегона ўт-ўланлардан тоза бўлади. Гилос кўчатлари 4–5 йилда мевага киради. Бу вақт уларнинг орасига турли хил кўчатлар ва полиз экинлари экиш мумкин.

— Даладаги деярли барча кўчатлар бир хил кўринишга эга экан.

— Олма, шафтоли кўчатларига баҳорда шакл берилади. Гилос ва ўрик кўчатларига меваси териб олингандан сўнг берилади. Мақсад меваси узиб олингандан сўнг дарахт шоҳлари ўсишга ҳаракат бошлайди. Шу пайтда ўғит берилиб, ҳосил шоҳлари қолдирилади-да, қолгани кесиб ташланади. Натижада берилган ўғит ҳосил куртаклари учун хизмат қилади. Кузги тиним даври бошлангунча келгуси ҳосил учун тайёр куртаклар етилади. Агар шу пайтда ўғитдан қизғанилса, куртаклар ҳар хил ривожланиб, ҳосилнинг турли-туман бўлиб қолишига олиб келади. Февраль ойига келиб, кўчатлар остига фосфорли, калийли ва азотли ўғитлар берилади. Шу орада 15 февралдан кўчатларга замбуруғли касалликларга қарши Бордо суюқлиги сепиб чиқамиз. Агар ушбу

ишлар ўз вақтида амалга оширилмаса, кўчатлар шоҳлари ўсиб кетади. Ундан сўнг эса ҳосил сифатини назорат қилиб бўлмай қолади.

— Кўчатларингизнинг шоҳлари ранги эътиборимизни тортди. Одатда барча кўчатларнинг ранги танаси билан бир хил бўларди?

— Тўғри, маҳаллий навларнинг кўпчилиги чанглатувчини талаб қилмайди. Лекин ҳозирги кунда сара ҳосил олиб даромад

топаман деган боғбон албатта чанглатувчи экиши шарт. Кўпгина ҳамкасбларимиз 4–5 тупдан сўнг бир туп чанглатувчи кўчат экишади. Биз сал бошқачароқ усулни қўлладик, яъни “Волевое сердце” (Тошкент гилоси) га маҳаллий қора чўтир гилосни чанглатувчи сифатида зиг-заг шаклида искана пайванд қилдик. Бу усул биз учун самарали бўлди. Гилосларимизнинг ҳосилдорлиги ва сифати ошди. Албатта, чанглатувчини ҳам қуёш нури ёрқин тушадиган еридан танлаймиз. Шунда у ҳам ўсиб ҳосил беради. Чўтир гилос ранги тиниқлиги ва ширинлиги билан харидоргир. Ундан турли хил ширинликлар тайёрласа ҳам, қишга консервалаб сақласа ҳам бўлади.

— Сизнинг хўжалигингиз чет давлатларга гилос экспорт қилиш бўйича ҳам туманда салмоқли малакага эга экан. Одатда кўплаб боғбонлар тезда ҳосилни узиб, қиммат нархда сотишга ҳаракат қилишади.

— Гилос мевасини экспорт қилишда шошма-шошарликка йўл қўйилмаслик керак. Чунки бу дарахт мевалари одатда 3–4 мартага узиб олинади. Сабаби, гилоснинг мевалари юқоридан пишиб етилади. Шунинг учун биринчи юқоридаги ҳосилнинг 25–30 фоизи пишганда узилади. Сўнгра пастдаги ҳосилнинг пишишига қараб узиб тушилади. Гилос серсув бўлса, қўшалок бўлиб қолади. Бундай ҳосил ҳам ажратиб олиб ташланади. Сўнгра салқин жойда ичи тўрт қисмга ажратилган яшиқларнинг ичига солинган қоғозга ўраб жойлаштирилади. Бунда ҳосилнинг бир хиллиги қатъий назоратга олинади. Бизнинг маҳсулотларимиз қуёшли ўлкада етиштирилганлиги сабабли дунёнинг барча давлатларининг маҳсулотлари билан рақобатлаша олади.

— Боғдан олаётган даромадингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Албатта, даромад меҳнатнинг ортидан келади. Боғбон боғига меҳрини бериб, барча агротехник тадбирларни ўз вақтида самарали амалга оширса, йилига 4–5 ёшли боғдан 5–6 тонна ҳосил олиши мумкин. Бу ҳар килоси ўртача 10000 сўмдан баҳоланганда 50–60 миллион сўм демакдир.

— Каримберди ака, мароқли суҳбатингиз учун раҳмат. Албатта, журналхонларимизга сизнинг ушбу маслаҳатларингиз асқотади деган умиддамиз.

К.ХАЙИТБОЙ,
ўз мухбиримиз.

Суратда: Каримберди Ғиёсов.



ҚАРАФС: ЁҚИМЛИ, МАЗАЛИ ВА ФОЙДАЛИ

Қарафс (сельдерей) нинг барги ва илдизмеваси таом тайёрлашда ўзига хос ҳидли зиравор сифатида ишлатилади. Янги узилган барги ва илдизмеваси салатлар, сабзавотли, суюқ ва қуюқ таомлар, соуслар тайёрлашда фойдаланилади. Янги йирилган, қуритилган, тузланган барги ва илдизмеваси зиравор сифатида консерваларга солинади. Қарафс қайси таомга солинамасин, унга ўзига хос бўлган ёқимли ҳид ва маза беради.



Қарафс барги ва илдизмеваси таркибида қандлар, органик моддалар, эфир мойи, флавоноидлар, аспарагин, холин, витаминлар (С, В₁, В₂, РР, Е ва К), каротин, фолат кислоталар, минерал тузлар ва бошқа моддалар мавжуд. Меваси таркибида 2–6% эфир мойи, илдизмевасида 400 мг/% калий тузи бор.

Халқ табобатида қадимдан қарафснинг янги қовланган илдизмеваси ва янги узилган баргидан ҳамда донидан тайёрланган дамлама буйрак касалликлари, простата безининг яллиғланиши, подагра, дерматитни даволашда ҳамда сийдик ҳайдовчи, тинчлатирувчи ва иштаҳа очувчи восита сифатида қўлланилади. Уни ичак фаолияти сусайганда ва сурункали қабзиятда истеъмол қилиш яхши самара беради. Улардан тайёрланган дамламалар овқат ҳазм бўлишини яхшилайди.

Қарафс соябон гулдошлар оиласига мансуб икки йиллик ўсимлик. Биринчи йили у илдиз ёки илдизмева ва тупбарг барглари ҳосил қилади ҳамда иккинчи йили гулдор поя, гул ва уруғ шакллантиради.

Қарафснинг экин сифатида 3 та тури: илдизи, барг банди ва барги учун етиштириладиган хиллари бор.

Илдизи учун экиладиган қарафс биринчи йилиёқ ейишга яроқли илдизмева ва тупбарг ҳосил қилади. У айниқса Россияда кенг тарқалган бўлиб, Германиядан келтирилганлиги учун немецкий дейилади. Ранги қорамтир-кўк, йилтироқ. Банди қовурғасимон, ичи бўш.

Барг бандли қарафс Хитой ва Америкада оммабон экин ҳисобланади. Илдизи кучли ривожланган ва истеъмол учун аҳамияти йўқ. Турли навлар баргининг ранги рангсиздан то сариқ-қорамтир кўккача кўринишда бўлади. Банди кенг, ширали, гўштдор, кўп ҳолларда оч ёки ярқираган кўк.

Барги учун ўстириладиган қарафс ёки юлма сельдерейнинг

ўсув нуқтаси кўп бўлганлиги сабабли катта миқдорда тупбарг емишбоп барга барглари ҳосил қилади. Ушбу морфологик хусусияти туйғайли кесилгандан сўнг тез кунда янги барглари ўсиб чиқади.

Гул кўп миқдорда, жуда майда. Гултожи бешта гултож барглари иборат.

Меваси – қўшалок данак мевали бўлиб, пишиб етилганда майда алоҳида уруғларга ажралиб кетади. Уруғининг узунлиги 1–1,5 мм, эни ва қалинлиги 0,5–0,75 мм, 1000 донасининг вазни 0,4–0,8 г. У биртекис пишмаганлиги учун соябони танлаб-танлаб, уруғи кулранг – кўкимтир тус олганда йиғиштирилади.

Қарафс совуққа нисбатан чидамли ўсимлик. Ниҳоллари қисқа муддатли -4°C совуққа чидайдди, ривожланган ўсимликлари -6°C га ҳам бардош беради. Ушбу экин учун ҳаво ҳарорати мўътадил (16–21°C) ва ҳавонинг нисбий намлиги 70% бўлгани маъқул. У ёруғ ва очик ерларда яхши ўсади, тупроқ унумдорлигига, айниқса, азотга талабчан. Органик моддаларга бой, сизот сувлари чуқур бўлган тупроқларда яхши ўсиб-ривожланади.

Республикамизда қарафснинг фақат битта – “Сергбарг” нави 2008 йилда Давлат реестрига киритилган. Олдинлари илдизмевали қарафснинг ўртапишар “Яблочный” нави экилган. Унинг илдизмеваси думалоқ, кулрангли, ўртача вазни 150–200 г.

Парваришlash агротехикаси. Кузда 1 м² ерга 6–8 кг органик ўғит, 30–40 г дан аммоний ва калий ўғити, 40–50 г суперфосфат солиб ҳайдалади. Қарафснинг ўсув даври узун бўлганлиги сабабли ундан кўчат тайёрлаб етиштирилади. Уруғнинг униб чиқишини тезлаштириш мақсадида 45°C ли сувда (сув кунига 3–4 марта алмаштирилади) уч кун давомда ивителиди. Бўртган уруғ бирор мато устига тўкилади. Устига ҳам бирор мато ёпиб қўйилади ҳамда ҳарорати 18–22°C хона-

да биринчи ўсимта пайдо бўлгунча икки ҳафта ушлаб турилади. Экишдан олдин уруғ қуруқ қум билан аралаштирилади.

Тўрт-беш кишидан иборат оила учун 40–50 туп қарафс етиштирилиши кифоя. Уни дераза тоқчасида ҳам етиштириш мумкин. Уруғлар февраль ойида экилади. 5–6 та чинбарг чиқарган 60–80 кунлик кўчат очик ерга апрель ойида экилади. Кўчатларни экиш схемаси: эгат оралиғи 65–70 см ва қатордаги ўсимликлар ораси 18–20 см. Кўчат нимжон бўлса ёки тупроқда озиқа элементлар кам бўлса 10 л сувга 20–25 г дан аммиакли селитра, суперфосфат ва калий солиб озиқлантирилади.

Қарафс парваришlashда кўп марта ўтоқ қилиш, тупроқни юмшатиш, суғориш, озиқлантириш ишлари бажарилади. Суғориш кунлари бир хил бўлиши ва доимо суғориб турилиши керак. Илдизмевалари жадал ўсаётган фазада, ўсишнинг охириги ойларида ўсимлик кўп сув талаб қилади.

Ўсимлик барглари туташгунча қатор оралиғига ишлов бериш тўхтатилади. Ёнларидан илдиз чиқиб кетмаслиги учун, одатда илдизли сельдерейнинг қатор орасини чопиб, тупроқ тортилмайди.

Бандли ва баргли сельдерейни парваришlash технологияси илдизмевали туридан кам фарқ қилади. Очик тупроққа кўчат қалинроқ экилади: қаторлар ораси 40–45 см, қатордаги ўсимликлар ораси 15–20 см. Ҳосилни йиғиштиришга 2–3 ҳафта қолганда бандли қарафс тагига тупроқ тортилади. Шунда улар кўм-кўк бўлиб, таркибида В каротин миқдори кўп бўлади. Қора совуқлар бошлангунча ҳосил йиғиштириб олинади.

Б.АЗИМОВ,
профессор,

Р.АЗИМОВ,
тадқиқотчи.

СЕДАНА ЁКИ СИЁХДОНА ҚАНДАЙ ЎСИМЛИК?

Ўзбекчада седана, арабчада шуниз, форсчада сиёхдона, яъни қора дона, русчада чернушка посевная, лотинчада *nigella sativa* деб аталувчи бу ўсимлик ҳақида самарқандлик нонвойлар жуда яхши билади. Чунки Самарқанднинг энг сара нонлари юзида доимо седана уруғи сепилган бўлади. Седанали ноннинг калорияси юқори, организмда яхши ҳазм бўлади. Шунингдек, бодларни суради, ич кетишини тўхтади, босинқираб ухлаш, хотира фаромушлиги, бош айланиши, кўз тиниши каби хасталикларда жуда фойдалидир. Шу боис қадимдан самарқандлик нонвойлар ва аксарият аҳоли ўзларининг томорқаларда седана етиштиришади.

Рус академиги Н.И.Вавиловнинг “Беш қитъа” китобида келтирилишича, седана ўсимлигининг ватани Ўзбекистон ҳисобланади. Юртимизнинг кўпгина жойларида седана ёввойи ҳолда ўсади. Демак, бу ўсимлик тупроқ талаб қилмайдиган экинлар турига киради.

Седана айиқтовонгуллилар оиласига мансуб ягона заҳарли бўлмаган, истеъмол қилиш мумкин бўлган, бир йиллик ўсимлик ҳисобланади. Маълумки, айиқтовонгуллилар оиласига мансуб ўсимликларнинг кўпчилиги заҳарлидир. Седана уруғлари эрта баҳорда экилади. Бўйи баланд эмас, 30–70 см, барглари яшил рангда бўлиб, оқ ёки ҳаворанг гуллари бор. Битта пояда 25–30 тагача гул ҳосил бўлади. Уруғлар кичкина кўсакчада сақланиб, ранги қора тусда бўлганлиги учун ташқи томондан пиёзнинг уруғига ўхшаб кетади. Уруғи чайнаб кўрилганда, унинг аччиқроқ таъмини ҳис қилиш мумкин.

Седана ўсимлигини ёввойи ҳолда тоғ ёнбағирларида учратиш мумкин. Маданий ўсимлик сифатида Европа, Америка, Осиё қитъаларида ўстирилади.

Седана барглариининг таркибида С витамини кўп сақлангани учун фойдали ҳисобланади. Францияда седана қирол буйруғига кўра зиравор сифатида ўрта асрларда боғда ўстирилган ва уруғлари олинган. Кузда кўпгина маҳсулотларни тузлашда ҳам седана уруғларидан фойдаланилади. Ҳиди хушбўй бўлгани учун парфюмерияда ва атир совунлар тайёрлашда хомашё бўлади. Седана уруғларини чайнаб, эзиб, қовуриб, дамлама қилиб, суртиб ишлатиш мумкин.

Седана уруғларидан олинган мой табобатда ишлатилади. Парҳез қилишда ҳам седана уруғидан фойдаланиш мумкин. Бу ўсимлик жуда фойдали бўлиб, у инсонлар соғлигини тиклашда катта аҳамиятга эга.

Седана уруғлари пиёз уруғи сингари қаттиқ бўлгани учун, уни тупроқда нам борлиги вақтида экиш лозим. Уруғини ҳаво ҳарорати 3–5°C бўлганда экиш мумкин. Тупроқ танламайди, озуқа моддалар кам бўлган шўрланган

тупроқларда ҳам яхши ўсади. Кислота-си юқори ва ўтлоқ-ботқоқ тупроқларда унчалик яхши ўсмайди. Уруғлари 1,5–2,0 см чуқурликка ташланиб, 10–12 кунда униб чиқади.

Биологик хусусиятига кўра дастлабки пайтда секин ривожланади. Униб чиққан майсалар бўйи 8–10 см бўлганда биринчи марта культивация қили-



нади. Иккинчи культивация бўйининг баландлиги 15 см. дан ошгандан сўнг ўтказилади. Қатор ораларини 45–60 см қилиб экиш ижобий натижа беради. Тупроқнинг намига қараб ўсув даврида 4–6 марта сўғорилади. Гуллаш пайтида сув бериш унинг ҳосилдорлик кўрсаткичини белгилайди. Бошқа фазаларга қараганда гуллаш фазаси нисбатан чўзилган бўлади. Қатқалоқ бўлишга йўл қўймастик керак. Органик ва минерал ўғитларга талабчан бўлади, озиклантирилса яхши ўсиб, ҳосилдорлиги ошади.

Май ойида тўлик гуллайди. Қадимги ёзувларда седананинг арпа ва бугдой билан ёнма-ён экилгани ва уларнинг бир муддатда пишиб етилганлиги ҳақида маълумотлар учрайди. Шимолий худудларда ўсув даври чўзилиб кетади, аммо юртимизнинг иқлим шароитида тез пишиб етилади. Пишганда уни дасталарга боғлаб йиғиб олинади ва кейин уруғлари қоқиб олинади.

Седана истеъмол қилган инсон ўзини узоқ вақт барча хасталиклардан халос қилган бўлади. Чунки седана инсондаги барча касалликларга даво ҳисоб-

ланади. Кунда седана еб юрган инсон узоқ умр кўради ва соғлом бўлади.

Буюк табиб бобомиз ибн Сино седана уруғининг майдаланган талқонини сўғал, турли хил доғлар ва юздаги тошмаларга қўйилганда яхши натижа беришини қайд этган. Шунингдек, у тери касалликларини ҳам седана ёрдамида даволаган.

Тиббий манбаларда таъкидланишича, қанд касалига учраган инсонлар уни истеъмол қилса, ошқозонности безининг фаолиятини яхшилайти ва қанд моддасининг ичкака сўрилишини камайтиради. Диабетга чалинган инсонлар седана еб юрганларида яхши натижа беради.

Асал билан седана уруғини кўшиб ейиш ва дамламасини ичиш натижасида буйрак ва ўт қоғидаги тошлар майдаланади ва чиқиб кетади.

Седана дамламасини узоқ вақт мобайнида ичиб юрган инсонларда юрак фаолияти ва қон босими меъёрида бўлади. Шунингдек, қондаги холестерин миқдори нормалашади. Пояси ва барглари ҳам даво бўлиб, улардан тайёрланган дамлама юрак тез урганда су-сайтиради.

Седана уруғи таркибидаги тимохин моддаси рак ҳужайраларининг ўсишини тўхтади, айниқса, ошқозон ости безларида учрайдиган шишларни тез кичрайтиради.

Шунингдек, седана бавосилни ҳам осон даволайди. Бунинг учун бир грамм миқдордаги седанани қовуриб, кейин эзиб вазелин ёки болалар кремига аралаштириб, бир кунда уч марта орқа маъқадга қўйилади. Тибетлик табиблар эса седана билан болалардаги куёнчиқ (эпилепсия), орқа мианин зарарланиши, склероз ва паркинсон касалликларини даволашган.

Седана уруғини сарийёга аралаштириб, нон орасига солиб ейиш ҳам бош оғриғи ва бошдаги ўсмаларни йўқотишда яхши ёрдам беради. Седана инсон организмда иммун тизимини кўтаради ва эндокрин безларининг фаолиятини яхшилайти, ҳужайраларда энергия ва модда алмашинувининг боришини яхшилайти.

Седана ҳақида Муҳаммад пайғамбаримиз “Қора седанада ўлимдан бошқа ҳамма дардларга даво бор”, деб марҳамат қилганлар. Шу боис дунёнинг кўпгина мамлакатларида седанага талаб жуда юқори. Шундай экан, седанани кўп миқдорда етиштириб халқимизнинг доривор седанага бўлган эҳтиёжини қондиришимиз, ортиқча қисмини хорижга экспорт қилишимиз мумкин.

Д. ЁРМАТОВА,
профессор, (ЎзДЖТУ).

УРУҒЛИК ЛАВЛАГИ ЕТИШТИРИШ

Studying the soil climate condition of Zarafshan valley, from root fruit plant especially from beet root, it gives the choice of taking plentiful crop by working on the raw land in winters of every year we may accomplish by planting the taking seed in different temperature measures.

Маълумки, Зарафшон воҳасининг тупроқ-иқлим шароити ил-дизмевалилар, хусусан, хашаки ва ош лавлагини уруғлик учун нафақат баҳор-ёз, балки куз-қиш даврида ҳам етиштириш имкониятини беради [1].

Дарҳақиқат, ёз давридаги тупроқ-иқлим шароити куз-қиш ва эрта баҳор давридаги нисбатан қулай бўлади, яъни лавлага баҳорда асосий экинлар билан ўстирилганда муайян қийинчиликлар (экишга ишлов бериш, ўғитлаш, суғориш, техника ва ишчи кучидан фойдаланиш ҳамда бошқ.) бўлса, куз-қиш, баҳор даврида дала ишларининг камлиги эвазига техникавий ишчи кучлардан бошқа моддий-техник ресурслардан фойдаланиш имконияти туғилади.

Бундан ташқари Л.Н.Бабушкин ва бошқалар (1985) фикрига қўра, айнан куз-қиш ва эрта баҳор даврида экинларни экиб ўстиришнинг имконияти Зарафшон воҳаси шароитида ҳароратнинг куз даврида ўртача 8–12°C, қиш ойларида 5–7°C ва эрта баҳордан ёзга қадар 10–14°C, ёғингарчилик миқдорининг 65–75 фоизи шу даврга тўғри келиши, ҳавонинг нисбий намлиги эса 40–42 фоиздан 72–75 фоизга қадар кўтарилиши лавлагини баҳор-ёзда эмас, балки куз-қиш ва эрта баҳорда ўстиришга имкон яратади.

Шуларни инобатга олган ҳолда биз 2016–2017 йиллар мобайнида Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти Самарқанд илмий-тажриба станцияси шароитида хашаки лавлагининг “Ўзбекистон-83” ва ош лавлагининг “Бардо-237” навларини сентябрь ойида уруғликка экиш бўйича дала тажрибалари ўтказдик.

Тайлоқ тумани шароитида уруғлар 3 муддатда ва меъёрда, қатор оралари 70 см қилиб 3,5–4 см чуқурликда СОН-2,8 русумли сеялка билан экилди. Ҳар бир майдон-

чанинг умумий сатҳи 100 м², ҳисобланган қисми 50 м² бўлгани ҳолда, тўрт такрорли, бир погонали қилиб жойлаштирилди. Дала тажрибаларимизда барча кузатув, таҳлил, биометрик ўлчаш ишлари умумқабул қилинган услублар асосида олиб борилди. Шу даврда турли хил ҳарорат ва етарли намлик миқдори уруғларнинг 5–7 кунда униб чиқишини таъминлади ва қатор оралари билиниши биланоқ 6–8 см чуқурликда техника ёрдамида ишлов берилиб 1–2 жуфт барг ҳосил қилганда ягана ўтказилиб, чопиқ қилинди ҳамда бегона ўтлардан тозаланди. Қишга қадар 600–650 м³/га меъёрда 2 марта суғорилиб, ишлов берилди.



Кузатувларимиз шуни кўрсатдики, хашаки ва ош лавлага ҳаво ҳароратининг пасайиб, бир маромга келиши, яъни декабрь ойининг бошига қадар экиш муддати ва меъёрларига қараб ўртача 12–17 см узунликдаги илдизлар, 8–12 дона яхши ривожланган барглари ҳосил қилган ҳолда қиш даврида рўй берадиган тиним ҳолатига кетади. Бу ўртача 32–38 кун давом этиб, ҳаво ҳарорати ўртача 0–8°C да яхши ўтади ва шу даврда хужайра таркибида қанд миқдори ортиб, улар қишнинг ноқулай об-ҳаво шароитларига ўзини тайёрлайди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, лавлага илдиз-мева ва барглари илиқ кунлар давридан фойдаланиш эвазига ўсиш жараёни март ойининг бошига қадар

давом этса-да, аммо уларнинг баравж ривожланиши март ва апрель ойларига тўғри келади.

Тажрибаларимизда лавлагининг қишлаш даражаси вариантлар бўйича 88–92 фоизни ташкил этиши, шубҳасиз, қиш даврида тупроқнинг ҳайдалма қатламида ижобий ҳарорат борлигидан далолат беради. Бизнинг кузатувларимиз бўйича декабрь ойининг бошида ер юзасининг 0–10 см қатламида тупроқ ҳарорати 5–7°C бўлгани ҳолда, январь-февраль ойида бу нисбатан 2–3°C кам бўлса-да, бироқ март ойдан бошлаб тупроқ грунтдаги ҳарорат 10–12°C бўлиши кузатилди.

Тажрибаларимизда апрель ойдан лавлага гулпоялар ҳосил қилган бўлса, май ойида 20–25 донгача барглари шакллантириб гуллаш даври вариантлар бўйича 15–17 майдан 22 июнга қадар давом этди ва шу тариқа уруғлар июнь ойининг охирида пишиш даврини ўтади.

Тажрибаларимизда хашаки лавлагидан вариантларга қараб ўртача 27–29 ц/га уруғ олинган бўлса, ош лавлагидан 2,5–3,0 ц/га нисбатан кам ҳосил олишга эришилди. Таъкидлаш керакки, кўчатсиз усулда уруғлик лавлагини ўстиришда нафақат ҳосилдорлик, балки уруғларнинг сифати ҳам юқори бўлишлиги кузатилди ва агар хашаки лавлага уруғларининг униб чиққанлиги 90–94% бўлса, ош лавлагада 94–96 фоизни ташкил этди. Минг дона уруғ вазни эса ўртача 18,2–21,2% бўлиши кузатилди.

Шундай қилиб, Зарафшон воҳаси шароитида уруғлик лавлагини қиш фаслида ҳам ўстириб юқори ҳамда сифатли уруғ етиштиришнинг аниқ имкониятлари мавжуд эканлиги исботланди.

Ф.РАХИМОВ,
катта ўқитувчи,
Х.БОТИРОВ,
қ.х.ф.д., (СамДУ).

АДАБИЁТЛАР

1. Х.Ф.Ботиров. Зарафшон воҳасида қишқи дала экинларини ўстириш технологияси. — Самарқанд, 1997. — Б. 342.
2. Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в полевых хлопковых районах. — Т., 1981. — 437 с.

МЕВАЛИ БОҒЛАРДА УЧРАЙДИГАН ЭНТОМОФАГЛАРНИНГ ДОМИНАНТ ТУРЛАРИНИНГ СИСТЕМАТИК ТАҲЛИЛИ

The development of entomofauna in orchards and their correlation in forming has a great impact, and it greatly influences to the number of phitofags. During our observations of entomophags orchard in agrobiocenosis indentified 24 dominant sorts which belong to families. Moreover, researches of entomophags shov 24 dominant sorts which belong to 7 families. Besides that we have analysed the shave of entomophag varieties conctrning the entomophags.

Қишлоқ хўжалигида етиштири-
лаётган боғдорчилик маҳсулотла-
рининг муайян қисми зараркунан-
далар туфайли бой берилаётганли-
ги ҳаммамизга маълум. Айниқса,
кейинги йилларда барг ўровчилар
ва мевахўрларнинг таъсири катта
бўлмоқда. Биргина олма мевахўри
тарқалиши оқибатида айрим йил-
лари меванинг 75–80 фоизи нобуд
бўлиши кузатишмоқда. Зараркунан-
даларга қарши курашишда биоло-
гик усуллардан фойдаланиш бугун-
ги куннинг талабларидан биридир.
Бунинг учун агробиоценозда энто-
мофаунани шакллантириш ва зар-
аркунанда турига қараб энтомо-
фаг турларини қўллаш муҳимдир.

Боғдорчиликда паразит тухумхўр
энтомофаглар зараркунандалар
сонини 70 фоизгача камайтириш
имконига эга [3]. Марказий Осиёда
браконидлар оиласига мансуб па-
разитларнинг 17 тури, ихнеомо-
нидларнинг эса 34 тури учраши
аниқланган [4].

Табиатда 14 туркумга кирувчи 224
оиллага мансуб 10 000 дан ортиқ
энтомофаг турлари аниқланган
бўлиб, шулардан 70 фоизи энто-
мофаглар агробиоценоздаги энг
ҳаво зараркунандалар билан озиқ-
ланади [1].

Мевали боғлар бўйича ўтказилган
кузатувларга кўра, фойдали ҳашарот
турлари ва сони бўйича ҳисоб қилин-
ди. Унда экинларида учрайдиган йирт-
қич ва паразит энтомофаглар, улар-
нинг хўжайралари ўрганилди. Шун-
дан айрим самарали турларни лабо-
раторияда кўпайтириш, қўллаш тех-
нологияси ишлаб чиқилди ва боғдор-
чилик фермер хўжалиқларига жорий
этилмоқда.

Бу борадаги кузатушларимиз
Избоскан туманидаги айрим боғ-
дорчилик фермер хўжалиқлари
майдонларида олиб борилди. Эрта
бахорда энтомофаг ва фитофаглар-
нинг қишлоқдан чиқиши, боғда эн-
томофаунанинг шаклланиши, аре-

алидаги турлар зичлигининг шаро-
итга қараб ўзгариши каби жараён-
лар аниқланиб, энтомофаглар за-
хирасини шакллантириш ишлари
бажарилди. Энтомофаг ва фитофаг-
лар намунали йиғинда энтомоло-
гик турлар ва БУФ ёруғлик тутқич-
лардан фойдаланилди. Йиғилган
намуналар лаборатория шароити-
да аниқлагичлар бўйича система-
тик таҳлил қилинди.

Йиғилган маълумотларга кўра,
ҳисоб қилинганда паразит энтомофаг-
ларнинг йиртқич энтомофагларга
нисбатан кўплиги аниқланди. Бунда
Tachinidae оиласи 16,2 фоизни таш-
кил қилиб, доминант турлар сифа-
тида Exorista tarvarum, Exasnthaspis,
Gonia cilipecta, Spallanzania hebes,
Tachina rohndendorfi қайд этилди. Унга
кўра, braconidae оиласи 42,4 фоизни
ташқил қилиб, доминант турлар си-
фатида Apanteles talengai A. Vanessae:
A. Spectabilis, Bracon hebetor, Rogas
dimidiatus, R.pallidator, R.rossicus
қайд этилди.

Ichnumonidd оиласи вакиллари
бошқа паразит энтомофагларга нис-
батан кўп учраб, жами энтомофаг-
ларнинг 18,6 фоизини ташқил этди.
Бунга асосий сабаб, ушбу турга оид
хўжайин турларининг кўплиги ва бир
паразитнинг бир нечта турдаги
хўжайинлар билан озиқланиши ва
иқлим шароитининг қулайлигидир.

Aphelinidae оиласи 9,5 фоизни
ташқил этиб, Praon abjectum,
P.dorsale, Aphidius ecr, Aphelinus
malі турлари доминантлар сифати-
да қайд қилинди.

Coccinellidae оиласи вакиллари
14,7% бўлиб, Coccinella septem-
punctata L., Adonia variegata Gz.,
Coccinula elegantura Ws. доминант тур
сифатида рўйхатга олинди.
Chrysopidae оиласи 18,2 фоизни
ташқил қилиб, доминант тур си-
фатида Chrylsopa cornea Steph.,
Chrysopa septempunctata Wesm.,
Chrusopa albolineata Kill.,
Trichogrammatfdae оиласи умумий

паразитларнинг 8,4 фоизи сифати-
да қайд қилиниб, Trichogramma
evanescens, Trichogramma
embrophagum турлари учради.

Йиғилган турларни лаборатория
шароитида таҳлил этиш жараёнида
энтомофагларнинг хўжайин турла-
ри ҳам ўрганилди. Бунда энтомофаг
турларининг зичлигига қараб зарар-
кунанда турларининг сонини ҳам
аниқлаш мумкин. Бунда озиққа ихти-
сослиги асосий роль ўйнайди. Мисол
учун барг ўровчилар, мевахўрлар-
нинг кўплаб учраши паразит энто-
мофагларнинг кўплаб учрашига са-
баб бўлади. Сўрувчи зараркунандалар-
нинг кўплаб учраши эса йиртқич
энтомофагларни ўзига жалб этади.
Лаборатория шароитида кўпайти-
риш имкони мавжуд турларни
кўпайтириш ва боғдорчиликда кенг
қўллаш технологиялари ишлаб чи-
қилиб, амалиётга жорий этилмоқда.
Унга кўра, етти нуқтаси кўпайтириш
ва қўллаш ўсимлик битларига қарши
афилинидларни сариқ трихограмма-
ни кўпайтириш ва қўллаш, галица-
ни кўпайтириш, йиртқич каналарни
кўпайтириш ва қўллаш ва бошқалар.

Юқорида олинган маълумотлар
боғ энтомофаунасини шаклланти-
риш фитос турларида мутоносиб-
лиги, етишмаган турларни қўшим-
ча чиқариш кабиларни бажариш
учун муҳимдир. Энтомофаунани
шакллантиришда мевали боғларга
экиладиган оралиқ экинларнинг
ҳам аҳамияти катта. Дуккакли экил-
ган боғ майдонларга нисбатан,
беда экилган мевали боғларда эн-
томофауна катта миқдорда тўпла-
нади. Айниқса, энтомофаглар захи-
ра кўп бўлади. Лекин сўрувчи фи-
тофаглар ҳам беда экилган майдон-
ларда кўплаб учрайди, мевали да-
рахтларга зарар етказди.

Б.СУЛАЙМОНОВ,
академик,

М.РАҲМОНОВА,

К.ҲАМДАМОВ,

докторантлар (АндҚХИ).

АДАБИЁТЛАР

1. Саувач А.Х., Мусолин Д.Л. Биология и экология паразитических перепончатокрылые (Нутелпертега: Ароцитга: Parasitica). Санкт Петербург. 2013. - с. 3.
2. Штерншис М.В., Джалилов У., Андреева И.В., Томилова О.Г. Биологическая защита растений. - М.: "Колос". 2004. - с. 101.
3. Хамраев А., Насриддинов К. Ўсимликларни биологик ҳимоялаш. - Тошкент. "Халқ мероси" нашрети. 2003. 212 б.

РЕСПУБЛИКА ХУДУДЛАРИДА ТУПРОҚ ТАРҚАЛИШИ ВА КЛАССИФИКАЦИЯСИНИНГ ИЛМИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

In this article spread of soil and its development levels and the scientific classification of soil was identified.

Республика ҳудудида тупроқ пайдо бўлиши ва тупроқларни классификациялашнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқишга бағишланган изланиш XIX асрлардан бошланган. Йиллар давомида тупроқлар пайдо бўлиш ва ривожланиши тўғрисидаги маълумотларни тўплаш натижасида тупроқ классификациясининг назарий масалалари ҳал қилиб келинди. Бугунги кунда республикамиз ҳудудида тупроқ пайдо бўлиши ва унинг тарқалиш хусусиятлари тўғрисидаги илмий тамойиллар қуйидагича:

1. Кенглик тупроқ-иқлим минтақалар тизимида Ўзбекистоннинг текислик қисми саҳро минтақасига мансуб бўлиб, унда сур тусли қўнғир, қумли саҳро, тақир ва тақирли тупроқлар тарқалган.

Баландлик минтақалар тизимида республиканинг шарқий қисмида тоғ, тоғ олди ва ости текисликларида бўз тупроқлар, ўрта баландликдаги тоғларда жигарранг ва тоғўрмон қўнғир тупроқлар, баланд тоғларда оч-тусли қўнғир ўтлоқдашт тупроқлари ривожланган.

2. Евроосиё ҳудудларини провинцияларга ажратиш тизимида Ўзбекистон Турон ёки Ўрта Осиё тупроқ-иқлим провинциясига кириб, иқлими субореал бўлган Евроосиё шимолий регионларидан ўзининг қуруқ континентал субтропик иқлими ва унга хос бўлган специфик тупроқлари билан характерланади.

3. Кенглик зоналари ва баландлик минтақаларининг зонал автоморф тупроқларига ўзига хос гидроморф тупроқлар қатори тўғри келади. Шунингдек, автоморф ва гидроморф тупроқларнинг айрим белгиларини ўзида акс эттирувчи ўтма тупроқлар ҳам ажратилади.

4. Суғориладиган тупроқлар алоҳида тупроқ типлари сифатида ажратилади, суғориладиган тупроқларнинг таксономик бирликлари ва номи улар қайси зонада тарқалганлиги, автоморф ёки гидроморф шароитда ривожланганлиги ва суғорма деҳқончиликда ишлатилиш натижасида тупроқларнинг қай даражада ўзгарганлиги даражаси билан аниқланади.

Ана шу тамойиллар асосида

Б.В.Горбунов ва Н.В.Кимберглар томонидан Ўзбекистон тупроқларининг классификацияси ва диагностика белгилари аниқлаб берилди (1972, 1975).

Суғориладиган тупроқлар классификациясини яратишда Ўзбекистон тупроқшунослари Б.В.Горбунов ва Н.В.Кимбергларнинг хизматлари катта. Бунда воҳа тупроқлари табиий тупроқ классификацияси схемасига тўлалигича жойлаша олмайдиغان тупроқ группаларини ўз ичига олиши кўрсатиб берилди. Суғориш таъсирида рўёбга чиқадиган органик моддаларнинг синтези, минерализацияси, ерга тушиш шароитининг алмашинуви, иссиқлик, ҳаво ва сув



тартибларининг ўзгариши, ирригацион келтирилмалар аккумуляцияси ва генетик жиҳатдан янги маданий қатламнинг ҳосил бўлиши ва унинг биологик фаолияти ферментлар билан бойиши — воҳа тупроқларини махсус тип сифатида қараб чиқиш лозим эканлигини кўрсатади. Тупроқ ҳосил бўлишининг янги типи суғориш бошланган вақтдан бошланади, деб уқтирадилар. Кейинчалик бу ҳол Г.Н.Минашина томонидан суғориладиган тупроқларнинг классификациясини тузишда ишлатилади. Ҳар минтақада суғоришнинг ўз хусусиятларига эга бўлиши, табиий. Аммо воҳа тупроқлари махсус тупроқ тип сифатида фақат сунъий суғориш табиий ёғин миқдоридан бир неча марта ошгандагина ҳосил бўлиши мумкин. Чунки бу ҳолда суғориш бутун тупроқ ҳосил бўлиш жараёнини ўзгартиради, яъни миқдор ўзгариши сифат ўзгаришига олиб келади. Мўътадил иқлим шароитида эса суғориш табиий ёғинга озроқ қўшимча бўлганлиги туфайли тупроқ ҳосил бўлиш жараёнининг моҳиятини ўзгартирмайди. Шунинг учун ҳам бундай ша-

роитда, масалан “суғориладиган қора тупроқ” деб аташ тўлалигича етарли деб ҳисоблаш мумкин. Шу муносабат билан суғориладиган тупроқларнинг умумий “глобал” классификациясини тузишга зарурият қолдирмайди. Н.Г.Минашининг суғориладиган тупроқлар классификациясида синфлар, типлар тушунчасига тупроқларнинг ишлатилиш хусусиятини аниқловчи қатор атамалар ва кўрсаткичлар (кўриқ, рошли, унчалик қадимдан суғорилмаган ва шу кабилар) киритилган.

Кейинчалик суғориладиган тупроқларга юқори таксономик даражада қараш фикри С.Н.Рыжов ва К.Б.Саакянц, Е.Н.Иванова ва Н.Н.Розовлар томонидан ҳам қабул қилинди. Ўзбекистон суғориладиган тупроқларининг янги классификациясида қуйидаги тупроқ типлари ажратилади:

1. Саҳро минтақасининг ўтлоқи-воҳа тупроқлари;
2. Саҳро минтақасининг ботқоқ-воҳа тупроқлари;
3. Тақир-воҳа тупроқлари;
4. Бўз тупроқлар минтақасининг ботқоқ-воҳа тупроқлари;
5. Бўз тупроқлар минтақаси (пояс) ўтлоқи-воҳа тупроқлари;
6. Бўз воҳа тупроқлари;

Бу тупроқ типлари, кейинчалик қайси тупроқ-иқлим минтақасида тарқалганлиги, суғориш натижасида қай даражада ўзгарганлигига қараб майда таксонларга бўлинади. Чунки, суғориладиган тупроқлар ҳар хил тупроқ-иқлим шароитида ривожланиб, уларда ўша минтақага хос бўлган табиий тупроқларнинг баъзи бир хусусиятлари у ёки бу даражада сақланади. Суғориш жараёнида тупроқларнинг ривожланиш жараёни ҳар хил тупроқ-иқлим минтақаларида ҳар хил кечади. Масалан, саҳро минтақасининг автоморф тупроқларидан бири — сур тусли қўнғир тупроқлар суғорилганда намлик ва биологик жараёнларнинг фаоллашуви ҳисобига улардаги чиринди миқдори ошади. Бўз тупроқлар минтақасининг ўтлоқи тупроқларида эса ишлов бериш ҳисобига аэрация кучланади, чиринди минерализацияси ошади ва улар бир

қисм чириндини йўқотадилар. Маълум бир вақтга келиб бу жараёнлар ўртасида динамик тенглик вужудга келади. Лекин бу ҳол ҳар бир тупроқ минтақасида турли вақт ичида пайдо бўлиши мумкин.

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида, суғориладиган тупроқлар классификациясининг бошланғич ҳоллари қуйидагилар деб ҳисоблаш мумкин:

1. Воҳаларнинг суғориладиган тупроқлари табиий тупроқлардан фарқланиб, мустақил тупроқ тип сифатида қаралиши керак. Улар пайдо бўлиши, маълум бўлган табиий тупроқ ҳосил бўлиш жараёни омилларидан ташқари, антропогенез билан чамбарчас боғлиқ.

2. Улар мустақил тупроқ тип бўлиши билан бирга маълум даражада, аниқ тупроқ-иқлим шароитига, регионларга мансублигини сақлаб қолади.

3. Ҳар бир зонанинг автоморф тупроқларига бир қатор автоморф тупроқлар тўғри келади. Шу билан бирга суғориладиган тупроқлар учун автоморф ва гидроморф режимлар бир қадар шартлидир. Чунки суғориш жараёнида улар махсус ирригация-автоморф, ирригация-гидроморф, ирригация-гидроморф сув тартиби типларига эга бўлади.

4. Суғориладиган тупроқлар мустақил тип сифатида қуруқ ва ўта

қуруқ иқлим минтақаларидагина вужудга келиши мумкин. Фақат бундай жойларда сув миқдори табиий ёғин сувларидан бир неча марта ошганлиги туфайли табиий тупроқ ҳосил бўлиш жараёни тубдан ўзгартириши мумкин.

Ўзбекистоннинг суғориладиган тупроқлар классификациясида саҳро минтақасида тарқалган тупроқлар учун тақир-воҳа деган атама саҳро-воҳа тип атамаси билан алмаштирилиши керак. Чунки саҳро минтақасига автоморф тупроқлардан, асосан, уч тупроқ тип - сур тусли қўнғир, қумли саҳро ва тақирли тупроқлар суғорилади. Улар суғориш жараёнида ўз хосса ва хусусиятларини бутунлай ўзгартирадilar. Суғориладиган тупроқлар ривожланишнинг охириги босқичида юқорида номланган тупроқлар ягона тупроқ профилига эга ва бу тупроқни саҳро-воҳа ва ўтлоқи-воҳа тупроқ типига ажратиш кифоя. Назарий жиҳатдан бу ерда воҳа-ботқоқ тупроқ типини ажратиш мумкин эди. Аммо олиб борилган кўп текширишлар шуни кўрсатадики, ботқоқ-воҳа тупроқлари амалда ажратилмайди.

Узоқ давр давомида суғориш жараёнида ботқоқ-ўтлоқи тупроқлар аста-секинлик билан агроирригация келтирилмалари йиғилиб бориши ҳисобига маълум бир миқдорда

“ўсади”, ер ости сувлари сатҳи бирмунча пастга тушиб, уларнинг тупроқ профилига таъсири ўтади. Шундай қилиб, тупроқларнинг антропоген эволюцияси юз беради. Шу муносабат билан биз классификация қурилмаларида ўтлоқи-ботқоқ-воҳа типчасини ажратишдан воз кечдик. Юқорида қайд қилингандек, айтилган бу фикрлар яна кўпроқ даражада ботқоқ-воҳа тупроқ типига тегишлидир. Бу тупроқ тип рамакасида суғориладиган ботқоқ, гилли-ботқоқ, торфли ботқоқ типчаларини ажратиш мақсадга мувофиқдир. Улар узоқ давр давомидаги суғориш натижасида агроирригацион келтирилмалар тўплана бориши муносабати билан суғориладиган ботқоқ-ўтлоқи ва ўтлоқи-воҳа тупроқларига айланадилар.

Шундай қилиб, Ўзбекистондаги суғориладиган тупроқларнинг янги классификация схемасида суғориш жараёнида тубдан ўзгарган мустақил тупроқ типлари биринчи ўринга қўйилган.

Уларнинг кейинги таксономик бирликларга бўлиниши агроирригацион горизонтларнинг қалинлиги, механик таркиби, шўрланиш, емирилиш даражаси она жинслар характерида асосланади.

Р.ҚЎЗИЕВ,
б.ф.д. профессор.

АДАБИЁТЛАР

1. Горбунов Б.В., Кимберг Н.В. Классификация почв Узбекистана. Известия Узбекского филиала географического общества СССР. Т. VI. - Ташкент, 1962. -27 с.
2. Горбунов Б.В., Кимберг Н.В. Классификация почв. Почвы Узбекистана. -Ташкент. “Фан”. 1975. -С. 27-35.
3. Қўзиев Р.Қ. Ўзбекистон тупроқларининг янги классификацияси (таснифи)ни яратиш. Якуний ҳисобот, қўлёзма. Тошкент, 2011. -62-бет.

УЎТ: 631.22.018.001.5

Тадқиқот

БИОГАЗ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ИЖТИМОЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА ЭКОЛОГИК АФЗАЛЛИКЛАРИ

This article describes about role and methods of efficient exploitation of economical and environment preferences of biogas produced by organic waste in rural. In order of this there is given information about recycling in anaerobic conditions not only as energy source but such as other ecologically profitable using of biofertilizers.

Органик чиқиндилар турли биологик йўллар билан ҳосил бўлувчи чиқиндилардир. Шунингдек, у энг арзон ва қайта тикланадиган энергия манбаидир. Республикамызда йиллик йиғиладиган органик чиқиндилар тўлиқ қайта ишланса, у республикани ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида иссиқлик энергияси билан таъминлаш миқдорига тенг бўлган энергия бериши мумкин. Ҳозирги кунда муқобил ёнилғи, яъни биогаз Ўзбекистон шароитида асосан шаҳарлардан чиқаётган турли чиқиндилар ҳамда қишлоқ хўжалиги чиқиндиларидан, яъни паррандачилик, чорвачилик чиқиндиларидан олинмоқда. Шу жиҳатдан айтиш мумкинки, биогаз олиш қурилмаси ҳар қандай биологик чиқиндилардан ёнилғи сифатида биогаз олиш билан бир қатор-


да биологик чиқиндиларни қайта ишлаш натижасида қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш учун юқори сифатли ўғит олиш имконини ҳам беради [1].

Сўнгги вақтларда ноодатий энергия манбаларига (қайта тикланувчи энергия манбалари – шамол, қуёш ва ҳ.к.) бўлган талаб ортиб бормоқда. Бунга сабаб аҳоли сонининг ортиши, тоғ олди ва чекка туманларга энергия манбаларини етказиб бериш муаммолари, табиий энергия манбаларининг тобора камайиши (жаҳонда нефт захираси 45–50, табиий газ 70–75, тошқўмир 165–170, қўнғир қўмир 450–500 ва ядро ёнилғиси эса нисбатан кўпроқ йилларга етади) кабиларни кўрсатиш мумкин. Тикланадиган энергия манбалари йирик саноатга эга бўлиб, назарий жиҳатдан чекланмаган

миқдорда “соф” энергия олиш ва ҳозирги кунда электр қувватидан фойдаланиш имконига эга бўлмаган 1,6 млрд. кишининг турмуш фаровонлигини яхшилаш имконини берар экан. Тарихи қадимги Хитойга бориб тақаладиган қайта тикланувчи энергия манбаига айланган биогазга, таъбир жоиз бўлса яна энергияга бўлган талаб майдонга чиқди [3].

Дастлабки ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, бир тонна чиқинди аралашган ўсимлик биомассасидан 350 м³ газ олиш мумкин. Унинг энергия ҳажми 2,1*10⁶ ккал. Маълумки, суюқ ёнилғиларнинг энергия ҳажми 3,08*10⁶ ккал, қаттиқ ёнилғиларларнинг энергия ҳажми эса 0,2*10⁶ ккал. ни ташкил этади. Лекин биогаз технологиясидан фақат биогаз самарадорлигини кутиш ва шунинг ўзи билан қурилма таннархини қоплаш бирмунча узоқ муддат талаб этади. Муҳим жиҳатлардан яна бири биогаз технологияси парранда ва инсон ҳаёт фаолиятидаги чиқиндиларни зарарсизлантира олувчи ягона технология ҳисобланади [2].

Қурилмада ишлов берилган шлам таркиби гўннга нисбатан фойдали, яъни бегона ўт уруғлари қолмайди ва бу ўсимликлар парваришида бегона ўт уруғларини ўлдириш учун гербицидлар керак бўлмайди.



50 м³ ҳажмли биореактор суткасига 100 м³ биогаз беради. Шундан 70 м³ товар ҳолатидаги биогаз бўлиб қолган қисми қурилманинг ўз эҳтиёжларига сарф бўлади. Суткасига товар ҳолдаги 70% биогаз ҳосил бўлганда унинг бутун йил мобайнида йиғилган қисми 25 минг м³ ни ташкил қилади ва у 16,75 тонна суюқ ёнилғига тенг бўла олади.

Бир килограмм гўнгдан қанча биогаз олса бўлади?

Шу ўринда бу саволни ойдинлаштириш учун қуйидаги мисолни келтириш ўринли. 1 л сувни қайнатиш учун 26 л газ керак бўлади. У ҳолда:

- 1 кг парранда гўнгидан олинган биогаз 11,5–23 л;
- 1 кг йирик шохли қорамол гўнгидан олинган биогаз 7,5–15 л;
- 1 кг чўчка гўнгидан олинган биогаз 19 л;
- 1 кг бугдой сомонидан олинган биогаз 11,5 л;
- 1 кг картошка бўтқасидан олинган биогаз 17 л;
- 1 кг помидор бўтқасидан олинган биогаз 27 л сувни қайнатиши мумкин.

Биогаз технологияси ижтимоий, иқтисодий ва табиат муҳофазасига оид бир қатор муаммоларни ҳал қилади:

- ёнилғини, энергияни ва бошқа табиий ресурсларни (сув, ер) тежаш;
- иқлим шароитига боғлиқ бўлмаган ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни жадаллаштирувчи янги технологиялар муаммосини;

- атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва иссиқхона газларини баргараф этиш ва ҳ.к. [3].

Биогазнинг афзаллиги шундаки, унда электр энергияси ва иссиқлик энергиялари марказлашгандир. Энергетик нуқтаи назардан ташқари биоконверсия натижасида биогаз технологияси яна қуйидаги муаммони ҳал қилади. Бижғиган гўнг одатдаги гўнгга нисбатан 20 фоизгача қишлоқ хўжалик экинларини ҳосилдор қилади. Буни шундай изоҳлаш мумкинки, анаэроб ишлов бериш вақтида шлам минералларга ва азотга тўйинади. Одатдаги компостлаб ўғит тайёрлаш усулида 30 фоиздан 40 фоизгача азот йўқотилади. Биогаз технологиясини қўллаш орқали олинган биоўғитда азот миқдори гўнгга нисбатан аммоний азот тўрт бараваргача, фосфор икки бараваргача ортади.

Биогаз технологияси фақатгина тоза энергия бўлиб қолмасдан, ҳам экологик, ҳам агрокимёвий, ҳам ўрмончилик ва бошқа соҳаларда юқори рентабелликка ва рақобатбардошликка эга.

Биогаз – бу хонадондаги саломатлик демакдир. Хўжалик ҳудудида касалик чақирувчи бактерияларга тўла бўлган гўнг уюмини биореакторга юклаб, за-

рарланаётган муҳит қисқартирилади. Бунда нохуш ҳидлар, зарарли ҳашаротлар (пашша, чивин ва ҳ.к.) йўқолади [4].

Биогаз – бу ошхонадаги озодалик дегани. Биогаз ёнганда ўзидан қорайтирувчи ёмон смолалар чиқармайди ва ошхона анжомлари покиза бўлади. Бунда газ ёниш жараёнида нохуш ҳидлар кўп чиқмайди ва кўз ачишиши, димоқ қичишиши каби кўнгилсизликлар бўлмайди.

Биогаз – бу томорқадаги ҳосил унумдорлигининг асосий манбаи. Ишқорли ва нитрат таркибли тупроқ ўрнига азотга тўйинган тупроқ ўсимлик учун жуда зарур. Ёввойи ўт уруғлари бижғитиш жараёнида нобуд бўлганлиги учун экин майдонига камроқ меҳнат сарфланади.

Биогаз – бу чиқиндидан даромад олиш дегани. Хўжаликнинг озиқ-овқат, парранда чиқиндилари биогаз қурилмаси учун бепул хомашё. Чиқиндини қайта ишлаб биогаз ва биоғумус соф биоўғит олинади.

Биогаз – бу энергия борасидаги мустақиллик дегани. Газ ва кўмир таъминоти манбаларига қараб қолинмайди ва унга эҳтиёж бўлмаганидан кейин уларни сотиб олиш харажатлари тежаб қолинади.

Биогаз – бу қайта тикланадиган энергия манбаи жиҳатидан XXI аср илғор технологиясидир.

Ш.ИМОМОВ, К.УСМОНОВ, З.МАМАДАЛИЕВА,
(ТИҚХМИ).

АДАБИЁТЛАР

1. Имомов Ш., Усмонов К. Биогаз: экология органик ўғит. Т.: “FARZAY-POLIGRAF”, 2016. - 258 б.
2. Имомов Ш.Ж., Хванг Санг Гу, Усмонов К.Э., Шодиев Э.Б., Каюмов Т.Х. Альтернативное топливо на основе органики. - Ташкент: Фан, 2013. - 168 с.
3. Дубровский В.С., Виестур У.Э. Метановое сбраживание сельскохозяйственных отходов. Рига; Зинатне, 1988. 204 с.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

The purpose of the article is to analyze import data and procedures of ASEAN countries through which to provide some recommendations on how to expand export of Uzbek agricultural products to these countries.

Жануби-шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси (ЖШОДА - инг. АСЕАН) ҳудудий интеграцион тузилма бўлиб, 10 та аъзо мамлакат (Бруней, Камбоджа, Индонезия, Лаос, Малайзия, Мянма, Филиппин, Сингапур, Таиланд ва Вьетнам) ўртасида иқтисодий, сиёсий ва хавфсизлик масалаларини илгари суради. Ўзбекистоннинг бу мамлакатлар билан савдо алоқаларининг жадал ривожлантириши, хусусан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини ошириши мамлакатимиз экспорт салоҳиятини кенгайтиришда муҳим ҳисобланади.

Статистик маълумотлар шуни кўрсатдики, АСЕАН мамлакатлари томонидан учинчи мамлакатлардан импорт қилинган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг миқдори 2015 йилда тахминан 60 млрд. АҚШ долларини ташкил этган. Бунинг 21,8% улуши (13 млрд. АҚШ доллари) дон ва дон маҳсулотларига тўғри келган. Шунингдек, Ўзбекистонда етиштирилган экспортбон ҳисобланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (мева ва сабзавотлар, қуруқ мевалар, бошоқли экинлар ва ҳ.к.) нинг АСЕАН мамлакатлари томонидан импорти 2015 йилда 29 млрд. АҚШ доллариға яқин суммани ташкил қилган. Бу эса импортдаги жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 48 фоизидан ортиқ қисми ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистонда етиштирилган гилос, олма, узум, қулупнай ва бошқа турдаги ҳўл мевалар ҳамда дуккакли экинлар, қарам, гармдори, картошка ва бошқа сабзавотларга Сингапур (95% мева ва сабзавотлар импорт қилинади), Таиланд, Индонезия, Вьетнам, Малайзия сингари тузилманингда аҳоли жон бошига даромади нисбатан юқори мамлакатлари аҳолиси томонидан талаб юқорилигини кўриш мумкин. Масалан, 2015 йилда қайд этиб ўтилган мамлакатлар томонидан тахминан 2 800 млн. АҚШ доллари суммасидаги ҳўл мевалар импорт қилинган.

Маълумки, ҳар қандай мамлакат учун экспорт қилишдаги энг катта тўсиқ бу - импортчи мамлакатнинг

божхона жараёнида тариф ва нота-тариф усуллари қўллашидир. Биламизки, АСЕАН мамлакатларининг барчаси Жаҳон Савдо Ташкилоти (ВТО) аъзоси ҳисобланади. Шу сабабли аъзо мамлакатлардан кириб келувчи маҳсулотларга божхона тарифлари нисбатан паст даражадалигини кўриш мумкин. Шунингдек, АСЕАНнинг асосий савдо шериклари - Хитой, Австралия, Ҳиндистон, Янги Зеландия, Корея ва Япония давлатлари билан эркин савдо келишувлари мавжудлиги бу мамлакатлардан жуда паст (5 фоиздан кўп бўлмаган ёки ҳеч қандай) тарифларда маҳсулот импортини таъминлайди. Бу эса шу маҳсулотларнинг нарх жиҳатдан рақобатбардош бўлишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, озиқ-овқат хавфсизлиги ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш мақсадида импорт маҳсулотларига турли хилдаги нотариф усуллар ҳам қўлланилади. Булар кўп ҳолларда санитар ва техник мақсадларда бўлиб, асосан, импорт қилувчи мамлакатнинг тегишли идоралардан рухсатномалар олиш, озиқ-овқат маҳсулотларига турли хил кимёвий моддаларнинг чекланган миқдорини кўрсатувчи, маҳсулотларни қадоқлаш, тест қилиш, уларнинг ўрамада фойдаланилган қадоқнинг тури, ранги ва ўлчами каби талабларни назарда тутати.

Демак, хулоса қилсак бўладики, Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари билан савдо алоқаларини ривожлантириш ҳамда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини бу бозорларга янада оширишда маълум даражада қийинчиликлар мавжуд. Шундай бўлса-да, экспортни қўллаб-қувватловчи органлар экспортчиларимизга бундай қийинчиликларни енгишга турли хорижий мамлакатлар қўллайдиган усуллар орқали кўмаклашиши зарур. Масалан, АҚШнинг экспортни қўллаб-қувватловчи турли ташкилотлари экспортини биринчи марта Сингапур ва Вьетнам каби бозорларга йўналтирган тадбиркорларга биринчи навбатда ушбу мамлакатлардан турли маҳаллий савдо

агентлари топиш ҳамда кучли маркетинг стратегиялари қўллашни тавсия қилади.

Юқоридаги таҳлиллар асосида, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини АСЕАН мамлакатларига оширишда қуйидаги таклифларни илгари сурамиз:

- бирлашманингда аъзолари билан савдо-сотик доирасида икки томонлама келишувларни ошириш. Яъни бунда турли даражада музокара олиб бориш орқали шу мамлакатлар билан савдо шартномалари алмашиш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига божхона бож тарифларини келишиб олиш;

- мамлакатимизнинг потенциал экспортчиларига шу мамлакатлардан ишончли, тажрибали ва энг асосийси мураккаб импорт процедуралари билан таниш бўлган савдо агентлари топишга кўмаклашиш;

- экспортни қўллаб-қувватловчи идоралар томонидан мамлакатимиз экспортчилари маҳсулотларининг АСЕАН мамлакатлари стандартларига мос келишига кўмаклашиш ҳамда бу мамлакатларда турли савдо кўргазмалари ва ярмаркалар ташкил этиш;

- турли хил маркетинг тарғибот усуллари орқали АСЕАН бозорларида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари брендини кенг тарғиб қилиш ва шу орқали истеъмолчиларни юртимиз маҳсулотларининг сифат даражаси билан таништириш, уларга бўлган ишонч-ни шакллантириш.

Ш.ҲАСАНОВ,

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси.

АДАБИЁТЛАР

1. Lili Y.I., Santiago F.C., Olivier C. *Non-Tariff Measures in ASEAN.* // *Economic Research Institute for ASEAN and East Asia and United Nations Conference on Trade and Development. Indonesia., April 2016.* - P. 35-65.
2. *ASEAN Economic Community Chartbook 2017.* // *The ASEAN Secretariat. Jakarta, Indonesia., November 2017.*

СЕРВИС КОРХОНАЛАРИДА МАРКЕТИНГ

Фермер хўжаликлари балансидаги трактор ва қишлоқ хўжалиги машиналарининг доимо ишга шай ҳолатда бўлишини таъминлаш сервис корхоналарининг вазифасидир. Сервис корхоналари бу вазифани бажариш мақсадида машиналарни мукамал ва жорий таъмирлаш, уларга даврий равишда техник хизмат кўрсатиш ишларини амалга оширадilar. Бу ишлар йиғиндиси таъмирлаш-хизмат кўрсатиш ишлари дейилади.

Сервис корхоналарининг фаолияти самарали бўлиши учун улар томонидан таклиф этиладиган таъмирлаш-хизмат кўрсатиш ишларининг турлари аниқ сервис бозорида, аниқ истеъмолчилар кесимида доимо ўзининг долзарблигини сақлаб туриши лозим.

Хизматлар бозори шароитида фермерларнинг талаблари (носоз машиналарни таъмирлаш, соз машиналарга техник хизмат кўрсатишга доир буюртмалари) ва сервис корхоналарининг таклифлари (машиналардаги носозликларни бартараф этиш, машиналарга даврий техник хизмат кўрсатиш ишлари) моҳияти жиҳатидан маркетинг принципларининг ўзидир. Шу боис таъмирлаш-хизмат кўрсатиш тизими маркетинг қоидалари асосида фаолият кўрсатади.

Шуни таъкидлаш лозимки, сервис корхоналари учун маркетинг — бу нафақат хизматларни реклама қилиш ва буюртмалар портфелини шакллантириш, балки мавжуд хизматлар бозорига мослашиш ва янги қулайликларини излаб топиш ҳамда улардан тўла фойдаланиш ҳамдир. Бу вазифаларни тўлақонли бажариш учун сервис корхоналарининг раҳбарлари ва мутахассислари (маркетологлар) маркетинг жараёнини бошқаришлари зарур.

Маркетинг фаолиятини бошқариш қуйидаги тадбирларни ўз ичига олади:

- 1) бозор имкониятларини таҳлил қилиш;
- 2) мақсадга мос бозорларни танлаш;
- 3) маркетинг чора-тадбирлари режасини ишлаб чиқиш;
- 4) юқоридаги тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш.

Бозор имкониятларини таҳлил қилишда фермер ва деҳқон хўжаликлари, томорқа эгаларининг талаблари, таъмирлаш-хизмат кўрсатиш ишларини мустақил бажара олиш имкониятлари ва уларнинг

молиявий ресурслар билан таъминланганлик даражаси ҳисобга олинади.

Ҳар қандай дилер ва йирик сервис корхонаси аъзолари шуни эсда тутиши лозимки, улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар барча истеъмолчиларни бирданига қамраб ола олмайди. Шу боис потенциал буюртмачиларнинг аниқ гуруҳларига йўналтирилган мақсадли маркетингни амалга ошириш зарур бўлади. Бунда сервис корхонаси ўзининг маркетинг тадбирларини майдаламасдан, уларни аниқ буюртмачиларга (масалан, вилоятлар ва туманлар марказларидан олисда жойлашган фермерларга, молиявий бақувват хўжаликларга ўзининг таъмирлаш-хизмат кўрсатиш базасига эга бўлмаган субъектларга) йўналтириши кутилаётган натижаларни беради.

Мақсадли бозорларни танлаш бозорни буюртмачиларни аниқ гуруҳларга туркумлаш (бозорни сегментлаш)дан иборат. Бу гуруҳлар учун алоҳида хизматлар турлари, ҳаттоки маркетинг тадбирларининг янги дастурлари талаб этилиши мумкин.

Бозорни сегментлашда қуйидаги мезонлардан фойдаланиш мумкин:

- ҳудудий (масалан, у ёки бу вилоят ёки тумандаги сервис истеъмолчилари);

- сервис буюртмачиларининг молиявий аҳволи;

- техника эгалари (буюртмачилар) томонидан ўз кучлари билан бажариладиган таъмирлаш-хизмат кўрсатиш ишларининг ҳажмлари ва интенсивлиги;

- буюртмачилар балансидаги техника воситаларининг русумлари ва ишлаган муддатлари бўйича таркиблари;

- буюртмачилар хизмат кўрсатадиган фермерлар далаларида этиштирилаётган қишлоқ хўжалиги экинларининг турлари.

Ўзбекистон шароитида ҳудудий мезондан фойдаланишда кўпроқ сервис истеъмолчиларининг туманлар бўйича жойлашиш зичлигини ва туманлар орасидаги масофаларни ҳисобга олиш лозим. Масалан, Тошкент вилояти учун сервисларнинг бозори қуйидагича сегментланиши мумкин:

1-сегмент: Бўстонлиқ ва Паркент туманлари;

2-сегмент: Оҳангарон, Юқоричирчиқ ва Ўртачирчиқ туманлари;

3-сегмент: Пискент, Оққўрғон, Қуйичирчиқ туманлари;

4-сегмент: Бўка ва Бекобод туманлари;

5-сегмент: Чиноз ва Янгийўл туманлари;

6-сегмент: Зангиота, Тошкент ва Қибрай туманлари.

Амалиётда исботланганки, ҳар бир сервис корхонасининг кучи бозорнинг битта ёки икки-учта сегментини қамраб олишга етади, холос. Бу — корхонанинг моддий-техника ва молиявий ресурслар билан таъминланганлик даражасига боғлиқ. Бозор сегментлари буюртмачиларга кўрсатилаётган сервис хизматларининг ҳажмлари, сифати ва баҳолари ҳамда сервис корхонаси ва фермер хўжаликлари (буюртмачилар) нинг мазкур фаолият натижасида олган даромадлари билан баҳоланади.

Сервис корхонаси хизматлар бозорида ўз ўрнини йўқотмаслик учун бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматлар турлари, ҳажмлари ва баҳолари, хизматлар рекламаси, буюртмалар портфелини шакллантириш, буюртмачиларнинг кўрсатиладиган хизматларга қизиқишларини орттириш ва доимий мижозларни рағбатлантириш каби масалаларни ўз ичига олган маркетинг тадбирлари дастурини тузади ва ўз фаолиятини шу дастур бўйича ташкил этади.

Шундай қилиб, сервис корхоналарида маркетинг принципларига амал қилиш кўрсатилаётган техник хизматлар сифати ва салмоғини ошириш, буюртмачилар талабларини тўлақонли қондириш имкониятларини яратади.

З.МУРОДОВА

катта ўқитувчи, (ТошДАУ).



МУТОЙИБАДАН МУЛОҲАЗА ҚИЛИБ...



КЕТМОН ВА ТРАКТОР

Ҳозир техниканинг бўлса замони,
Нега музейдамас, деҳқон кетмони?

Трактор ҳайдаса ағдариб ерни,
Кетмоннинг ҳам бордир ҳар жойда ўрни.

Трактор кетмоннинг ишин қилолмас,
Кетмон ҳам трактор каби бўлолмас.

Иккови ҳам бободехқон кишининг,
Халоскори деҳқончилик ишининг.

Бири митти бўлса, бири баҳайбат,
Унга ҳам, бунга ҳам чин дилдан раҳмат.

ТОПИЛМАЛАР

Ёшликда меҳнатни қўлинг, қариганингда пулинг
қилади.

Тут тўқилса ердан териб олиш мумкин, лекин, обрў
тўқилса-чи?..

Эшак, десанг, эшаклар ҳам хафа бўлармикан?

Сўлиган гулдастага пашша қўниши мумкин, аммо
асалари қўнмайди.

Ноқис уста иш қидиради, нодир устани иш қидиради.

МИТТИ МАСАЛЛАР

Тулки: Думимни аёллар бўйнига осиб юришибди-я!
Кирпи: Менинг мўйнамага қачон навбат келаркин-а?

Дақиқа: Бир адабингни бермасам!..

Сония: Олдин етиб олгинчи!

Анвар МИРЗАЗОДА

ЖАЙДАРИ ФАЛСАФАЛАР

- Ақлли аёлни қовоғи очиқ, оғзи ёпиқ бўлади.
- Келин олсанг отасига боқ, эрки ўзидами?
- Чойнинг шамасини тўқкишдан олдин уйда қуруқ
чой бор-йўқлигини сўраб қўйишни унутма.
- Ҳеч бўлмаса ўрдакдай суза олсанг, ўзингни ўзинг
эплайсан.
- Донишманд пашшанинг ҳаводаги изини ҳам кўради.
- Осмонга оғиз очган оч қолар.

Раҳмонали МУЛЛАЕВ.
Марҳамат тумани.

ҚЎШИҚДАН КЎРА ҚЎШИҚЧИ КЎП

- Инсон табиати қизиқ: иши юришиб турса, ўзи-
дан хурсанд бўлади. Юришмай қолса бошқалардан хафа
бўлади.
- Бугун сирингни қудуққа айтиб бўлмайди: Интер-
нетга уланган бўлиши мумкин.
- Бармоқдаги узук бошни боғлайди. Баъзида бошни
оғртади ҳам.
- Бугдойни кўзга суртиб, сомонни итқитамиз. Ле-

кин ўша сомон бўлмаса, бугдой ҳам бўлмасди.

- Инсоннинг ақл-заковатига унинг бўйи ёки ориқ
семизлигига қараб баҳо бериб бўлмаганидек, мансаби-
га қараб ҳам баҳо бериб бўлмайди.
- Илгари одамлар содда бўлишган: хонанда бўлиш
учун овоз керак, деб ўйлашган.
- Эрталаб инсоннинг хотираси тиниқлашади, мия-
си яхши ишлайди. Шунинг учун ҳам айрим эркаклар
эрталаб ўз уйлари ошон топиб келишади.
- Ҳар бир одам ўқилмаган китоб, деган гап бор.
Биз кўпинча, бу китобнинг мазмунига эмас, муқова-
сига қараб баҳо берамиз.
- Баъзи расмларни кўрсангиз, худди тирикдек таас-
сурот қолдиради. Баъзи тирик инсонлар эса, аксинча...
- Бошқаларни настга уриш билан ўзинг кўтарил-
майсан.
- Қўшиқдан кўра қўшиқчи кўп.
- Ошиқ-мошиқниям ёғлаб турмасанг, ғийқиллаб
гашинга тегади.
- Агар ҳаёт мажбур қилса, мушук сичқонга одоб
билан йўл бўшади.

Ҳабиб СИДДИҚ.

ДОНОЛАР ДЕЙДИКИ...

Сукротдан шогирдлари сўрашибди:

- Кўнгилдагидек никоҳ учун қандай шартлар за-
рур?
- Бунинг учун асосан икки нарса зарур: эр кар, хо-
тин эса сўқир бўлиши керак, — дебди Сукрот.

Бир куни хотиннинг хархашаларидан безор бўлган
кўнгли ғаш Сукрот кечки овқатга ҳозирланаётиб хо-
тини Ксантиппега шундай деган экан:

- Жонгинам, тўйимиз олдида сенинг қўлингдан бир
қадаҳ заҳар ичишга ҳам тайёрман деган эдим. Лекин
бу қадаҳни ҳар куни уч марта — нонуштада, тушлик-
да ва кечки овқатда сипқораман, деб сира ўйлама-
гандим.

Қадимги греклар донишманди файласуф Диогеннинг
фикрини жуда қадрлашган. Мухлислар бир куни ундан
сўрашибди:

- Қайси ёшда уйланган маъкул?
- Файласуф жавоб қилибди:
- Ёшларга ҳали уйланиш эрта, кексаларга эса кеч.

Диогендан сўрашибди:

- Кимнинг кўзи ўткир?
- Ҳасадгўйнинг кўзи, — жавоб берибди донишманд,
— чунки улар сенда йўқ нарсани ҳам кўришади.

Диогендан, инсонда нима тез қарийди, деб сўра-
шибди.

- Миннатдорлик! — деб жавоб берибди у.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХОҲАЛИГИ

(«Сельское хозяйство
Узбекистана»)

Аграр-иқтисодий,
илмий-оммабоп журнал

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлиги

Бош муҳаррир:

Тоҳир
ДОЛИЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Зойир МИРЗАЕВ
Аброр ВАХАБОВ
Шавкат ХАМРАЕВ
Шухрат ТЕШАЕВ
Баҳром НОРҚОБИЛОВ
Низомиддин БАКИРОВ
Тўлқин ЭШНАЗАРОВ
Баҳодир ЮСУПОВ
Абдушукр АБДУЛЛАЕВ
Сурат ҲАЙДАРОВ
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ
Тошгемир ОСТОНАҚУЛОВ
Шермат НУРМАТОВ
Ўктам УМУРЗОҚОВ
Норкул ХУШМАТОВ
Равшанбек СИДДИҚОВ
Ражаббой ДЎСТМУРОДОВ
Муҳаммаджон ИБРАГИМОВ

2018 йил,
№4. апрель

Журнал 1922 йил
октябрдан чиқа бошлаган.

ОБУНА ИНДЕКСИ:
якка обуначилар учун – 894
ташкilotлар учун – 895

МУНДАРИЖА

Қишлоқ хўжалигидаги ишлар натижадорлиги муҳокама қилинди	1
Ўза ниҳолларини парваришlashда энг муҳим тадбирлар	3
Р.СИДДИҚОВ, Ф.АСРОНОВ. Галла ривожини жадаллаштириш учун нима қилиш керак?	6
М.ТОШБОЛТАЕВ. Баҳорги механизациялашган агротадбирларни сифатли бажариш	7
Р.АБДУЛЛАЕВ, Х.АБДУЛЛАЕВА, Ж.АГЗАМХОДЖАЕВ, М.ИСРОИЛОВ. Боғ-тоқзорларда апрель ойида бажариладиган агротехник тадбирлар ...	9
Р.ХАКИМОВ, Ф.РАСУЛОВ. Апрель – сабзавотчиликда муҳим палла	10
А.ҚОРАХОНОВ, Д.ЁРМАТОВА, А.ТОЛИБАЕВ. Сояни экишда қандай техникадан фойдаланилади?	12
Н.АСТАНАҚУЛОВ. Ёнғоқзорлар барпо этиш	13
С.ИСЛАМОВ, А.АЗИЗОВ, Б.АБДУСАТТОРОВ. Янги йўналиш – янги имконият демак	15
Ф.БОБОЕВ, Қ.АЗИЗОВ, С.КОДИРХОНОВ, Д.ЕДЕНБАЕВ, Д.ТОХИРБОЕВА, Г.НОРМАТОВА. Тритикале	16
Маккажўхори етиштириш агротехникаси	17
Д.АЛИЖОНОВ, Ш.АБДУРОХМОНОВ, Х.СУЛТАНОВ. Чорвадорлар учун дон майдаловчи ихчам қурилма	19
Р.НАЗАРОВ. Сув тақчиллиги шароитида ғўза етиштириш	20
Қ.РАЙИМБОЙ. Сув – тириклик манбаи	21
Б.ТОШНАЗАРОВ. Кластер – фермерликнинг келажаги	22
А.ҲАЙДАРОВ. Оқдарё помидори	23
Н.МАМАНОВА. Ишонч масъулиятга ундамоқда	23
Х.КАРИМОВ. Ривож топаётган тармоқ	24
Анорчи фермер муваффақиятлари	25
Ш.ЖАББАРОВА. Меҳнати билан улғудир инсон	26
А.БОЗОРОВ. Илму фан саодати	27
Шижоатли фермер	27
Бедачиликда янги ғоялар	28
Ишинг аввало ўзинга ёқсин	28
Режалари улғувор ва хайрли	29
К.ЭРГАШЕВ. Ота изидан	30
Ф.МИРЗАЕВ. Саховатли тадбиркор	31
Р.ҚОЗОҚОВ. Қишлоқдаги равон йўллар	32
“Кумуш тола” истиқболи	33
Пилласи борнинг, тилласи бор	34
Илғор пиллачи	34
К.ХУДОЙБЕРДИЕВ. Томорқалари яшнаган шаҳарча	35
Эл фаровонлиги йўлида	36
К.ХАЙИТБОЙ. Боғни боқсанг боғ бўлур	37
Б.АЗИМОВ, Р.АЗИМОВ. Қарафс: ёқимли, мазали ва фойдали	38
Д.ЁРМАТОВА. Седана ёки сиёҳдона қандай ўсимлик?	39
Ғ.РАХИМОВ, Х.БОТИРОВ. Уруғлик лавлаги етиштириш	40
Б.СУЛАЙМОНОВ, М.РАҲМОНОВА, К.ҲАМДАМОВ. Мевали боғларда учрайдиган энтомофагларнинг доминант турларининг систематик таҳлили	41
Р.ҚЎЗИЕВ. Республика худудларида тупроқ тарқалиши ва классификациясининг илмий тамойиллари	42
Ш.ИМОМОВ, К.УСМОНОВ, З.МАМАДАЛИЕВА. Биогаз технологиясининг ижтимоий, иқтисодий ва экологик афзалликлари	43
Ш.ҲАСАНОВ. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти салоҳиятини ошириш истиқболлари	45
З.МУРОДОВА. Сервис корхоналарида маркетинг	46
Мутуйбадан мулоҳаза қилиб... ..	47

Журнал Ўзбекистон Матбуот
ва ахборот агентлигида 2007 йил
11 январда 0158-рақам билан
рўйхатга олинган.

Манзилимиз: 100004, Тошкент
Шайхонтохур тумани,
А. Навоий кўчаси, 44-уй.
Тел: +998 71 242 13 54,
+998 71 242 13 24.

www.qxjurnal.uz

E-mail: qxjurnal@agro.uz,
uzqx_jurnal@mail.ru

© «Ўзбекистон қишлоқ хо‘jaligi»

Босмахонага топширилди: 2018 йил
26 март. Босишга рухсат этилди:
2018 йил 27 март. Қоғоз бичими
60x84 1/8. Офсет усулида офсет
қоғозига чоп этилди. Шартли босма
табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табағи 5,0.
Буюртма №100 Нусхаси 4500 дона.

«PRINT LINE GROUP» ХК
босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри,
Бунёдкор шоҳ кўчаси, 44-уй.

Навбатчи муҳаррир: **Б.ЭСОНОВ**
Дизайнер: **Н.БОЛТАЕВА**